

# 129 МИЛЛИАРД СЎМЛИК

бюджет интизоми бузилган,  
асоссиз харажатлар аниқланган



5

НЕГА  
суғуртага  
ишонч  
қолмаган?




9

[f @mahalladoshuz](#) [@mahalladosh\\_uz](#) [www.mahalladosh.uz](#)

№41-42  
(1971-1972) 2020 йил  
19 — 26 ноябрь

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI



# Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

**ДАВЛАТ  
ИШТИРОКИДАГИ**  
корхоналар фаолияти  
қандай ислоҳ  
қилинади?

16

**ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ**  
фақат юқори органларга  
муурожаат қилганда  
тикланадими?

22

**«АГАР МАҲАЛЛАГА**  
муурожаат қилсам,  
оилам бузилиб  
кетди...»

24

**ХУСУСИЙ СЕКТОР  
ТАЖРИБАСИ**  
таълим сифатини  
оширишга хизмат  
қиладими?

30

**ПСИХОЛОГИК  
ХИЗМАТ**  
қачон талабга жавоб  
беради?

40

## КЎЧАЛАРДАГИ ПИЁДА ВА ВЕЛОЙЎЛАКЛАР АҲВОЛИ ҚОНИҚАРСИЗ...



13.

**МАҲАЛЛАНИ «МАНАЛЛА»СИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН...  
ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

**2021**

ОБУНА  
ИНДЕКСИ: 148

# СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ ЯНГИ ТИЗИМ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

**Ж**орий йилнинг 10 ойида Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига 4 миллионга яқин ижро ҳужжати келиб тушган бўлиб, шундан 1 миллион 200 мингтаси бажарилмаган. Яъни бугунги кун ҳолатига 17 триллион сўмлик ҳужжатлар ижроси таъминланмай турибди. Бунинг 7,2 триллион сўми давлат ундирувига, қолган 9,7 триллион сўми жисмоний ва юридик шахсларга тегишли. Агар ушбу маблағлар ўз вақтида ундирилганида кўплаб тадбиркорларнинг молиявий аҳволини яхшилашга, кам таъминланган фуқароларни қўллаб-қувватлашга ва кўплаб ижтимоий масалалар ҳал этилган бўларди.



Куни кеча Президентимиз раислигида суд ҳужжатлари ижро этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳага оид ана шундай муҳим масалалар муҳокама этилди.

Эндиликда қарздорликларни қисқартириш бўйича мамлакат даражасида алоҳида, вилоят ва туманлар миқёсида алоҳида тизимда иш олиб борилди. Хусусан, Мажбурий ижро бюроси 20 миллиард сўмдан юқори қарзларни ундириш билан шуғулланади. Бюронинг вилоят бошқармалари 10 миллиард сўмдан 20 миллиард сўмгача бўлган қарзлар ундируви билан ишлайди.

## Қарор қабул қилиш ваколати судлардан давлат ижрочисига ўтказилади

МИБнинг туман ва шаҳар бўлими бошлиқлари ҳокимлар ва сектор раҳбарлари билан бирга оғир аҳволга тушиб қолган қарздорларнинг манзилли рўйхатларини тузиб, уларга кўмаклашади. Бунинг учун ундирувчи илтимосига кўра ижро иши юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколати судлардан давлат ижрочисига ўтказилади.

Шунингдек, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсманга давлат даромадига ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича тадбиркорлик субъектларининг қарзлари юзасидан ижрони кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисида мурожаат этиш ҳуқуқи берилди.

**Қарздорлар тўғрисида ягона электрон платформа яратилади**  
Йиғилишда қарздорнинг

мол-мулки йўқлиги сабабли тўхтатилган ижро ҳужжатлари билан ишлаш масаласи муҳокама қилинди. Эндиликда қарздорлар тўғрисида ягона электрон платформа яратилиб, уларни нотариус, банк, солиқ, давлат хизматлари, божхона, кадастр, ички ишлар ва бошқа идоралар базасига интеграция қилинади.

Шу пайтгача мажбурий ижро таъминланишидан ҳудудларга манфаат йўқ эди. Эндиликда ундириладиган маблағларнинг бир қисми «темир дафтар», «ёшлар дафтари» ва «аёллар дафтари» бўйича жамғармаларга ўтказиладиган тартиб жорий қилиниши белгиланди.

## Ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби жорий қилинади

Давлат ижрочиларининг иш ҳажми масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Кўп жойларда битта ижрочига тўғри келаётган ҳужжатлар сони меъёрлардан зиёд экани кўрсатиб ўтилди. Масалан, мулк хуқуқларни рўйхатга олиш, ишга тиклаш ва иш ҳақи ундириш, жарима ва коммунал тўловларни тўлаш каби 8 тоифадаги ҳужжатларни мажбуриятсиз ҳам амалга ошириш мумкин. Ҳозир МИБ зиммасида бундай ижро ҳужжатлари 1,6 миллионга, бу эса жами ишларнинг 35 фоизи. 400 минг сўмгача бўлган маблағларни ундиришга оид ҳужжатлар бўлса 60 фоизни ташкил этади.

Шу боис суд қарорларини ижро этишнинг соддалаштирилган тартибини жорий қилиш, кам миқдордаги маблағлар билан ахборот технологиялари ёрдамида ишлайдиган махсус бўлимлар ташкил этиш топшириқлари берилди. Давлат

ижрочиларини илғор методикалар асосида қайта тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

Мусодара қилинган мулкларни сотиш тизими ҳам қайта кўриб чиқилиб, «Е-ижро аукцион»га кўйилган буюмларни бошқа электрон савдо платформаларига интеграция қилинади.

## Шикоятларнинг 64 фоизини алимент масалари ташкил этмоқда

Таҳлилларга кўра, фуқаролар шикоятларининг қарийб 64 фоизини алимент масалари ташкил этмоқда. Бу борадаги ижро ишлари ва тўловларнинг ягона ҳисоби йўлга қўйилмагани кўплаб тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда. Шу боис келгусида алимент олувчилар ва тўловчиларнинг тўлиқ реестрини шакллантириб, автоматлашган назорат тизими жорий қилинади.

Маълумки, жорий йил 1 августдан бошлаб электр энергияси ва табиий газ бўйича қарздорликни ундириш ваколати штатлари билан электр ва газ таъминоти корхоналарига ўтказилди. Шу боис, электр тармоқларининг 3,5 триллион сўм, табиий газ етказиб берувчиларнинг 11 триллион сўм дебитор қарздорлигини қисқартириш бўйича қатъий иш олиб борилади.

Шунингдек, суд ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш бўйича Бош прокурор раҳбарлигида Республика кенгаши ва вилоят ҳокимлари бошчилигида ҳудудий кенгашлар тузилиб, уларга вилоят прокурорлари ўринбосар этиб бириктирилиши белгиланди.

**ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.**

## Мавзуга оид фикрлар:

### Тадбиркорларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилди

**Жамшид ЎРИНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўринбосари:

– Пандемия шароити туфайли қарздор бўлиб қолган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бизнес субъектларига бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини яратиш белгиланди. Бу учун Бизнес-омбудсман ва Савдо-саноат палатасига алоҳида ҳуқуқ берилди. Яъни тадбиркорлар номидан уларнинг шароитларини ўрганган ҳолда суд органларига ва қарздорликни ундиришни белгиланган органларга ариза билан мурожаат қилиб, ушбу тадбиркорлар қарзларини кечиктириб, бўлиб-бўлиб тўлаш масаласини қўйиш ва ҳал қилиш ваколати белгиланди.

Илгари тадбиркорлар қарздорлиги бўйича суд қарори чиққанидан сўнг қарор бўйича норозиликлар бўлса фақатгина тарафлар шикоят қилиши мумкин эди. Лекин бундай ҳолатларда Бизнес-омбудсманнинг аралашшига ваколати йўқ эди.

Президентимизнинг кечаги видеоселекторда Бизнес-омбудсманга тадбиркорларни ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқ берилганидан сўнг биз амалий ишларни бошлаб юбордик. Чунки бу борада тадбиркорлардан мурожаатлар жуда кўп.

### Энг кўп жиноятлар давлат бошқаруви органлари ҳиссасига тўғри келмоқда

**Фарҳод ОЧИЛОВ,**  
Бош прокуратуранинг Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бўлим бошлиғи:

– Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти органлари томонидан жорий йилнинг 10 ойида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида давлат бошқаруви органлари, таълим, соғлиқни сақлаш, банк, молия, ёқилғи энергетикаси, қурилиш соҳаларида жами 436 ҳолатда 260 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағлари талон-торож этилгани фош қилинди.

Хусусан, мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш ҳамда сохтакорликка йўл қўйиш билан боғлиқ 89 та жиноятга чек қўйилган. Бу жиноятларнинг энг кўпи — давлат бошқаруви органлари ҳиссасига тўғри келади.

Давлат харидларини сунъий равишда қиммат нархда сотиб олиш билан боғлиқ 27 та жиноят аниқланган. Таълим, соғлиқни сақлаш, ёқилғи энергетикаси, маданият тизими ва бошқа йўналишларда ана шундай жиноятлар кўпроқ қайд этилди.

Шу билан бирга, қурилиш соҳасидаги 187 та жиноят туфайли давлат бюджетига 60 миллиард сўмлик зарар етказилгани аниқланган. Ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва реконструкция қилишда бюджет маблағларини талон-торож қилиш билан боғлиқ 27 та жиноят фош этилган.



**51 фоиз мактабда инклюзив таълим тизими жорий этилади.**

# «...ВАЗИЯТ ТУБДАН ЎЗГАРИШИ ШАРТ!»

**Д**авлатимиз раҳбари пандемия шароитига қарамай, иқтисодий-тиклан ва ривожлантириш, одамлар ҳаётини яхшилаш борасидаги ишлар билан танишиш мақсадида 12-13 ноябрь кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди. «Қашқадарёда барча соҳаларда вазият тубдан ўзгариши шарт. Бунинг учун вилоятда ҳамма имконият бор. Ҳамма уйғониши керак», – деди Президент.



Шак-шубҳасиз, ушбу ташриф воҳада йирик лойиҳаларни амалга ошириш, ташаббусларни рўёбга чиқариш, аҳоли турмуши фаровонлигини таъминлаш борасидаги ишларни жадал давом эттиришда янги босқични бошлаб беради.

Вилоят фаоллари, маҳаллий кенгаш депутатлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида ўтган йиғилишда ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ҳолати танқидий таҳлил қилинди. Қашқадарё ўзининг салоҳиятига мос яшамаётгани, мамлакатимизнинг кўпгина ҳудудларидан орқада қолаётгани айтиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари ҳудуддаги ирригация ва мелиорация ҳолатини ҳам кескин танқид қилди. Нотўғри суғориш оқибатида ерларнинг 45 фоизи шўрланган. Айниқса, бу борада Муборак,

га тўғри келмайди. Биз ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларига таянишимиз лозим. Асосийси, интенсив боғларга кўпроқ эътибор бериш шарт. Ўзингиз ўйлаб кўринг, оддий усулдаги боғда гектаридан 9,5 тонна ҳосил олинса, интенсив боғдан 55 тонна мева олиш мумкин. Ўртадаги фарқ қандай эканини кўриб турибсиз. Чорва ва гўшт етиштиришни ҳам тўғри йўлга қўйишимиз керак. Тошкент шаҳрини таъминлашда Қашқадарёда етиштириладиган гўштни салмоғи жуда катта. Аммо шу маҳсулотни қонуний йўл билан, замон талабига кўра етказиб беришда камчилик бор. Мана шу камчиликни бартараф этиш лозим. Маҳсулот таннархини тушириб ёки кўтариб

бор. Масалан, йиллар давомида ёпиқ бўлган Хитой бозори ҳозир мош учун очилган. Афсуски, олиб бораётган ишларимиз замирида илм йўқ, деҳқончиликда илм-фандан фойдаланишни билмаймиз. Илмий текшириш институтлари бор, аммо ким улар билан ҳамкорлик қиляпти, деган саволнинг жавоби йўқ. Вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини кучайтиришни истаймиз. Бу борада водийнинг тажрибаси анча катта. Биз Фарғона ва Намангандан деҳқонлар, иссиқхона юритадиган тадбиркорлар ва томчилаб суғориш бўйича мутахассисларни Қашқадарёга таклиф қиламиз. Шу ерда ишлаб, бизга ҳам ўргатишсин.

## Ёшлар билан ишлашда янги тизим жорий этилади

Президентимиз Қарши шаҳридаги «Ёшлар маркази»да ҳам бўлиб, қашқадарёлик ёшлар билан очиқ мулоқотда вилоятда 26 мингдан зиёд ёш ишсиз экани, тадбиркорлик ривожига эса мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан анча пастдалигини қайд этди.

Йигит-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури доирасида йиллик режага қўшимча маблағ ажратиш зарурлиги таъкидланди. Бу ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқариш, айниқса, бандлигини таъминлашда яхши самара беради.

Вилоятда ёшлар билан ишлаш бўйича янги тизим жорий этилиб, ҳокимлар ҳар ҳафтада бир кунни ёшлар билан ишлаш куни, деб эълон қилиши ва уларнинг муаммолари билан шуғулланиши, албатта, келажагимиз эгаларининг орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳияти билан бирга, яратувчанлик иқтидорини ҳам рўёбга чиқаради. Шу жиҳатдан ёшлар билан доимий мулоқот олиб

борган ҳолда, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамиятнинг муносиб аъзоларига айланиши, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш нафақат ҳокимлар, балки ҳар бир раҳбар, депутатлар фаолиятининг асосий мезонига айланиши кераклиги таъкидланди.

## Ўқувчиси олий таълимга ўқишга кирмаган мактаб директорлари ишдан олинди

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилояти олий таълимга кириш кўрсаткичи бўйича республикада 13-ўринда экани, бу йил вилоятдаги 191 та мактабнинг бирорта ҳам битирувчиси олий ўқув юртига ўқишга кира олмаганини таъкидлаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Шунга мувофиқ, Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов раҳбарлигида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича вилоятда ўтказилган йиғилишда олий таълим муассасаларига бирорта ҳам битирувчиси кирмаган 191 та мактаб директорлари фаолиятига баҳо берилиб, мажлисда ҳозир бўлган, узоқ йилдан бери фаолият кўрсатса-да, натижа кўрсатмаган 20 нафар мактаб директорлари лавозимидан озод этилди.

— Битирувчиси олий таълимга кириш бўйича юқори натижа қайд этган Косон туманидаги 88-мактаб янги компьютер синфига эга бўлди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Фарҳод Очиров. — Ҳузур туманидаги 68-ихтисослаштирилган мактаб ва Шаҳрисабз туманидаги 7-мактаб-интернат директорлари ва 4 нафар фан ўқитувчиси «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Келгусида вилоятимиздаги рейтинг кўрсаткичлари баланд мактаб директорлари натижаси паст мактаблар билан ҳамкорликда ишлаш тизimini йўлга қўямиз. Шунингдек, Қарши шаҳридаги 42-умумтаълим мактаби ИТ соҳасига ихтисослаштирилди. Замонавий компьютерлар билан жиҳозланди ва ахборот технологияларига ихтисослаштирилган мактабга айлантирилди. Халқ таълими вазири томонидан ушбу мактабга 15 дона замонавий компьютер жамланмаси тақдим этилди.

Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи воҳада амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ташаббусларга шиддат берди. Вилоят аҳолисига эса янада рағбат, кўтаринки кайфият бағишлади.

Шоҳиста БОЗОРОВА  
«Mahalla»



Ҳузур, Нишон ва Косонда аҳвол жуда оғир. 38 минг гектар майдон фойдаланишдан чиқиб кетган. Томчилатиб суғориш жами суғориладиган майдоннинг бор-йўғи 2,4 фоизда жорий қилинган.

— Президентимизнинг вилоятга ташрифи олдимизга янги марралар белгилаб олдиқ, — дейди вилоят ҳокими Зойир Мирзаев. — Вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги танқиддан тўғри хулоса чиқарган ҳолда вазиятни ўнглашга ҳаракат қилишимиз керак. Бунинг учун, биринчидан, тадбиркорни қўллаб-қувватлаш, иккинчидан, қайси туманда қандай драйвер бор, шуни аниқлаб олиш керак. Масалан, Миришкор туманидаги шароит Шаҳрисабз туманидаги-

юборадиган нарса, бу — мавсумийлик. Ҳар қандай экин-тикиннинг ўз мавсуми бўлади. Вазиятни ўнглаш учун омборлар, совуткич ва сақлаш жойлари керак бўлади. Шу масалага эътибор қаратишимиз шарт.

## Вилоятнинг экспорт салоҳияти нега пасайди?

Ташриф давомида вилоятнинг экспорт салоҳияти пасайиб кетганлиги танқид остига олинди.

— Экспортнинг икки шarti бор. Биринчиси, маҳсулот сифати, иккинчиси, бозорни топиб, унинг буюртмаси асосида ишлаш салоҳияти, — дейди Зойир Мирзаев. — Бунинг учун эса логистика керак. Ҳозир бизда катта имкониятлар



**51 фоиз мактабда инклюзив таълим тизими жорий этилади.**

**И**ил охирлаган сари ортга назар солиб, амалга оширган ишлар сарҳисоб этилади. Шу маънода газетамизда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тасарруфидаги ҳудудий бошқармалар фаолиятига назар ташлашни лозим топдик. Бугунги сонимизда Наманган вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан жорий йилда эришилган ютуқлар ва муаммолар сарҳисоб қилинади. Суҳбатдошимиз бошқарма бошлиғи, вилоят ҳокимининг ўринбосари Мусоҳон Оппоқов.



# НАМАНГАН: ЙИЛ ҚАНДАЙ ЯҚУНЛАНМОҚДА?

## Кадрлар сиёсатида «Наманган тажрибаси» ўзини оқладими?

— Бошқарма ва унинг таркибидаги бўлимлар томонидан жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида маҳалла институтини



аҳолининг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантиришга ҳаракат қил- япмиз, — дей- ди Мусоҳон Оппоқов. — Шу мақсадда, аввало, кадрлар таркибини

қайта кўриб чиқдик. Бунинг учун ўзига хос тажрибага қўл уриб, эксперимент тариқасида бир йил синов муддати билан фидойи, замонавий фикрлайдиган ёшларни маҳалла раиси этиб тайинлаш ташаббусини илгари сурдик. Бу фоя вилоят депутатлари томонидан маъқулланди. 15-25 август

кунлари халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, туман(шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари, шунингдек, ҳудудий кенгаш депутатлари, давлат ва жамоат ташкилоти вакиллари иштирокида маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти рейтинг тизими асосида баҳолаб чиқилди. Якуний натижаларга кўра, **70 та маҳалла фаолияти** (9,0 фоиз) «**намунали**», 195 таси (25,2 фоиз) «**яхши**», 200 та (25,8 фоиз) фуқаролар йиғинларининг фаолияти «**қониқарли**», 310 таси (40,0 фоиз) «**қониқарсиз**» деб топилди.

Ишчи гуруҳлар томонидан «**қониқарсиз**» фаолият кўрсатаётган фуқаролар йиғинлари фаолияти алоҳида саволнома асосида ўрганилди. 2020 йил 1 сентябрга қадар фаолияти «**қониқарсиз**» баҳоланган маҳалла раислари вакант лавозимларга номзодлар тавсия этилди. Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимлари, сектор раҳбарлари

ва ишчи гуруҳлар иштирокида улар билан суҳбат ўтказилиб, энг муносиблар саралаб олинди. Улар ўз навбатида депутатлар муҳокамасига кўйилиб, **328 та** маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари лавозимига янги номзодлар тасдиқланди.

## Аҳолининг ижтимоий ҳимояси қай даражада таъминланяпти?

— Аҳолини кам таъминланган ва кўмакка муҳтож қатламини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш доим асосий режада туради. Айниқса, пандемия даврида бу ишга янада эътибор кучайди. Мисол учун, 2020 йил 1 апрелда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари қошида ташкил этилган «**Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш мар-**

**каз**»лари томонидан бўлган мурожаатнинг **94,6** фоизи қондирилди. Оилаларга 4 млрд. 918,3 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Зарур тиббий-санитар гигиеник воситалар етказиб берилди.

«Саховат ва кўмак» жамғармаси ва «**Ҳомийлик, хайрияларни мувофиқлаштириш ва волонтерлик марказлари**» томонидан ҳам муҳтож оилаларнинг мурожаати қаноатлантирилди. Шунингдек, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 9840 та оилага моддий ёрдам берилди.

Бундан ташқари, 12813 нафар ишсизлар ишга жойлаштирилди. 522 нафар фуқарога субсидия ва 3219 нафарига имтиёзли кредит олишга кўмаклашилди. Лекин мазкур йўналиш бўйича олиб бориладиган ишларимиз талайгина. Вилоятдаги барча камбағал оилаларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш олдимизда турган долзарб вазифа ҳисобланади.

## Хотин-қизларни қандай қўллаб-қувватланмоқда?

— Вилоятдаги ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ҳам доимо эътиборда. Бунинг учун ишсизлик ва камбағаллик даражаси юқори бўлган **74 та** маҳаллада касб-хунарга ўқитиш масканлари ташкил қилинди. 1 436 нафар хотин-қиз турли йўналишлар бўйича қисқа муддатли ўқув курсларига жалб этилди. Оилада ёлғиз ўзи ногирон фарзандларини тарбиялаб келаётган хотин-қизларнинг 1382 нафари ҳам ишли бўлди.

«Аёллар дафтари»ни шакллантириш орқали бу ишлар янада самарали бўлишига эришилди. Маҳаллалардаги Оилавий кадрларнинг мустаҳкамлаш комиссияси томонидан 14140 нафар аёл бандлиги таъминланди. 1631 нафар аёл касб-хунарга ўқитилди, хорихдан қайтган 2352 нафар аёлга тиббий ёрдам кўрсатилди.

Оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларга ҳам зарур тиббий ёрдам кўрсатилиб, бандлиги таъминланди. 633 нафарига моддий кўмак берилди.

Имтиёзли кредит асосида уй-жой сотиб олаётган муҳтож аёлларга уй-жойларининг бошланғич бадаллари тўлаб берилди. Оғир турмуш шароитида яшаётган, ногиронлиги бўлган хотин-қизларга ногиронлик аравачаси, эшитиш мосламаси ва бошқа реабилитация воситалари берилади. Жами 56432 та иш ўринлари яратилиб, 46 850 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланди. Биргина «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида кичик цехлар ташкил этилиб, 1237 нафар хотин-қизлар ишга жойлашди.

## Оилавий ажримлар барҳам топдими?

Соҳада оилавий кадрларни мустаҳкамлаш бўйича ўтказилган тарғибот тадбирлари натижасида оилавий ажримлар сони ўтган йилга нисбатан 331 тага (2019 йил 10 ой ҳолатига 2046 та ажрим қайд этилган) камайган.

2020 йил давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож, муаммоли, нотинч оилаларнинг оиласидаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида уларни намунали оилаларга бириктириш тажрибаси ҳам яхши йўлга кўйилди. Ҳозирги кунда «темир дафтар»га киритилган оилалар билан тизимли ишлар олиб борилмоқда. Вилоятда 1 та мономарказ, 2 та касб-хунар ўқитиш маркази ҳамда 14 та маҳаллаларда касб-хунар ўргатиш масканлари ташкил этилган. Яна бир мономарказ қурилиш ишлари бошланиб, 2 та касб-хунарга ўқитиш марказлари ўз фаолиятини бошлади.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари- га хизмат қилаётган 531 нафар маҳалла раисининг ҳуқуқ-тартибот бўйича ўринбосарларининг штат бирликлари 805 тага етказилди. Профилактика инспекторларига муносиб хизмат шароитини яратиш мақсадида хизмат уйлари, хизматда фойдаланиш учун планшетлар ва хизмат сумкалари билан таъминланди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ  
суҳбатлашди.

## ДАРВОҚЕ...

Бугунги кунда Наманган вилоятида маҳаллаларнинг 12 тасида компьютер, 46 тасида принтер йўқ. 212 та маҳаллада компьютер жамланмаси, 31 тасида принтер яроқсиз ҳолга келиб қолган. Тасдиқланган дастурга асосан, 2020 йилда комплексларни ташкил этиш бўйича 111 та лойиҳанинг 75 тасида қурилиш ишлари бошланган. Аммо Наманган шаҳрида 4 та, Мингбулоқда 9 та, Косонсойда 7 та, Попда 2 та, Тўрақўрғонда 2 та, Уйчида 1 та, Чортоқда 14 та фуқаролар йиғинлари бинолари қуриш ишлари бошланмаган.

# 129 МИЛЛИАРД СЎМЛИК

## БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИ БУЗИЛГАН, АСОССИЗ ХАРАЖАТЛАР АНИҚЛАНГАН

2020 йилнинг 9 оyi мобайнида Молия вазирлигининг давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида 129 миллиард сўм атрофида бюджет интизомини бузиш, пул ва товар моддий бойликлар камомати ҳамда асоссиз харажатлар аниқланган. Бу маълумотлар кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йил 9 оyi якунлари ижроси тўғрисидаги ҳисобот муҳокамасида айтиб ўтилди.

Ҳукумат тақдим этган жорий йилнинг тўққиз ойлик якунларига оид ҳисоботга кўра, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Давлат бюджети тўғрисида»ги қонунда белгиланган бюджет параметрлари доирасида амалга оширилиб, шунингдек, пандемия оқибатларини бартараф этишга қаратилган.

Дарҳақиқат, коронавирус пандемияси ва глобал инқироз асоратлари Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам таъсир ўтказмасдан қолмади. Бироқ 2020 йилнинг 9 оyi якунига кўра, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 фоизга ўсган. Давлат бюджети



даромадлари эса қарийб 94,5 триллион сўмни ташкил этган бўлса, пандемия шароитларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаштирилган прогноз кўрсаткичлари 102,9 фоизга ёки 2661 млрд. сўмга ошириб бажарилган. Ўтган 9 ойда Давлат бюджетининг харажатлари давлат мақсадли жамғармаларини ҳисобга олган ҳолда 94,5 фоизга ижро этилган ёки бюджет харажатлари ЯИМга нисбатан 25,0 фоиздан иборат бўлди.

Пандемия келтириб чиқарган қийинчиликларга қарамасдан, бюджет ташкилотларининг салкам 33,6 триллион сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари ҳамда 7,1 триллион сўмлик иш ҳақи нисбатан ажратмалари ўз муддатларида тўлиқ молиялаштириб берилгани эътиборга молик.

Ҳисобот даврида ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 53,6 триллион сўмдан ортиқ ёки умумий харажатларнинг 52,5 фоизи миқдорига тенг маблағ сарфланган. Бу харажатлар ЯИМга нисбатан 13,1 фоизни ташкил этди.

Уларнинг 84 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

### Энг кўп маблағ соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилди

Маълумки, коронавирус пандемияси даврида аҳоли соғлиғини сақлаш масаласига устувор аҳамият қаратилди. Соғлиқни сақлаш соҳасига Давлат бюджетидан 13,6 триллион сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирил-

ган. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 3,1 миллиард сўмга кўп демакдир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорларига асосан тасдиқланган соғлиқни сақлаш соҳасига доир Давлат дастурлари ва марказлашган тадбирларга жорий йилнинг тўққиз оyi ичида 431 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилиб, унинг 98 фоизи мақсадли ўзлаштирилган.

Сир эмаски, глобал пандемия шароитида соғлиқни сақлаш соҳасига тасдиқланган бюджет маблағларидан ташқари, «Инқирозга қарши курашиш» жамғармаси ҳисобидан ҳам тегишли маблағлар йўналтирилди.

Жумладан, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва унинг ҳудудий марказларига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирларга жами 2440,3 миллиард сўм маблағ ажратилган.

### Асоссиз харажатлар, хато ҳисобланган миллиардлар

Депутатлар эътиборни, энг аввало, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш масалаларига қаратдилар. Халқ вакиллари молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан 2020 йилнинг 9 оyi мобайнида ўтказилган назорат тадбирларида 129 миллиард сўм атрофида бюджет интизомини бузиш, пул ва товар моддий бойликлар камомати ҳамда асоссиз харажатлар аниқланганини салбий баҳоладилар. Бундай ҳолатлар ҳисобот даврида Халқ таълими вазирлиги (389 та ҳолатда 40,7 млрд. сўм), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (345 тада 22 млрд. сўм), Мактабгача таълим вазирлиги тизимида (159 тада 10,7 млрд. сўм) энг кўп аниқлангани танқид остига олинди.

Бундан ташқари, коронавирусга қарши курашиш тадбирларига жалб этилган бир қатор тиббий муассасалар фаолияти учун Инқирозга қарши курашиш жамғармаси томонидан ажратилган

маблағларнинг сарфланишида аниқланган 70,7 миллиард сўмлик хато ва камчиликлар, амалдаги қоидаларга риоя этмаслик ҳолатларига ҳам танқидий баҳо берилди.

### Бюджет маблағларига оид маълумотларни кўпроқ ёритиш керак

Муҳокамалар жараёнида депутатлар томонидан бюджетни шакллантириш ва ижросини таъминлашда натижадорлик муҳим экани таъкидланди. Бу борада бюджет тизимида аниқ чора-тадбирлар кўрила бошланган бўлсада, бюджет тизимида «Натижага йўналтирилган бюджет»ни шакллантириш ва ижросини таъминлашда жиддий ўзгаришлар сезилмаётгани қайд этилди. Шу боис Молия ҳамда бошқа мутасадди вазирлик ва идораларга бюджет маблағларининг натижадорлигига оид маълумотларни кўпроқ ёритиш масаласи кўйилди.

### Ижтимоий соҳага оид маълумотлар етарли эмас

Мажлис иштирокчилари яна бир муҳим масала – Давлат инвестиция дастурига ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар ва улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш борасида ҳисоботда етарли даражада таҳлилий маълумотлар киритилмаганини кўрсатиб ўтишди. Шу туфайли аҳолини қийнайидиган газ, ичимлик суви, электр таъминоти, йўллар, боғча, мактаб ва соғлиқни сақлаш масалаларига оид 9 оyi якунлари бўйича қўшимча маълумотлар тақдим этилиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Давлат бюджетининг 2020 йилнинг тўққиз оyiдаги ижросини ҳар томонлама муҳокама қилиш чоғида депутатлар ўз нуқтаи назарлари ва фикрларини баён қилиб, бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, бюджет ташкилотларида молиявий интизомга амал қилиш, давлат органларининг бюджет ижроси бўйича масъулиятини ошириш юзасидан тавсиялар беришди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси матбуот хизмати мате-риаллари асосида тайёрланди.**

### ДАРВОҚЕ...

**2020 йилнинг 9 оyiдаги бюджет назорати жараёнида бюджет маблағларининг асоссиз сарфланиш ҳолатларининг ортганлиги кузатилган.**

**Муҳокамаларда Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Марказий Банк ва бошқа тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашди.**

**Мажбурий ижро бюросига директор тайинланди.**

«Соинқоровул» маҳалла фуқаролар йиғини Бухоро вилоятининг қўшни Туркменистон билан чегара ҳудуди Олот туманининг энг чеккасида жойлашган. Яқин-яқингача бу ҳудудни тараққиётдан узилиб қолган, дейишарди. Аммо сўнгги йиллар давомида ҳудудда мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди.

## ДАВЛАТ ВА ХАЛҚНИНГ

# БИРЛИГИ РАМЗИ



«Обод қишлоқ» дастурига киритилган маҳаллада замонавий мактаб, боғча, қишлоқ оилавий поликлиникаси қад ростлади. Бир неча ўн йиллар давомида ҳатто шағал ётқизилмаган йўллар асфальтлаштирилди. Илгари фақат телевизорда кўришган тоза ичимлик суви қувури тортиди.

Яқинда «Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш» шиори остида маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари доирасида республикадаги бир қатор таниқли олим ва ёзувчилар, санъаткорларнинг маҳалла аҳли билан учрашу-

маҳаллий аҳолининг бунёдкорлик кайфияти, меҳнати туфайли Олот аввалгидан-да чиройли бўлибди. Бунда рамзий маъно ҳам бор деб ўйлайман. Қачонки давлат ва халқ бирлашса, бир ёқадан бош чиқарса ўша ерда тараққиёт, юксалиш бўлади. Буни биз Олот мисолида кўрдик.

### Буюк келажак пойдеворини ҳозирдан қўйиш керак

Ғиждувонда тарғибот тадбирлари туманининг «Қорабоғ» маҳалла фуқаролар йиғинида иш

таълимидан бошлашимиз керак. Эшитдим, сўнгги икки-уч йил ичида вилоятда 150 га яқин янги боғча қурилибди. Ҳар бир шаҳар ва туманларда уч-тўрттадан хусусий боғча иш бошлабди. Бир-икки боғчалардаги болажонларнинг ўз она тилимиз билан бирга инглиз, француз, ҳатто, хитой тилларида бийронгина сўзлаётганликлари гувоҳи бўлдим. Бу жуда яхши.

Шундан сўнг тарғиботчилар гуруҳларга бўлиниб, тумандаги барча маҳалларда аҳоли билан учрашувлар ўтказишди.

– Очиғи, пандемия шароитида уйда ўтириб, анча зеркииб қолган эканмиз, – дейди «Кўрғон» маҳалласида яшовчи отахон Аминжон Каримов. – Санъаткорларимизнинг гўзал чиқишлари кўнглимизни қувнатган бўлса, олимларимизнинг сўнгги йилларда юртимизда олиб борилган ислохотларни халқчил, содда тилда сўзлаб беришгани кўнгли кўзимизни очди. Қаранг, баъзида кўз ўнгимизда бўлаётган ўзгаришлар, янгилишларни сезмас эканмиз-да. Маърузадан сўнг ўзимча ўйладим. Ростдан ҳам, биргина маҳалламизда охириги уч йилликда учта ижтимоий аҳамиятдаги, йиғирмага яқин тижорат бинолари қурилибди. Кишиларнинг турмуш тарзи ўзгаргани-чи?! Илгари битта телевизорни ўйланиб олган бўлсак, ҳозир ҳамманинг хонадонидида маиший техникаларининг ҳар бир туридан бор. Ўзгариш шу эмасми?!

### Ижодий ишлар кўрғазмаси

Вобкент туманидаги «Ҳалвогарон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 4-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган тадбирда тарғибот гуруҳи аъзолари дастлаб маҳалла фуқаролари томонидан қўл меҳнати ёрдамида тайёрланган хунармандчилик буюмлари, хусусан, зардўзлик, сўзана ва каштачилик маҳсулотлари кўрғазмаси билан танишишди.

Шунингдек, тадбир давомида «Ёш рассомлар» танлови ҳам ташкил қилинди. Тадбирда жами 400 нафардан ортиқ ёшлар қамраб

олинган бўлса, «Ёш рассомлар» танловида 60 нафардан ортиқ ҳаваскор рассомлар иштирок этди.

– Уч ёшимдан буён тасвирий санъатга қизиқман, – дейди танлов иштирокчиларидан бири Амина Ҳасанова. – Мактабда ҳам машқларимни биров билса, биров билмасди. Президентимиз томонларидан «беш ташаббус» лойиҳаси илгари сурилгандан сўнг рассомчилик қобилиятимга эътибор кўпроқ қаратила бошланди. Мактабимиз раҳбарияти, туман ёшлар ташкилоти кўмагида ҳозирга қадар йиғирмага яқин кўрғазмаларда ўз асарларим билан иштирок этдим.

### Тадбирлар «маҳаллабай» ўтказилмоқда

– Бу галги тарғибот тадбирларимиз ҳам ташкилий, ҳам ғоя-мазмун жиҳатдан илгариги тадбирлардан анчайин фарқ қилди, – дейди Маънавият ва маърифат маркази Бухоро вилоят бўлими раҳбари Марҳабо Пардаева. – Илгари фақатгина туман марказлари билан чегараланган тадбирлар эндиликда географик жиҳатдан анчайин кенгайиб, барча маҳаллаларни қамраб олди.

«Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш» шиори остида ўтказилган тадбирлар давомида фан, маданият ва санъат арбоблари, сиёсатшунос, психологлардан иборат 40 нафарга яқин тарғиботчилар гуруҳи томонидан юртимизда ва дунёда бўлаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тушунтирилмоқда.

Аҳолининг кайфиятини кўтариш мақсадида концерт дастурлари, спорт мусобақалари, танловлар ташкил қилинмоқда.

Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Шу сабаб нафақат минтақада, балки бутун дунёда Янги Ўзбекистон ибораси пайдо бўлди. Бу эса ўтган йиллар давомида Президентимиз томонидан амалга оширилаётган улкан ислохотларга, бунёдкор халқимизга муносиб баҳо бўлмоқда.

Мазкур ишлар тарғиботига бағишлаб ўтказилаётган тарғибот тадбирлари боис айни пайтда вилоятни ўзига хос байрам шукуҳи қамраб олган.

Акбар РУСТАМОВ  
«Mahalla»



вида ана шу ўзгаришлар алоҳида эътироф этилди.

– Очиғи, Олот йўлига отланаётганимда умуман бошқача манзарани кўраман, деб ўйлагандим, – дейди Республика тарғиботчилар гуруҳи аъзоси, Ўзбек Миллий академик театри актёри Абдор Саидназаров. – Ахир, бир неча ой олдин оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда туманининг талафотдан кейинги манзараси, томи учган, бир қисми йиқилган уйлар, вайрон бўлган алоқа тармоқлари сингари лавҳалар тўлиб кетганди-да. Йўқ, келдик, кўрдик жуда ҳам қисқа вақтда туманда кенг миқёсдаги янгиликлар, тикланиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилибди. Давлатимиз томонидан ажратилган маблағ, қурилиш материаллари,

бошлаган 63-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти очилиш маросими билан бошланди.

Ҳозирда 3 та 9 соатлик гуруҳга 45 нафар, 2 та қисқа муддатли гуруҳга 30 нафар, жами 75 нафар бола қамраб олинган боғчадаги шароитлар нафақат маҳаллий аҳоли, балки пойтахтдан келган меҳмонларнинг ҳам хайратига сабаб бўлди.

– Боғчани айлана туриб болалигимни эсга олдим, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов. – Болалигим Бухоронинг қадим Эски шаҳар қисмида ўтган. Аммо шаҳар бўлса ҳам бизда бунақа хашамдор, шинам шароитлар йўқ эди. Оддий ясли типидagi кичик-кичик уйчаларда тарбияланганмиз. Аслида биз юксак келажакни орзу қилар эканмиз, бунинг учун, аввало, пойдеворни боғча

**Б**ировнинг оғирини енгил қилиш ёки бирор бир кўнгли ўксикнинг ҳолидан хабар олиш элимизга хос фазилат. Қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганлар давлатимиз томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватланади. Бу эса жамиятимизда бирор-бир инсоннинг эътибордан четда эмаслигидан далолат.



# ЁРДАМГА МУҲТОЖЛАР


## НЕГА «ТЕМИР ДАФТАР»ГА КИРИТИЛМАДИ?

Жумладан, пандемия даврида ҳам аҳолига моддий кўмак бериш мақсадида «темир дафтар» шакллантирилди. Шу орқали кўплаб қийналган оилалар давлатимиз ғамхўрлигини ҳис этди. Айни дамда ҳам бу эзгу ишлар давом этмоқда.

### Сонда бору санокда йўқлар

Аммо республиканинг турли ҳудудларидан айрим юртдошларимиз мавзу доирасида муаммоларга дуч келаётганини баён этмоқда. Мисол учун, **Фарғона вилояти**дан Ўлмасой Нишонованинг турмуш ўртоғи касаллик сабаб ишсиз бўлиб қолган. Ўлмасойнинг ўзи бола парвариши билан банд. Оилада даромад манбаи йўқ ҳисоби. Афсуски, бу оила «темир дафтар»га киритилмаган. **Самарқанд вилояти** Пайариқ туманидаги «Туркибола» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Муқаддас Қутматова, Дилафрўз Ҳасановалар ҳам гарчи мезонларга тушса-да, «темир дафтар»дан қолиб кетган.

Маълум бўлишича, маҳаллада уй-жойга эҳтиёжмандлар учун кўп қаватли арзон квартира қурилган бўлиб, кам таъминланган, ногиронлиги бор фуқаролар шу уйдан имтиёзли кредит асосида сотиб олган. Жумладан, ушбу мурожаатчилар ҳам мана шу арзон уй эгасига айланган. Муқаддас Қутматова I гуруҳ ногирони. Қарамоғида бир нафар фарзанди бор. Дилафрўз Ҳасанова эса ёлғиз ўзи икки нафар ногирон фарзандни тарбияламоқда. Ҳар икки ҳамюртимизнинг ногиронлик нафақасидан бошқа даромади йўқ. Ахволлари ўта ночор бўлса-да, имтиёзлардан бебаҳра қолишган. Гўёки улар сонда бору санокда йўқ. Яъни «темир дафтар» рўйхатидан тушиб қолган.



### Нега рўйхатдан тушиб қолган?

— *Ассалому алайкум! Ҳозир жуда қийин аҳволдаман, — дейди Муқаддас Қутматова. — «Туркибола» маҳалласига бошқа ҳудуддан кўчиб келганмиз. «Темир дафтар»га киритишни сўраб, «Туркибола» маҳалла раисига учрасам, бизда рўйхатда турмайсиз, деди. Шундан сўнг аввалги яшган маҳалла фуқаролар йиғинига бордим, улар бизда яшамайсиз, деган жавоб беришди. Лекин барака топсин, «Туркибола» маҳалла раиси аҳволимни кўриб, моддий ёрдам ажратди, тикув машинаси берди. Аммо мен юра олмаганим учун доимий кўмакка муҳтожман. Билишимча, «темир дафтар»га кирганлар доимий қўллаб-қувватланаркан. Шунга раисдан мени ҳам «темир дафтар»га киритишни сўрасам, бунинг иложи йўқлигини айтди. Чунки мен маҳаллада «прописка»да турмас эканман. Аросатда қолдим. Ўзи умуман, «темир дафтар»га кириш учун пропискага қараладимиз?! Ахир, вазиятни мутасаддилар билишадими-ку?! Мен ўзга сайёрадан келмаганман-ку! Юқоридаги ташаббусдан кўзланган мақсад шунчаки ҳисобот юритишми ёки мен каби муҳтожларга кўмак беришми? Ўзинглар айтингларчи, мен қабилар шу дафтарга кирмаса, ким қиради? Уйимни ҳам кредитга олганман. Саккиз юз минг сўмдан зиёд тўловни пенсиям билан*

ҳам ёпа олмайман. Бу ёқда тирикчилик бор. Ошқозонни тикиб қўйиб бўлмаса. Қолаверса, қизимнинг эҳтиёжлари ҳам кам эмас. Моддий ёрдам муддати ҳам тугади. Бу ойдан кейин тўхтатилди. Ҳозир рўзғор харажати онам қияпти.

Иккинчи мурожаатчимиз Дилафрўз Ҳасановани ҳам шу муаммо қийнапти. Мезонга тушса-да, «темир дафтар»га киритилмаган. Сабаби ўша — «темир дафтар» шакллантирилаётганда маҳаллада рўйхатда турмаган. Шу ўринда савол туғилди: энди-чи? Маълум бўлишича, Дилафрўзнинг ҳозир уй кадастр ҳужжати ҳам бор, доимий рўйхатга олинган.

### «Булар бизнинг маҳаллада рўйхатда турмайди»

— Бу кўп қаватли уй фойдаланишга топширилганда кадастр ҳужжати тайёр бўлмаган. Шу сабабли янги кўчиб келганлар маҳаллада рўйхатга олинмаган, — дейди «Туркибола» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Улуғмурод Маҳамматов. — Айнан «темир дафтар» рўйхати шакллантирилаётганда бу кўп қаватли уй эгалари бизнинг маҳалла фуқаролари эмасди. Улар гарчи «темир дафтар»га кирмаган бўлса ҳам, имконимиз доирасида ёрдам кўрсатиб келяпмиз. Лекин имтиёзли кредит асосида олган уйига кредит пулини 20 йил давомида тўлаб беришга кафилик олмаганмиз. Моддий ёрдам тайинлаш ҳам энди бизга боғлиқ эмас. Фақат ҳужжатларини тайёрлаб, туман пенсия жамғармасига тақдим этамиз. Бу мурожаатчилар ҳам шу тартибда моддий ёрдамга ариза бериши мумкин. Энди улар «темир дафтар»га киритилса ҳам доимий тарзда моддий ёрдам берилишини аниқ билмайман. Уларни «темир дафтар»га қўшимча киритиш бўйича 2-сектор раҳбарига айтганман. Лекин ҳозирча аниқ ечим бўлмади.

### «Темир дафтар»га кимлар қиради?

Хўш, ўзи аслида «темир дафтар»га кимлар киритилади? Улар ким томонидан танланади? Танлов мезонлари қандай?

— *Рўйхатлар фуқаролар йиғини раиси томонидан сектор раҳбари билан ҳамкорликда шакллантирилади, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Ўғилой Ҳасанов. — «Темир дафтар» — карантин шароитида ишсиз, даромадсиз қолган эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож оилаларнинг маҳаллада шакллантирилган шаффоф рўйхати ҳисобланади. Рўйхат маҳаллалар кесимида фуқаролар йиғини раиси томонидан сектор раҳбари билан ҳамкорликда тузилади. «Темир дафтар»га кам таъминланган, ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, яқка-ёлғиз кексалар, доимий ва карантин туфайли ишсиз қолган фуқаролар, оғир эпидемиологик ҳудудлардан қайтиб келган, камбағалликдан чиқаришга муҳтож 7 тоифадаги оилалар киритилади. Масъул ходимлар ўзининг кунлик амалга оширган ишлари юзасидан «темир дафтар»идаги маълумотларни **saxovat.args.uz** сайтыга рақамли имзо калити орқали электрон шаклда киритиб боради.*

Жорий йил якунига қадар «темир дафтар»га тушган оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзоси иш билан таъминланади. Шу орқали уларни муҳтожликдан чиқариш чоралари кўрилади. **Чиқа олмайдиганлар доимий** қўллаб-қувватлаш остида бўлади.

### Хулоса

Ўйлаймизки, юқоридаги мурожаатчилар муаммоси мутасаддилар томонидан ўрганилиб, унга ечим топилади. Зеро, ислохотлар, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши керак. Шундагина халқимиз давлатдан рози бўлиб яшайди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ  
«Mahalla»

Сўнги йилларда республикамизда ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ерлардан фойдаланишда давлат назоратини кучайтириш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилди.


## ХУДУДЛАРНИНГ ЯНГИ ЧЕГАРАЛАРИ НЕГА ЎЗГАРДИ?

Яқингача соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, ер ресурсларини ҳисобга олиш ишлари етарли даражада ташкил этилмасдан қолаётгани. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар), шаҳарчалар, қишлоқлар (овуллар) чегараларининг координаталар тизимига боғланмаган ҳудудларда ер ҳисоботини юритиш, ер ажратиш, ер муносабатларини тартибга солиш борасида муаммоларга сабаб бўлаётгани. Шу ва шу каби муаммоларни ҳал этиш учун қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари Давергеодезкадастр кўмитасининг (ҳозирги Кадастр агентлиги) фаолияти юзасидан ўтказган йиғилишда йил якунига қадар республика бўйича маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш ишларини тўлиқ якунлаш топшириғини берган эди. Шунингдек, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудлари бўйича лойиҳалар тақдимида Тошкент шаҳрида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш, Тошкент вилоятидаги мавжуд анклав ҳудудлар ва ҳудудий бошқарувга ноқулай чегара участкаларини бартараф этиш юзасидан ҳам тегишли топшириқлар белгиланган эди.

Хўш, вазифалар ижроси қай даражада таъминланди? Мутасаддилар зиммасидаги масалаларга масъулият билан ёндашдимиз? Айни саволлар билан «Ўздаверлоийҳа» институти Методология бўлими бошлиғи Қўчқор ҲОЖИЕВга юзландик.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги қарори билан «Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш тўғрисидаги Низом» тасдиқланди, — дейди Қўчқор Ҳожиёв. — Шу асосида Кадастр агентлиги тизимидаги «Ўздаверлоийҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институти томонидан маъмурий-ҳудудий



бирликларнинг чегараларини белгилаш мақсадида дала кузатув ишлари олиб борилди. Шунингдек, чегара чизиқлари акс эттирилган картографик материаллар, чегара чизиғи тавсифи ва координаталар каталоги шакллантирилди. Дастлабки таҳлилларга кўра, республика бўйича жами 28,1 минг гектар майдонда 33 та анклав ҳудудлар ва 4,3 минг гектарда ҳудудий бошқарувга ноқулай бўлган 22 та участка мавжудлиги аниқланди.

### Чегараларни ўзгартиришга ким масъул?

Республикада маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегаралари «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади. Қонуннинг тегишли моддаларига кўра, туман(шаҳар)ларнинг чегараларини ўзгартириш тегишли вилоятлар ҳокимларининг илтимосномасига асосан Вазирлар Маҳкамасининг тақлифи мувофиқ, Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

### Қайси ҳудудда қанча туман чегараси ўзгаради?


— Вазифаларни бажариш мақсадида туман (шаҳар)ларнинг маъмурий чегараларини белгилаш ишлари юзасидан институтимиз 143 та туманда ўрганиш ишларини олиб борди, — дейди Қ.Ҳожиёв.

— Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 13, Андижонда 11, Бухорода 10, Жиззахда 10, Қашқадарёда 12, Навоийда 6, Наманганда 9, Самарқандда 12, Сирдарёда 6, Сурхондарёда 11, Фарғонада 14, Хоразмда 10, Тошкент вилоятида 19 та туманнинг маъмурий-ҳудудий чегараларини белгилаш лойи-

**Дастлабки таҳлилларга кўра, республика бўйича жами 28,1 минг гектар майдонда 33 та анклав ҳудудлар ва 4,3 минг гектарда ҳудудий бошқарувга ноқулай бўлган 22 та участка мавжудлиги аниқланди.**

ҳа ишлари Ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашлари масъуллари иштирокида ташкил этилди.

Институтимиз мутахассислари туман Ишчи гуруҳи билан маъмурий-ҳудудий чегараларни белгилаш юзасидан жойида дала кузатув ишларини амалга оширди. Жумладан, чегараларга оид тегишли архив ҳужжатлари ўрганилди. Туманлардаги мавжуд ер участкалари жойлашувидаги ноқулайликлар, шунингдек, анклав участкалар таҳлил этилди. Мазкур туманларнинг ер ҳисоботлари ҳам ўрга-



нилди. Туманлар чегараларини белгилашда чегара чизиқларини кўчмас объектлар билан ўтказиш чоралари белгиланди. Туманлар ўртасида алмашадиган участкалар бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Тўпланган барча ҳужжатлар халқ депутатлари туман Кенгашларига кўриб чиқиш учун киритилди. Депутатлар муҳокамасидан кейин халқ депутатлари туман Кенгашларининг қарорлари қабул қилинди.

### Косон ва Чироқчи чегараси ўзгардимиз?

Айни пайтда халқ депутатлари туман Кенгашларининг қарорларини тасдиқлаш учун туман ҳокимларининг илтимосномалари асосида вилоят Кенгашларига киритилмоқда. Чунончи, шу кунгача халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашларининг қарори қабул қилинди. Қолган вилоятлар Кенгашлари ҳам кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги «Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида вилоятимиз туманлари чегаралари ўрганилди, — дейди «Ўздаверлоийҳа» институти Қашқадарё бўлинмаси бош муҳандиси Акбар Жўраев. — Натижада ҳудудлар қуруқ чизиқли чегарадан ўтгани учун турли келишмовчиликлар келиб чиқаётгани ойдинлашди. Хусусан, Косон ва Чироқчи туманида қуруқ чизиқли чегарадан ўтгани учун аҳоли ўртасида турли низолар юзага келган. Аҳолининг уй-жой қуриши чегаранинг асосий элементига боғланмагани сабаб ноқулайликлар кузатилган. Вазият масъуллар билан ўрганилди ва асосий элементга боғланган ҳолда туманлар розилиги билан олди-берди далолатномаси тузилди ва янгиланган хариталар тасдиқланди.

Шу ўринда бир маълумот, туманнинг маъмурий-ҳудудий чегараси ўзгарса, ушбу ҳудуддаги мавжуд кўчмас мулк объектлари ўзгариш бўлган тумандан белгиланган тартибда Кадастр агентлигининг кадастр палатаси ҳудудий бўлинмаси томонидан қайта рўйхатдан ўтказилади.

Садоқат МАХСУМОВА  
ёзиб олди.



Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқариш ҳажми яна ошди.



**Б**уюк Британиянинг «New Frontier» ташкилоти маълумотларига кўра, жами суғурта мукофотларининг ЯИМга нисбати орқали аниқланадиган «Суғуртанинг кириб келиш даражаси» кўрсаткичи дунё миқёсида 6,35 фоизни, Ўзбекистонда эса бор-йўғи 0,35 фоизни ташкил этади. Дунёда аҳоли жон бошига суғурта мукофотлари 847 еврони ташкил этса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 5 еврога тенг. Бу эса мазкур хизматнинг паст даражасини англатади.



## НЕГА

# СУГУРТАГА ИШОНЧ ҚОЛМАГАН?

### Суғурта бозори талабга жавоб берадими?

Мамлакатимизда 2020 йил 1 январь ҳолатига суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи жами 41 та лицензия берилган. Таҳлилларга кўра, давлат суғурта компанияларининг устав капитали ва активлари хусусийларга қараганда бир неча баробар юқори. Хусусан, давлат суғурта ташкилотларида ўтган йили берилган мукофот ҳажми йиғиб олинган суғуртанинг 29,7 фоизини ташкил қилган. Хусусий суғурта ташкилотлариники эса анча паст. Умуман айтганда, ўтган олти йил давомида тўланган жами суғурта қопламалари жами тушумнинг атиги 15,5 фоизини ташкил қилган. Бу кўрсаткич Россияда 53,7 фоиз, АҚШ, Япония ва Европа мамлакатларида эса 70-90 фоизни ташкил этади.

Мутахассисларнинг эътирофи этишича, мамлакатимизда суғурта тўловларининг камлиги учта асосий сабаб билан асосланган. **Биринчидан**, компаниялар ўртасида рақобат муҳити йўқ. **Иккинчидан**, тарифлар ҳамон юқори. **Учинчидан** эса, кўрилган зарарни қоплаб бермаслик ҳолати ҳамон юқорилигича қолмоқда. Зарарни қопламасликнинг сабаби, ҳар бир суғурта ташкилоти шартномани ўзига мослаштириб тузиб олади ва мижозларнинг манфаатлари иккинчи даражали бўлиб қолган.

Дунёнинг барча давлатларида суғурта фаолияти давлат томонидан қаттиқ назорат қилинади. Яъни суғурта фаолияти назорати қонунийлик, ошкоралик, ташкилий бирлик тамойиллари асосида олиб борилади. Шунингдек, суғуртанинг аҳолига фойдаси ва бу фаолият билан шуғулланаётган компаниялар иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи муҳим кучлардан бири экани инобатга олинди, давлат суғурта бизнеси ривожини рағбатлантиришни ўз зиммасига олган.

Мамлакатимизда суғурта фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қонунчилик билан тартибга солинадиган меъёрий база, унинг услубий воситалари бугунги кунда суғурта бозоридан



ги сифат ўзгариши талабларидан ортда қолмоқда. Суғурта жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бозор иқтисоди шакланган мамлакатларда кузатиладиган даражада таъсир кўрсатмаяпти. Бунинг сабаби — республикаимизда суғурта фаолияти ривожига тўсиқ бўлувчи омиллар таъсири ҳамон юқори ҳамда бу соҳада назорат функцияси такомиллашмаган, яъни услубий вазифаларни бажарувчи назорат шакланмаган.

**«Биринчидан, компаниялар ўртасида рақобат муҳити йўқ. Иккинчидан, тарифлар ҳамон юқори. Учинчидан эса, кўрилган зарарни қоплаб бермаслик ҳолати ҳамон юқорилигича қолмоқда».**

### Қонунчилик базаси ислохотларга муҳтож

Қолаверса, суғурта хизматларининг маълум сегментига боғланиб қолгани, ҳаётни суғурта қилиш ва аҳолининг кенг қатламларини қамраб олувчи йўналишларнинг ривожланмагани, менежментнинг пастлиги, рақобатнинг йўқлиги ҳам суғурта бозори ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, аҳолининг суғурта хизматларига бўлган ишончи жуда паст, суғур-

та маданияти шакланмаган.

Экспертларнинг баҳолашича, мамлакатимизда бугунги кунда эҳтимолий суғурта объектларининг атиги 1 фоиздан кам суғурта қилинади, холос. Ривожланган давлатларда эса бу кўрсаткич 90-95 фоизни ташкил қилади. Бундан ташқари, суғурталовчилар таклиф қилаётган хизматлар тури 50 хил атрофида ва бу хорижликдан бир неча баробарга кам. Бундан кўриниб турибдики, мамлакат иқтисодиётида суғурта бозори салмоқли ўринни эгалламаяпти. Санояти ривожланган давлатларда суғуртанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 8-10 фоизни ташкил қилади. Россияда бу кўрсаткич 3 фоиз бўлса, Ўзбекистонда 0,4 фоиздан ҳам ошмайди.

Мазкур фаолиятни тартибга солувчи қонунчилик базаси ҳам ислохотларга муҳтож. Жумладан, 29 та моддадан ташкил топган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонун 18 йил олдин қабул қилинган бўлса-да, кўпроқ тавсифловчи характерга эга бўлиб қолган. Қолаверса, у замон талаблари ва воқеликларига тўлиқ жавоб бермайди, бошқа барча зарурий муносабатлар қонуности Низомлари билан тартибга солинган.

### Янги қонунда нималар белгиланади?

Юқоридаги каби омиллар туфайли янги таҳрирдаги «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонун ишлаб чиқилмоқда. Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мазкур қонуннинг янги

таҳрирдаги лойиҳаси муҳокама қилинмоқда.

Жаҳон тажрибасида, хусусан, МДХ мамлакатлари ва Хитойда суғурта қонунлари суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ўртасидаги маъмурий муносабатларнинг барча жиҳатларини қамраб олади, бевосита таъсир кўрсатади ва шунга мос равишда кўплаб моддалардан иборат.

Янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси ҳам мавжуд камчиликлардан холи, 10 та боб, 98 моддадан ташкил топган. Лойиҳа суғурта фаолиятини тартибга солиш, соҳага илғор халқаро тажрибаларни жорий қилиш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилган. Хужжат суғурта турларини кўпайтириш, барқарорлигини таъминлаш билан мутаносиб равишда аҳолининг суғурта маданиятини оширишни ҳам назарда тутди.

Масалан, лойиҳада аввалги ҳужжатда кўрсатилмаган суғурта ташкилотлари фақатгина акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилиши белгиланган. Суғурта ташкилотлари ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш назарда тутилиб, суғурта ташкилотларининг лицензиялари тугатишда ваколатли давлат органи томонидан муваққат маъмуриятини тайинлаш юзасидан нормалар киритилган.

\* \* \*

Хулоса ўрнида муҳим бир жиҳатни қайд этиш керак. Ушбу қонун лойиҳаси қабул қилинса, бир қатор норматив низомларга бекор қилиш ёки ўзгартиришга доир ўзгартиришни киритиш зарурати туғилади. Демак, ушбу меъёрий ҳужжат соҳадаги қатор ноаниқликларга барҳам беради. Одамларнинг суғурта тизимида бўлган ишончини оширади. Шунингдек, суғурта тўловларини беришни рад этиш билан боғлиқ жавобгарликларни белгилаб беради.

**Жаҳонгир АБДУРАСУЛОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



## ВАЗИР МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Жойларда олиб борилаётган ишлар таҳлили билан танишиш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов Қашқадарё вилояти Ғузор тумани «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф буюрди.



Ташриф давомида маҳалла ходимлари томонидан фуқаро мурожаатлари билан ишлаш ҳолати ҳамда соҳага тегишли иш ҳужжатларини юритишда масъуллар томонидан йўл қўйилган камчиликлар кўриб чиқилди.

Шунингдек, «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва ўринбосарлари иштирокида семинар ўтказилди. Унда тизимда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оғир турмуш шароитида яшовчи хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, маҳаллаларни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришга доир масалалар хусусида сўз юритилди.

Вазир Р.Маматов **Яккабоғ туманидаги** «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти билан ҳам атроф-

лича танишиб чиқди. Фуқаролар билан ишлаш бўйича МФЙ раиси ва унинг ўринбосарлари масъулиятини ошириш, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга зарур кўмак кўрсатиш бўйича масъул ходимларга керакли кўрсатмалар берилди, тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шу куннинг ўзида **Чирокчи тумани** маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбарлари ва масъул ходимлари билан ҳам учрашув ўтказилди. Учрашув давомида тизимда учраётган муаммоларни ўрнатилган тартибда ҳал этиш, фуқаролар йиғинлари ишини намунали ташкил этишда уларга кўмак бериш, малакали кадрларни жалб этиш борасида туман масъулларига зарур тавсия ва кўрсатмалар берилди.

**Фарҳод ЭШМЎМИНОВ.**

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ



Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ташаббуси билан Тошкент шаҳридаги **Ҳазрати Имом мажмуасида «Ҳазрати Имом зиёратгоҳи — ўзлигимиз кўзгуси» мавзусида тадбир ўтказилди.**

«Кексалар учун туризм ойлиги» доирасида ҳамда «Янги Ўзбекистон – янги дунёқараш» ғояси асосида ташкил этилган тадбирда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятидаги маҳаллаларда жамият равиоига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, маънан ва жисмонан баркамол фарзандларни тарбиялаб вояга етказган, оилада ҳам, жамиятда ҳам муносиб обрў-этиборга эга бир гуруҳ кекса авлод вакиллари, нуронийлар иштирок этдилар.

Тадбир иштирокчиларига Ҳазрати Имом зиёратгоҳининг тарихи ва унинг қайтадан бунёд этилиш жараёнлари ҳақида атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, тадбир доирасида иштирокчилар мажмуа яқинида жойлашган Ҳазрати Имом номидаги маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф

## ҲАЗРАТИ ИМОМ ЗИЁРАТГОҲИ – ЎЗЛИГИМИЗ КЎЗГУСИ

буюриб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига маҳаллабай етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар.

Жамоатчилик ишларида фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ маҳалла фаолларига республика «Нуроний» жамғармасининг ташаккурномаси топширилди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Мақсадхон Юнусова,

хонанда Ғайбулла Қўлабдуллаевнинг кўшиқлари ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Муқаддас Абдусаматованинг ватан, меҳр-оқибат мавзусидаги шеърлари даврага файз киритди.

Нуронийлар ҳам миллий, ҳам диний қадриятимиз рамзи бўлган бу тарихий мажмуа билан яқиндан танишиб, бир олам таассуротлар билан қайтишди.

**Носир ҲАЙДАРОВ.**



## МАҲАЛЛАДА ҲАЙВОНОТ БОҒИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ



Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани «Гирдиқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида, «Самарқанд – Қарши» автомагистрали ёқасида Алишер Ёрматов кичик ҳайвонот боғини ташкил қилди. У халқ орасида «Доктор кобра» тахаллуси билан машҳур илон овловчи.

Кираверишда кобрани чангаллаб учишга шай турган бургут ҳайкали ташриф буюрувчиларни эътиборсиз қолдирмаслиги аниқ. Ичкарига қадам қўйишингиз билан сиз ўзингизни замонавий маҳалла марказида эмас, балки олис ўрмон, тоғлар орасида юргандек ҳис қиласиз. Негаки бу ерда тулки, олмахон, тўтиқуш, эчкиэмар, бўри, кобра сингари ҳайвонлар жамланган.

2 миллиард сўмдан зиёд оилавий маблағ эвазига барпо этилган мажмуада ҳайвонот боғидан ташқари, ошхона, сайёҳлар учун меҳмонхона мавжуд. Маҳалла марказида ҳайвонот боғининг ташкил этилиши, айниқса, ҳудуддаги мактаб ўқувчилари учун аниқ муддао бўлди. Улар табиатга доир машғулотларни ўқитувчилари бошчилигида шу ерга келиб ўтмоқдалар.

Нуробод тумани ҳоким ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш туман бўлими бошлиғи Тўлқин Хушмуродовнинг таъкидлашича, келгусида мазкур маскан ички туризм харитасига киритилади.

**Ёрматов РУСТАМОВ.**



Ўзбекистон банан импортини қисқартирди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



### АЁЛЛАР ФОРУМИ ЎТКАЗИЛДИ

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда «Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар тажрибаси» мавзусида республика Аёллар форуми бўлиб ўтди.

Видеоконференция шаклида ўтказилган Форумда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янги босқичга олиб чиқиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича ҳуқуқий, ташкилий ва услубий масалаларда ўзаро

алоҳида эътибор қаратилди. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва муаммоларини ҳал этишда маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашлари ҳамкорлигини мустаҳкамлашдек муҳим жиҳатлар ҳам кўриб чиқилди. Ўзаро ҳамкорликни назарда



фикр ва тажриба алмашилди. Илғор тажрибаларни оммалаштириш бўйича таклифлар илгари сурилди. Шунингдек, хотин-қизларнинг жамият ҳаётида фаол иштироки, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари ҳамда механизмлари ишлаб чиқилди.

Тадбир давомида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизлар, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масаласига

тутувчи услубий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш бўйича келишилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари **Гулнора Маруфова** берган маълумотга кўра, бугунги кунда вазирлик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 490 нафар, туман ва шаҳарларда 3 минг 45 нафар аъзоларидан иборат Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашлари ва «Нодавлат нотижорат ташкилотлар клуби» фаолият юритмоқда.

Фарҳод ЭШМҰМИНОВ.

### НУРОНИЙЛАР ХИВАГА САЁҲАТ ҚИЛИШДИ

Қораўзак тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан «Кексалар туризми ойлиги» доирасида нуронийлар учун Хива шаҳрига саёҳати ташкил этилди. Унда 30 нафардан зиёд нуроний кексалар шаҳардаги тарихий жойларни томоша қилди.

— Ота мерос ватанимизда ўтган азизларни зиёрат қилиш савоб ишдир, — дейди нуроний Маҳаматдин Гулимбетов. — Бу ерларга қанча кўп келсангиз, шунча арзийди. Биз бундай иззат-икромдан чексиз миннатдоримиз. Зиёратчилар орасида 80, 90 ёшдан ошган отахон ва онахонларимизнинг борлиги саёҳатимизга файз қўшди. Муҳими, ҳаёт тажрибаси, бугунги ёшларнинг тарбияси ҳамда маҳаллада биз, кексаларнинг ўрни ҳақида ўзаро фикр алмашдик. Зиёрат давомида нафақат



маънавий ҳордиқ чиқардик, балки ана шундай тажриба ва фикрларни ўртоқлашдик. Биз каби нуронийларни ўйлаб, саёҳатни ташкил қилганларга миннатдорлик билдирамиз.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ.

Гарчи мамлакатимизда куз-қиш мавсуми ҳукм сураётган бўлса-да, аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида олиб борилаётган ишлар бир сония ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Жумладан, Хўжаобод туманидаги «Андижон» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишларига яқун ясалди.



### АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

### ИЧИМЛИК СУВИ МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛДИ

«Андижон сув таъминоти» МЧЖ туман бўлимининг раҳбари Бахтиёржон Комиловнинг таъкидлашича, бунинг учун маҳалла бўйлаб

янги сув тармоғини тортиш, 4 та кўчадаги тармоқни асосий тармоққа улаш ва сув қудуғига янги насос ўрнатиш ишлари олиб борилди. Натижада

маҳалладаги 110 та хонадонда истиқомат қилувчи 400 нафар аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қондирилди.

Саминжон ҲУСАНОВ.

### «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ»

Янгийўл шаҳрининг «Туркистон» ва «Мевазор» маҳалла фуқаролар йиғинларида «Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш» мавзусидаги маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбир доирасида китоблар кўргазмаси, халқ амалий санъатига хос бўлган кўғирчоқ ва рассомчилик кўргазмалари, спорт ўйинлари ташкил этилди. Тарғиботчилар мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар туб моҳиятини ҳамда ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ўзгаришлар, халқимизга, қолаверса, ёшларга яратилаётган имкониятлар ва хотин-қизларга берилаётган эътибор борасидаги таҳлилий фикрлари билан ўртоқлашди. Тадбирда актриса Зухра Солиева ўз маҳоратини намойиш қилди ва барчани кайфиятини кўтарди. Шунингдек, Тошкент вилояти ва



Янгийўл шаҳридаги амалга оширилган ислохотлар тўғрисидаги видеоролик намойиш қилинди. Ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимизга етказишда ана шундай тарғибот тадбирларининг ўтказилиши, чора-тадбирлар ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Фулом ХИДИРОВ  
«Mahalla»



Қаршида Ўзбекистондаги биринчи заргарлик мактаби иш бошлади.

# ТИББИЁТ рағбат бор, шароит яратилади, сифат ошадими?



Давлатимиз раҳбари 2020 йил 12 ноябрь кунини соғлиқни сақлаш тизимига доир бир йўла учта ҳужжат — «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармон, «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ва «Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорларни имзолади.

Хўш, юқоридаги ҳужжатларда қандай мақсадлар кўзланган? Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда қандай янги ёндашувлар ҳаётга татбиқ этилади? Вазибалар ижроси тизимдаги муаммоларни бартараф эта оладими?

## Аҳоли саломатлигига кўра гуруҳлаштирилади

Фармонга мувофиқ, саломатлик ва физиологик ҳолатидан келиб чиқиб, одамлар таянч, паст, ўрта ва юқори хавф гуруҳларига бўлинади. Улар қайси гуруҳга мансублигига кўра, белгиланган муддатларда тиббий кўриклардан ўтади ва саломатлиги даврий кузатувга олинади. Хусусан, юқори хавф гуруҳига кирувчи ва мустақил равишда тиббиёт муассасасига кела олмайдиган беморлар доимий кузатувга олиниб, уйига борган ҳолда, индивидуал патронаж амалиёти жорий этилади.

Шунингдек, профилактик кўриклар ўрнига ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳолининг қайси гуруҳга мансублигидан келиб чиқиб, муайян касалликлар бўйича мунтазам тиббий скрининг текширувлари ташкил этилади. Патронаж кўриклари мақбуллаштирилиб, янгиланган мақсадли патронаж тизими жорий қилинади. Бу эса, ўз навбатида, касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш имконини беради.

## ҚВПлар оилавий шифокор пунктига айлантирилади

Ҳужжат билан умумий амалиёт шифокори мутахассиси оилавий шифокор, қишлоқ врачлик пункти

оилавий шифокор пункти, қишлоқ ва шаҳар оилавий поликлиникаси эса оилавий поликлиника этиб қайта номланади. Эндиликда оилавий шифокор томонидан фуқароларга бевосита туман ва шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникалари, вилоят шифохоналари хизматидан бепул фойдаланиш учун йўлланма ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмларга имтиёзли рецептлар ёзиб берилади.

— Оила шифокорига ёрдам бериш учун терапия, педиатрия, акушерлик ва патронаж бўйича ўрта тиббиёт ходимларидан иборат бригадалар ташкил қилинади, — дейди Соғлиқни сақлаш вазири бош мутахассиси Умида Ғозиева. — Бу бригадалар ўзларига бириктирилган оилалар кесимида «тиббий харита»лар шакллантириб, манзилли иш олиб боради. Аҳолининг саломатлик ҳолати баҳоланиб, электрон базаси яратилади. Бунинг учун улар махсус планшетлар, мобил диагностика ускуналари (масалан, тарози, пульсоксометр, танометр, мобил ЭКГ) билан таъминланади. Бригадалар бирор хонадонга кирганда бутун оила аъзоларининг саломатлигини, физиологик ҳолатини текширувдан ўтказиши.

2021 йил 1 январдан оилавий шифокорлар фаолияти янги рейтинг тизими асосида баҳоланиб, юқори натижага эришган ходимлар ҳар чоракда базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 30 бараваригача миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади. Бунда маҳаллада аҳолининг саломатлиги, ҳудуддаги касалликларнинг ўсиши ва мурожаат қилиши кабилар баҳоланган кўрсаткичлари саналади.

## Оилавий шифокорларга 30 миллион сўм берилади

Ҳужжат билан 2021 йилдан бошлаб «Қишлоқ шифокори» дастури жорий қилинади. Унга кўра, тиббиёт ОТМни охириги 3 йил ичида тамомлаган, бошқа ҳудудда яшовчи шифокорлар олис ва чекка ҳудудларга ишга қабул қилинганда, уларга қатор имтиёзлар яратиб берилади.

— Жумладан, уларга камида 3 йил ишлаб бериш шarti билан 30 миллион сўм миқдорда бир марталик пул маблағлари берилади,



— дейди Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрулло Иноятов. — Шунингдек, уй-жойи бўлмаган

ларга 3 йил давомида хизмат уй-жойлари ажратилади ёки базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорда ҳар ойлик ижара тўловлари компенсация қилинади. Туман ҳокимлари ва тижорат банклари билан бирга, ипотека дастурлари асосида қурилаётган уй-жойларни, аввало, оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларга ишга қабул қилинаётган шифокорлар учун ажратиши белгиланди. Умуман олганда, уларнинг аҳолига сифатли хизмат кўрсатиши, ҳудуд профилактикасини таъминлаши учун барча шароитлар яратилади.

## 4 та ОТМда тиббиёт факультетлари очилади

Фармонга мувофиқ, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб мавжуд эҳтиёждан келиб чиқиб, тўртта ҳудудда тиббиёт факультетлари ташкил қилинади. Вилоят тиббиёт муассасалари, оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда ОТМларнинг клиник базалари ташкил қилиниб, уларда битирувчилар ўқув амалиётини ўтайди. Шунингдек, мавжуд 47 та Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми ва 28 та тиббиёт коллежида оилавий шифокорлар ёрдамчиларини тайёрлаш тизими жорий қилинади.

## Тизимда коррупция кенг тарқалганми?

Аччиқ бўлса-да, очиқ гап: сўнгги икки йилда тизимдаги 581 нафар ходим турли жиноятларга қўл урган, шулардан 114 таси коррупцион ҳолатлардир. Коррупция ҳолатлари, асосан, ишга қабул қилиш, бюджет маблағларини сарфлаш, пуллик хизмат кўрсатиш, давлат ҳисобидан тиббий ёрдам олишга ордерлар бериш, туғуруқ комплексларда тиббий хизмат кўрсатиш, ногиронликни белгилаш йўналишларида учраётир.

Яна бир маълумот: «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази ўтказган сўровларда иштирок этганларнинг 43 фоизи соғлиқни сақлаш тизимида коррупция кенг тарқалган деган фикрни

билдирыпти. Айни ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида эндиликда тизимда «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

## Давлат тиббий суғуртаси жорий этилади

Маълумки, хориж мамлакатларида кўлланиб келинаётган тиббий суғурта тизими ўзининг бир қатор қулайликларига эга. Юртимизда ҳам бу тизимга ўтиш бўйича Сирдарё вилоятида дастлабки синов тажрибасини ўтказиш мақсадида ҳудуднинг ҳар бир тиббиёт муассасаси тадқиқ қилинди, маълумотлар олиниб, муаммолар ўрганилди. Тизимнинг оғриқли нуқталари аниқланиб, шу вақтгача нималар иш бердию, қайси йўналиш оқсаб қолганига эътибор қаратилди.

— Эътибор берилса, бугун қафолатланган тиббий хизмат ва дори-дармонлар пакети



мавжуд эмас, — дейди Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Абдулла Азизов. — Шунингдек, қайси тиббий хизматлар

пуллик, қайси бири бепул эканини билмаймиз, шаффоқлик йўқ. Эндиликда айнан тиббий суғурта орқали, аввало, қафолатланган хизмат ва дори-дармонлар пакетини яратамиз. Қафолатланган пакет асосида аҳолининг барча қатламларига сифатли ва тўлиқ тиббий ёрдам кўрсатилишини молиялаштиришга қаратилган давлат тиббий суғуртаси тизими босқичма-босқич жорий этилади. Шифохоналар амалдаги смета асосида молиялаштириш тизимидан шартномага мувофиқ бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлаш тизимига ўтказилади.

\*\*\*

Умуман олганда, юқорида тилга олинган учта ҳужжатнинг ҳар бири тиббиёт тизимида йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиб, соғлиқни сақлаш соҳасини аҳолига том маънода яқин, унинг саломатлиги ва соғлом турмуш тарзига бевосита масъул органга айлантиришга хизмат қилади.

Санжар ИСМАТОВ  
«Mahalla»



Куйи Чирчиқ туманида шолини қайта ишлаш ва сақлашга ихтисослаштирилган корхона фойдаланишга топширилди.

**И**нсон саломатлигини яхшилаш, иммунитетини оширишда пиёда юриш, югуриш ҳамда велосипед ҳайдашнинг фойдаси катта. Боиси қон айланишида муҳим ўрин тутган бундай жисмоний машғулотлар кўплаб касалликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бироқ бунинг учун алоҳида йўлақлар қилиниши, шарт-шароит яратилиши зарур.



## КЎЧАЛАРДАГИ ПИЁДА ВА ВЕЛОЙЎЛАКЛАР АҲВОЛИ ҚОНИҚАРСИЗ...

Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида биноан, мамлакатимиздаги шаҳарлар ва ҳар бир туман марказида пиёда ва велосипедда юриш учун «Саломатлик йўлақлари» ташкил этилиши белгиланди. Нима сабабдан Юртбошимиз мазкур масалага алоҳида тўхталмоқда? Бугун пиёда юриш ва велосипед ҳайдаш учун махсус йўллар қай ҳолатда? Талабга жавоб берадими?

### Мансабдорлар пиёда юрмаса, муаммони билармиди?

Яқинда **Бош вазир ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов** Тошкентда вилоят ҳокимларининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари учун ташкил этилган ўқув-семинарида иштирок этди. Унда айнан шу масалага тўхталиб, кўчалардаги пиёда ва велоёўлақлар қониқарсиз аҳволда эканига алоҳида урғу берди.

**Бундан кўринадими, велоёўлақлар қуриш орқали саломатликни яхшилаш баробарида автотранспортдан фойдаланишни, ҳавонинг ифлосланишини камайтиришга ҳам эришиш мумкин.**

— Ёшларимиз, бошқа катта ёшли аҳолимиз ҳам жисмоний машғулот билан шуғуллангиси келади, лекин жой



йўқ — дейди **Азиз Абдуҳакимов**. — Мен ўзимнинг мисолимда айтадиган бўлсам, бир нечта вилоят

раҳбарлари билан кўчаларда юриб кўрдик. Узоқ бир қишлоқни айтмаяпман, йирик шаҳарларимиздаги ҳолат ҳам юриб бўлмайдиган даражада. На югурса бўлади, на



велосипедда юрса. Белгиланган йўл белгилари йўқ. Велосипедда юраман десангиз, ҳар ўн метрда ё ариқ учрайди, ё йўл бузилган бўлади, ё зина чиқиб қолади ва ҳоказо.

Самарқандни мисол қилсак, вилоят ҳокими шаҳар ва туман раҳбарлари бир ҳафта кўчаларни пиёда айлансин, деб қарор чиқарди. Негаки, «каттакон» раҳбарлар машинада юраверса, оддий одамларимиз, фуқаролар пиёда юраётган йўлақлар ёки велоёўлақлар қанақа ҳолатда эканини билмайди-да. Улар кўчалардан машинани вангиллатиб ҳамма ёқни чанг бостириб ўтиб кетади. Бу қанақа ҳолат бўлади?

Чиндан ҳам, пиёда юраман деган инсон ўнқир-чўнқир йўлларда юришга қийналади, ёғингарчилик бўлса лой кечиги тўғри келади. Велосипед ҳайдаш учун эса истироҳат боғига бориб, ижарага велосипед олиб, белгиланган ҳудуддагина фойдаланиш мумкин, холос. Ваҳоланки, дунёнинг ривожланган давлатларида махсус велоёўлақлар қилинган бўлиб, яқин ҳудудда ишлайдиган, ўқийдиган фуқароларнинг автотранспортдан фойдаланишга эҳтиёжи йўқ.

Бундан кўринадими, велоёўлақлар қуриш орқали саломатликни яхшилаш баробарида автотранспортдан фойдаланишни ва ҳавонинг ифлосланишини камайтиришга ҳам эришиш мумкин.

### Қандай мезон асосда қурилади?

Президент фармонида асосан, 2021 йил 1 майга қадар Ўзбекистон шаҳарлари ва ҳар бир туман марказида пиёда ва велосипедда юриш учун «Саломатлик йўлақлари» қурилади. Бу бўйича лойиҳани ишлаб чиқиш ва жамоатчиликка

тақдим этиш Қурилиш вазирлигига топширилган. Бугун фармон ижросини таъминлашда қандай амалий ишлар қилинмоқда?

— Пиёдалар ва велосипед йўлақларини ташкил этиш бўйича тегишли лойиҳаларни тез фурсатларда ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиш топшириғини олганмиз, — дейди **Қурилиш вазирлиги Лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Насрулло Бобоев**. — Нафақат лойиҳа, балки массивлар, катта йўлларда ҳам ана шундай йўлақлар ташкил қилиш бўйича методик қўлланма устида иш олиб бормоқдамиз. Қўлланма йўлларни ташкил этиш лойиҳалари, унга қўйиладиган талаблар, йўлларнинг технологик харитасини ўз ичига олган. Методик қўлланмамиз деярли тайёр, фақат уни экспертизадан ўтказиш ҳамда тасдиқлаш қолди. Боиси лойиҳани ишлаб чиқишда биз бир қанча жиҳатларга эътибор қаратишимиз лозим. Масалан, пиёдалар ва велосипед йўлақларининг умумий узунлиги 3-5 километрни ташкил этиши ва ўзаро узвий боғлиқ бўлиши, йўлақлар замонавий, энерготехжамкор ёритиш тизимлари билан таъминланиши зарур. Шунингдек, йўлақларга ёруғлик қайтарувчи, бошланиши, оралиғи ва якуини кўрсатувчи йўл белгилари ўрнатилиши ҳам муҳим. Пиёдалар ва велосипед йўлақларини барпо этишда ногиронлиги бўлган шахслар учун «тўсиқсиз муҳит» ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши шарт.

### Workout майдончалари

Маълумки, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ҳам замонавий шаҳарчалар, намунавий уйлар, массивлар бунёд этилмоқда. Бугун

ана шу жараёнда пиёдалар ва велосипедда юриш учун йўлақлар қилиш ҳам инobatга олинмоқда. Бу нафақат замон талаби, балки инсонлар эҳтиёжига ҳам айланди. Демак, эндиликда амалдаги шаҳарсозлик меъёрларига ҳам айнан пиёдалар ва велосипед йўлақларини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш вазифаси ўз-ўзидан долзарб боради.

— Уй-жойларнинг жойлашувини инobatга олган ҳолда ҳамда ташкилот ва идораларнинг тегишли ҳудудларида велосипед тураржойлари ва замонавий спорт майдончаларини (шу жумладан, Workout) ташкил этиш лозим, — дейди **Н.Бобоев**. — Шунингдек, маҳаллалар, қишлоқлар, туманлар ва шаҳарларни боғловчи автомобиль йўллари, пиёда ҳамда велосипед юриши учун мўлжалланган «Саломатлик йўлақлари»ни қуриш, автомобиль ҳаракати юқори бўлган ва катта йўл кесишмаларида аҳолига қулай ўтиш жойларини барпо этишни назарда тутишимиз керак бўлади. Ҳозирда, Тошкент шаҳрининг барча туманларида босқичма-босқич аҳоли учун қулай бўлган кўчаларда умумий узунлиги 50 км. бўлган пиёда ва велосипедда юриш учун «Саломатлик йўлақлари»ни қуриш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилган. Хусусан, пойтахтимизнинг Шаҳрисабз кўчасида «Саломатлик йўлақлари» ва «Streetball» майдончаси ташкил этилмоқда.

### Хулоса ўрнида

Муҳими, амалий ишлар пойтахт билан чекланиб қолмайди. Республикаимиздаги ҳар бир туманларнинг аҳоли учун қулай бўлган марказий кўчаларини модернизация қилиш доирасида пиёдалар ва велосипед йўлақларини ташкил этиш режалаштирилган. Бу вазифа босқичма-босқич амалга оширилади. 2022 йилдан бошлаб Нукус, Бухоро, Нурафшон, Самарқанд, Термиз, Хива, Шаҳрисабз ва Қўқон шаҳарларида, 2023 йилдан республикаимизнинг барча йирик шаҳарларида пиёда ва велосипедда юриш учун «Саломатлик йўлақлари» ташкил этилади.

Халқимизга яратиладиган бундай қулайлик, эътибор, ўз навбатида, масъулият ҳам юклашини унутмаслик зарур. Яъни ушбу йўллардан оқилона фойдаланилса, узоқ йиллар хизмат қилади. Сарфланган маблағ ҳам мақсадли бўлади, беҳуда кетмайди.

**Ноилахон АҲАДОВА**  
«Mahalla»



# ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ БЎЙИЧА КОМИССИЯ: ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА?

**Я**нгиланаётган Ўзбекистон ислохотлари инсон манфаатлари устунлигини таъминлаш баробарида жамиятда хотин-қизлар мавқеини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини устувор қадриятлардан бири сифатида ҳимоя қилишга қаратилган. Бунда, айниқса, аёлларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида рўёбга чиқарилмоқда.

Хусусан, сўнгги уч йилда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган қарийб 20 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан, 2 та қонун, 1 та Президент қарори, 4 та Президент фармони, 13 та Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди. Қонун ҳужжатлари хотин-қизларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ҳуқуқларига оид стандартларга мослиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилинди.

Шунингдек, «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, барча вазирлик ва идораларда гендер тенглик масалалари бўйича Маслаҳат кенгашлари ташкил этилди.

Хотин-қизларнинг камситилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикасида Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия фаолияти йўлга қўйилди.

Хўш эндиликда аёлга ожиза, уй бекаси, бир поғона пастда турувчи хилқатдек муносабатда бўлиш ҳолатлари барҳам топдимми?

## Раҳбарлик лавозимларида хотин-қизлар улуши қанча?

— Хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги ошиб борапти, — дейди Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева. — Жумладан, давлат бошқарувида хотин-қизлар иштирокини ошириш мақсадида б мингдан зиёд фаол хотин-қиз-

лардан иборат кадрлар захираси шакллантирилди. Ҳозирги кунда уларни турли раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш бўйича тизимли ўқувлар ташкил этиляпти. Ички ишлар вазирлиги тизимида 16 нафар аёл раҳбарлик, 6 нафар аёл ҳокимлик, 1 нафари элчилик лавозимини эгаллади. Бундан ташқари, 1500 нафарга яқин хотин-қизлар турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда.

2019 йил декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайлов натижаларига кўра, аёл депутатлар сони Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг 32, аёл сенаторлар эса Сенат аъзоларининг 25, маҳаллий Кенгашларда хотин-қизлар улуши 25,6 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон парламенти жаҳондаги 190 та парламент орасида 44-ўринни эгаллади.



## Ҳимояга муҳтожлар-чи?

Оғир турмуш шароитида яшаётган аёллар, айниқса, ёш хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам эътибор марказидаги масалалардан. Хусусан, 2018-2020 йиллар давомида Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан оғир турмуш шароитида яшаётган уй-жойга муҳтож 3878 нафар хотин-қизнинг бошланғич бадал пуллари тўлаб берилди.

Кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-қизларни касбга қайта ўқитишга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун касб-хунар таълими муассасаларига Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан грантлар ажратиш амалиёти жорий этилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан хотин-қизлар учун кўшимча грант асосида олий таълим муассасаларига кириш тартиби белгиланди.

## Дори ва витаминлар бепул тарқатиладими?

— Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ҳам янгиликлар жорий қилинмоқда, — дейди Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Боситхонова. — 2021 йил 1 июндан 5 ёшгача болалар витаминлар ва микро-нутриентлар, 10 ёшгача болалар паразитларга қарши дорилар, хомилдорлар, эмизикли

аёллар ва 15 ёшгача бўлган болалар йод препаратлари, 35 ёшгача аёллар фолий кислотаси ва феррум билан бепул таъминланиши белгиланди. Ушбу дори воситалари ва витаминлар оилавий шифокорлар томонидан бепул тарқатилади.

## Ожизаларни ким ҳимоя қилади?

Сўнгги йилларда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш йўналишида ҳам муҳим қадамлар қўйилди. Бу борадаги тегишли қонунга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан «Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Ҳозирги вақтга қадар ички ишлар органларига ҳимоя ордери сўраб 7 мингдан зиёд мурожаат келиб тушган. 6183 ҳолатда хотин-қизларга ҳимоя ордери расмийлаштириб берилди.

Коронавирус пандемияси даврида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида Комиссия томонидан «ННТлар бирлашмаси» ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда жорий йилнинг 10 апрелидан бошлаб «Ишонч телефони» хизмати йўлга қўйилди.

Ҳозирги кунга қадар «Ишонч телефони» орқали 3 мингга яқин мурожаат қабул қилиниб, уларнинг 40 фоизи зўравонлик ҳолатлари билан боғлиқ бўлиб, хотин-қизларга психологик ва юридик ёрдам кўрсатилди.

Карантин даврида айрим нотинч оилаларда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида «Телеграм» ижтимоий тармоғида «Зўравонликка йўл йўқ!» каналининг фаолияти йўлга қўйилди.

Қилинган ишларга кўз юммай-сиз, аммо мавжуд камчиликларга ҳам қўл силташга ҳаққимиз йўқ. Шундай экан, Гендер тенглигини таъминлаш бўйича комиссиянинг бундан кейинги фаолиятини кузатишда давом этамиз.

Садоқат МАХСУМОВА  
«Mahalla»

**Б**арча давлатларга пандемия ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам пандемиядан олдин ишсизлар сони ўртача 1 миллион 350 мингга яқин бўлган ҳолда айни кунда уларнинг сони 2 миллионга яқинлашди. Чунки карантин сабаб қатор корхоналар фаолияти тўхта-тилди ва бу ишсизлар сони ошишига олиб келди.

# БАНГЛАДЕШЛИК ИШЧИЛАР НЕГА ОЛИБ КЕЛИНДИ? ЎЗИМИЗДА ИШЧИЛАР ЕТАРЛИ ЭМАСМИ?

**Уларнинг ўзбек ишчиларидан қандай устунлиги бор?**

Биргина Қашқадарё вилоятида 91 мингга камбағал оилалар бўлиб, 131 минг 400 нафардан ортиқ меҳнатга лаёқатли фуқаролар ишсиз. Айни шу статистикадан келиб чиқадиган бўлсак, яқинда «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Uzbekistan GTL» компанияларининг Қашқадарё вилоятида амалга оширилаётган Шўртан газ-кимё комплексининг метан тозалаш базасида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида бош пудратчи «ENTER Engineering Pte. Ltd.» инжиниринг компанияси томонидан 900 нафарга яқин бангладешлик меҳнат мигрантларини жалб қилингани аҳоли орасида ҳақли эътироз ва муҳокамаларга сабаб бўлди. Чиндан ҳам, нима учун вилоятда шунча ишсиз бўла туриб, хориждан ишчи кучлари ёлланди? Нима, улар каби мутахассислар юртимизда топилмасми?

Мазкур масала бўйича **Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги** муносабат билдириб, «Ўзбекнефтгаз» АЖ ёки лойиҳа бош пудратчиси «ENTER Engineering Pte. Ltd.» инжиниринг компанияси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномани олиш учун Ташқи меҳнат миграциясига мурожаат қилмаганини баён этди. Энг қизиғи, муҳокамалар охирига етмай, масалага тайинли нуқта қўйилмай хорижлик ишчилар объектда иш бошлагани маълум қилинди. Тез кунларда қолган ишчилар ҳам келиши ҳақида хабарлар тарқалди.

Хўш, бу хабар қанчалик рост? **Меҳнат ва бандлик муносабатлари вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Раҳимжон МАҲКАМОВ** шундай дейди:

— Тўғри, биз ҳам бангладешлик ишчилар иш бошлагани ҳақида эшитдик, — дейди ахборот хизмати раҳбари **Раҳимжон Маҳкамов**. — Бу масалада юборган сўровимизга ҳозирча маълумот олмадик. Шу сабабли аниқ жавоб бера олмаймиз. Қолган ишчилар келиши ёки келмаслиги ҳам компанияга бериладиган савол. Катта эҳтимол билан улар шартнома тузмай хорижлик ишчиларни олиб келган, деган тахминга бориш мумкин. Сабаби, улар ишчиларга **S-3 тоифадаги виза олишган**. Одатда бу визалар хизмат сафарига келган ишчиларга бир йилга берилади. Шартнома орқали ишчи ёллаш учун эса компания бизга мурожаат қилиши керак эди. Биз мамлакатимизда чиндан ҳам, шу ишчиларга эҳтиёж бор ёки йўқлигини ўрганиб, хулоса берамиз. Ҳақиқатан ҳам, бизда шу тоифадаги ишчилар йўқ бўлса, шартнома тузишга рухсат берилади. Афсуски, юқоридаги ҳолатда бундай бўлмаган. Бу ҳолат юзасидан **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари** ҳам депутатлик сўрови юборишган. Вазирлигимиз мутахассислари ҳозирда бу сўровга жавоб тайёрлашяпти. Жараёнда айрим саволларга жавоб топиш учун биз ҳам буюртмачиларга сўров юборганмиз. Асл вазият яқин кунларда ойдинлашади. Ҳозирда уларнинг фаолиятини текшириш учун **Бизнес омбудсманга хат билан мурожаат қилганмиз**. Улар рухсат бергач, текширув ўтказамиз. Ва, албатта, натижасини оммавий ахборот воситаларида эълон қиламиз.

## Депутат фикри қандай?

— Аввал ҳам ёзганимдек, «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Uzbekistan GTL» компанияларининг Қашқадарё вилоятида амалга оширилаётган Шўртан газ-кимё комплексининг метан тозалаш базасида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида бош пудратчи «ENTER Engineering Pte. Ltd.» инжиниринг компанияси томонидан 900 нафарга яқин бангладешлик меҳнат мигрантлари

жалб қилиниши ҳақидаги хабарлар аҳоли орасида эътироз ва муҳокамаларга сабаб бўлмоқда, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дониёр Ғаниев**. — Мазкур масала бўйича



Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан билдирилган муносабатда «Ўзбекнефтгаз» АЖ ёки лойиҳа бош пудратчиси «ENTER Engineering Pte. Ltd.» инжиниринг компанияси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномани олиш учун Ташқи меҳнат миграциясига мурожаат қилмаганини баён этилган.

Холбуки, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон Республикасига хориждан ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан тасдиқланган Низомга асосан, иш берувчилар томонидан Республикага хориждан ишчи кучини рухсатнома олмай жалб қилиш, чет эл фуқароларига эса мамлакат ҳудудида тасдиқнома олмасдан меҳнат фаолиятини амалга ошириши тақиқланади. Бу эса лойиҳага бангладешлик ишчиларни олиб келиниши бугунги пандемия жараёнида нафақат ўринсиз қарор эканлигини, балки катта эҳтимол билан қонунга зид тарзда амалга оширилганини англатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳамкасбим депутат Н.Тилаволдиев билан бирга Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига депутатлик сўровини юбордик. Унда, биринчи навбатда, бангладешлик мутахассисларни жалб қилишда «Ўзбекнефтгаз» АЖ ёки «ENTER Engineering Pte. Ltd.» инжиниринг компанияси томонидан амалдаги қонунчиликка риоя этилганлиги бўйича вазирлик томонидан олиб борилаётган ўрганиш натижалари

ҳақида маълум қилиш сўралган.

Шунингдек, Вазирликдан мазкур лойиҳа доирасида яратилган иш ўринлари, жалб қилинаётган бангладешлик мутахассисларнинг касби ва малака даражаси лойиҳа доирасидаги мавжуд иш ўринларига мослиги ҳамда ушбу иш ўринларига мос келадиган маҳаллий ишчи кучи мавжудлиги тўғрисидаги тахлилий маълумотлар тақдим этиши сўралган.

## «ENTER Engineering Pte. Ltd.» инжиниринг компанияси қачон жавоб беради?

Айни шу жараёнда декабрь ойида бу объектда асосий қурилиш ишлари якунланиши, аввалроқ бўлиб ўтган тартибсизликлардан кейин ҳам ишчиларга шароит ўзгармагани, қолаверса, бир гуруҳ ҳинд ишчилари ҳам ишлаётгани ҳақида маълумотларга эга бўлдик. Агар ростдан ҳам, иш декабрда якунланса, бу ердаги ишчиларнинг кейинги тақдири нима бўлади? Ҳинд мутахассислари бажараётган ишни ўзбеклар удалай олмасми? Албатта, удаларди. Чунки ҳинд ишчилари орасида сваркачи бўлиб ишлаётганлари ҳам бор. Энг қизиғи, уларга берилаётган ойлик маош 1 минг АҚШ долларидан 2 минггача экани айтилмоқда.

Бу маълумотлар қанчалик асосли эканини билиш мақсадида «ENTER Engineering Pte. Ltd.» инжиниринг компанияси билан боғланиб, жавоб олишга уриндик. **Афсуски, компания матбуот хизматига қилган қўнғироғимиз ҳам, телеграм тармоғи орқали юборган саволларимиз ҳам жавобсиз қолди. Бунинг учун бироз муддат кутишни сўрашди.**

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юртимизда шунча ишсиз турганда четдан меҳнат ресурсларини ёллаш шу юрт ва шу халққа хиёнатга тенгланади. Ахир, шу иш ўринларида ўзимизнинг қора кўзлар ишласа, қанча ўзбек оиласига барака кирарди, рўзғори бут бўларди.

**Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ**  
«Mahalla»



**Ўзбекистоннинг олтин-валюта захиралари ҳажми яна қисқарди.**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, давлат улуши сақланиб қолаётган айрим тармоқлар ва йирик корхоналарда бозор механизмларига ўтишнинг кечи-каётганлиги янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, илғор технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусий капитални фаол жалб қилган ҳолда янги иш ўринлари яратишга тўсқинлик қилмоқда.



## ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР

## ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ ИСЛОҲ ҚИЛИНАДИ?

Президентимиз айтганидек, хусусийлаштириш бўйича кўплаб қарорлар қабул қилинган. Лекин бирорта раҳбар пастга тушиб, бу соҳадаги билим ва методикани жойларга етказмагани сабабли кўп корхона ва объектлар сотилмасдан турибди, на давлатга, на тадбиркорга наф келтиряпти.

Шу боис 3 мингга яқин давлат иштирокидаги корхоналар танқидий таҳлил этилиб, уларнинг иқтисодий ҳолати кескин қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 27 октябрда қабул қилинган «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони эса бу жараёни янада жадаллаштиришга хизмат қилмоқда.

Хўш, самарасиз фойдаланилаётган деб топилган давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти қайси мезонлар асосида ўрганиб чиқилди? Трансформация қай тартибда амалга оширилади? Шаффофлик қандай таъминланади? Шу хусусида **Давлат активларини бошқариш агентлиги** мутасаддилари суҳбатлашди.

– Президентимизнинг иқтисодиётда давлат улушини қисқартириш бўйича берган топшириқлари асосида Бош вазир бошчилигидаги ишчи гуруҳлар томонидан 2965 та давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти танқидий ўрганиб чиқилиб, улар 4 та тоифага (тўлиқ сотиш, қайта ташкил этиш, тугатиш, тўлиқ ёки қисман қолдириш) бўлинди, – дейди **Давлат активларини бошқариш агентлиги департамент бошлиғи Алишер Миралиев**. – Ушбу жараёнлар давлатимиз раҳбарининг юқоридаги фармони асосида тўртта йўналишда амалга оширилади. Биринчи йўналишда 32 та йирик давлат корхоналари ва ҳўжалик бирлашмалар бюджет барқарорлиги билан узвий боғлаш мақсадида трансформация қилинади. Иккинчи йўналишда 39 та давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этилади, операцион самарадорлиги оширилади. Учинчи йўналишда 556 та давлат активларини хусусийлаштириш чора-тадбирлари кўрилади.



Тўртинчи йўналишда 507 та бозор ва савдо комплексларида бошқарув тизимини такомиллаштириш ва уларни босқичма-босқич хусусийлаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

### Қай тартибда трансформация қилинади?

– Фармонда белгилаб берилган давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилиш учун, аввало, ушбу корхоналарнинг молиявий ҳисоботлар стандартлари (IFRS) асосида тайёрланиб, халқаро кредит рейтинг олиши таъминланади, – дейди **Давлат активларини бошқариш агентлиги департамент бошлиғи Бахтиёр Ҳайдаров**. – Шунингдек, нуфузли халқаро консалтинг ташкилотлари жалб қилинган ҳолда молиявий соғломлаштириш, операцион самарадорликни ошириш ҳамда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиялари ишлаб чиқилади. Харидлар ва бошқарув тизимларини аудитдан ўтказиш ҳамда комплаенс ва коррупцияга қарши хизматларни шакллантиришни назарда тутадиган замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш ҳам трансформация қилиш жараёнларининг муҳим шартидир. Бундан ташқари, кузатув кенгаши таркибини камида 30 фоиз, ижро органи таркибини эса камида 3 нафар (раҳбар ходими) малакали халқаро мутахассислар билан тўлдириш талаб этилади.

### Корпоратив бошқарув ва молиявий аудит қандай жорий этилади?

– Давлат иштирокидаги корхоналарга корпоратив бошқарув жорий этиш учун, аввало, корхонанинг тизим ташкилотлари рўйхати, уларнинг молиявий аҳволи, даромадлиги, корхона фаолияти соҳасига мувофиқлиги бўйича

маълумотлар шакллантирилади, – дейди **Давлат активларини бошқариш агентлиги департамент бошлиғи Нодир Арзиқулов**.

– Давлат улуши устувор бўлган корхоналар фаолиятига Осиё тараққиёт банки билан ишлаб чиқилган Корпоратив бошқарув қоидалари жорий этилиб, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамкорлигида тайёрланган намунавий Низом асосида «комплаенс» ва коррупцияга қарши курашиш хизматлари татбиқ этилади. Давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятлари акциялари эса фонд биржаси котировка варағига (листинг) киритилади.

Молиявий аудит жорий этиш учун эса дастлаб, корхонанинг молиявий ҳисоботларини халқаро молиявий ҳисоботлар стандартлари (IFRS) асосида тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинади. Бунинг учун корхоналарда молиявий ҳисоботларни IFRS асосида тайёрлаш бўйича алоҳида бўлинма ташкил этилиб, танлов асосида аудиторлик ва консалтинг компаниялари жалб қилинади.

Шунингдек, халқаро кредит рейтингларини олиш графиги ишлаб чиқилиб, операцион самарадорликни ошириш бўйича ишлар амалга оширилади. Бунда корхоналар қўшимча акциялар чиқариб, IPO усулида жойлаштириш, корпоратив облигациялар ҳамда халқаро фонд биржаларида евробондлар чиқариш усуллари кўзда тутилади.

### Объектларни сотиш жараёни қандай амалга оширилади? Шаффофлик таъминланадими?

– Давлат активларини сотиш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда мазкур жараён-да инсон омили аралашувини

тўлиқ истисно қилиш мақсадида давлат мулки объектларини (акциялардан ташқари) сотиш бўйича савдолар «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида амалга оширилиши белгиланган, – дейди **Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги «E-IJRO AUKSION» онлайн аукционларни ташкил этиш маркази директори Муҳиддин Ҳўжаев**. – Шунга кўра, давлат мулки объектларини сотиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июндаги «Давлат мулки объектларини сотиш ва давлат мулкини ижарага бериш бўйича электрон савдолар ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори асосида амалга оширилади. Бунда баҳоланган нарх бўйича давлат кўчмас мулк объектлари 2 ой давомида нархни ошириб бориш шаклида савдоларга чиқарилади. Ушбу белгиланган муддатда давлат мулки объектларини савдога қўйиш нархини босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланади ва аукционга қўйилган бошланғич нархининг 50 фоизига етгунча ҳар 15 кунда аукционга қўйилган бошланғич нархдан 10 фоизга камайтирилади. Бироқ бунда давлат улушини сотишда баҳолаш санасига келиб номинал қийматидан паст бўлмаслиги лозим. Давлат кўчмас мулк объектларини сотишда эса баҳолаш санасига келиб қолдиқ қийматидан паст бўлмаслиги керак. Бошланғич нархи 1 сўм бўлган давлат кўчмас мулк объектлари инвестиция киритиш ва ишчи ўрни яратиш шарти билан реализация қилинади.

Энг муҳими, онлайн аукцион савдоларини шаффоф тарзда ўтказилишини таъминлаш мақсадида мулклар ҳақидаги маълумотлар белгиланган муддат давомида савдо майдончасида туриши таъминланади. Исталган шахс мулк учун ариза бериши ва аукционда қатнашиши мумкин. Аукцион иштирокчилари аукцион жараёнида бир-бирларининг маълумотларидан беҳабар ҳолда махсус рақам остида савдода иштирок этадилар. Онлайн аукционлар ҳеч қандай субъектив аралашувларсиз ташкил этилади.

**Рустам ЮСУПОВ**  
ёзиб олди.



Президентимиз жорий йилнинг 28 октябрь куни давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш ҳамда давлат активларини хусусийлаштириш масалалари бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида аҳоли ва тадбиркорларга батафсил маълумот берадиган хусусийлаштириш маслаҳат клиникалари ҳамда coll-марказ ташкил этиш, методик қўлланма тайёрлаб, жойларга етказиш муҳимлигини айтган эди. Шунга мувофиқ, Қарши шаҳрида Корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникаси ташкил этилди.



## ХУСУСИЙЛАШТИРИШ КЛИНИКАСИ КОРХОНАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРАДИ



Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 12 ноябрь куни Қашқадарё вилоятига қилган ташрифи давомида мазкур клиникага ташриф буюриб, унинг фаолияти билан ҳам танишди.

### Хусусийлаштиришдан мақсад – тадбиркорларга йўл очиш

Хусусийлаштиришнинг асосий мақсади – ишлаб турган корхоналарни янада самарали ишлашига қаратилган. Ўйлаймизки, мазкур клиника вилоятдаги мавжуд давлат корхоналарини соғломлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини шаффоф амалга оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

— Агар давлатнинг бозордаги улуши қанча кўп бўлса, у шунча корхоналарга яқин кўмаклашувчига айланади, бироқ тадбиркорларга тўсиқ ҳам бўлади, — дейди **Ўзбекистон савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Мухтор Гулов**. — Мисол учун, юқори турувчи идора ва вазирликлар бирор хизматга эҳтиёж сезса, хусусий секторга эмас, балки, давлат унитар корхонасига мурожаат қилади. Натижада рақобат муҳити ва сифат йўқолади. Сифат йўқ бўлса, табиийки, таннарх ҳам ўсади. Шундай экан, давлат активларини хусусийлаштириш иқтисодиёт учун фақат манфаат келтиради. Эътиборлиси, шу пайтгача Қарши шаҳри ва умуман, вилоятимиз ҳудудидан кенг миқёсда бизнес-кўргазмаларни ташкил этиш мумкин бўлган махсус бино йўқ эди. Бундай тадбирлар гоҳ маданият муассасалари, гоҳ

спорт иншоотларида ўтказиларди. Президентимиз ташаббуси билан Корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникасининг ишга туширилиши шу билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш баробарида бошқа ҳудудлар ва хорижий мамлакатлардан ташриф буюрадиган ишбилармонларга Қашқадарёнинг иқтисодий ва экспорт салоҳиятини ҳам кўрсатиш имконини беради.

Мутасаддининг маълум қилишича, айна пайтда вилоятда фаолиятини тўхтатган ёки эпителиш арафасида турган, солиқдан муддати ўтган қарзи бор, маҳсулоти сотилмай, йиғилиб қолаётган мингга яқин корхоналар мавжуд. Клиникада мазкур корхоналар чуқур таҳлил қилиниб, уларни яна аввалгидек ишлашига кўмаклашилади.

### Хизматлар «ягона дарча» тамойили асосида ташкил қилинади

— Президентимизнинг «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида асосан, давлат акция пакетлари (улушлари) тўлиғича оммавий савдолар орқали хусусий секторга сотиладиган корхоналар рўйхатида Қашқадарё вилоятидан 52 та корхона киритилган, — дейди **Давлат активларини бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ўктам Нусуров**. — Уларни давлат активлари алоҳида ёндашув асосида ва умумбелгиланган тартибда тезкор

сотиладиган корхоналар тоифаларига ажратса бўлади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, алоҳида ёндашув асосида 16 та корхона хусусийлаштирилиб, қолган 36 та си умумбелгиланган тартибда тезкор сотилади. Хусусан, алоҳида ёндашув асосида 8 та газета бўйича савдога чиқариш шартлари юзасидан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан таклиф олинади. Бунда, давлат улушлари бошланғич нархи «1 сўм»га тенг қийматда қўйилгандан сўнг ҳам сотилмаганда, меҳнат жамоасига ўзаро келишув асосида сотиш таклиф этилади. Бундан ташқари, савдога чиқариш шартлари юзасидан 1 та компьютер хизматлари кўрсатиш маркази бўйича Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, 7 та тиббиёт муассасаси бўйича Эса Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таклиф олинади.

Ўктам Нусуровнинг таъкидлашича, мазкур клиникада хусусийлаштириш билан боғлиқ маълумотлар базаси шакллантирилиб, хусусийлаштириладиган корхоналар паспортлари жамланган. Тадбиркорлар ушбу маълумотларни тегишли мутахассислар ва инфокиоскалар орқали олишлари мумкин. Умуман олганда, клиникада корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш билан боғлиқ барча масалалар бўйича хизматлар «ягона дарча» тамойили асосида ташкил қилинади. Келгусида клиниканинг ҳудудий филиалларини ҳам очиш мўлжалланган.

### Муаммолар тезда барҳам топади

Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги кўплаб қийинчиликлар, инвестор тополмаслик, банкдан кредит ололмаслик сингари турли муаммолар охир-оқибат тадбиркорнинг ҳафсаласини пир қилади. Юртимизда муаммога дуч келган ишбилармонлар ўз дардини

айтадиган кўплаб ташкилотлар фаолият юритади. Бироқ ушбу ташкилотларда ҳар доим ҳам ишбилармоннинг муаммоси тезкор ечим топмасди, тадбиркор эса мурожаати ортидан сарсон юрарди. Бу клиника эса...

— Ҳозир талабаман, Наманган педагогика институтида туризм йўналиши бўйича таҳсил оламан, — дейди **Қарши туманида яшовчи Малика Алимардонова**. — Туризм соҳасига жуда қизиқаман. Аввал ўз фаолиятимни нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этишдан бошладим ва 4 та боғча очдим. Боғчаларимнинг бири Парғуза қишлоғида жойлашган. Бу қишлоқда болалар боғчасига талаб юқорилиги сабабли боғчаларим сонини яна биттага кўпайтириш мақсадида шу ҳудудда жойлашган кам қувватда фойдаланилаётган маъмурий бинони хусусийлаштириб олиш мақсадида у ташкилотдан бу ташкилотга сарсон бўлиб юргандим. Яқинда Корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникасига мурожаат қилдим. Мутахассислар объект «1 сўм» қийматида сотилиши ҳақида маълумот бериб, барча ҳужжатларни тайёрлаш ва кредит олишда амалий ёрдам беришларини айтишди. Тўғриси, вилоятимизда бундай замонавий бионинг ишга туширилганини кўриб, жуда хурсанд бўлдим.

Клиника биносида Қашқадарё вилоятидаги йирик корхоналар ва тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг доимий кўргазмаси ҳам ташкил этилган. Мажлис залли, музокара хоналари, экспортчилар уюшмаси ва ўқув марказлари жойлаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, клиникада малакали мутахассислар томонидан хусусийлаштиришга қўйилган объектлар, уларнинг манзили, ҳолати, соҳадаги тартибқоидалар ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин. Асосийси, бу ерда ҳамма хизматлар бепул.

**Шоҳиста БОЗОРОВА**  
«Mahalla»



Янгиҳаёт туманига ҳоким, прокурор ва ИИБ бошлиғи тасдиқланди.

# МАНСАБ — ДАБДАБА

Шу кунларда айрим мансабдорларни дабдаба ва ҳашамга муккасидан кетишда айблаётганлар кўпайди. Бу ўринда ҳокимларнинг қимматбаҳо автомобилларга «ишқибозлиги» борасидаги фактларга тўхталмай илож йўқ. Мазкур «тантқиқона ишқибозлик» давлат бюджети маблағлари — сизу бизнинг пулимиз ҳисобига қондириляётгани, айниқса, ачинарлидир.

## ва ҳашампарастлик дегани эмас



жорий этилиши шарт.

— Бундай ҳолларда давлат хизматчиларига «Ҳалоллик вакцинаси»ни норматив ҳужжатлар қабул қилиб, тегишли чекловларни қўллаш орқали сингдиришдан бошқа чора қолмаяпти, — дейди



Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурҳонов.

— Ҳозирда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида

хизмат автотранспортларидан фойдаланиш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унда айнан мана шу каби ҳолатларнинг олдини олиш режалаштирилган. Лойиҳага кўра, Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбар ходимларига хизмат автотранспортларини класс турига қараб бириктириш нормативлари (энг юқори нархлари) белгиланади.

Жумладан, туман, шаҳар ҳокимларига бириктириладиган хизмат автотранспорти нархи БҲМнинг 1200 бараваридан (267 миллион 600 минг сўм) ошмаслиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўлинмалари раҳбарлари хизмат автомашинаси нархи эса БҲМнинг 700 бараваридан (156 миллион 100 минг сўм) ошмаслиги керак бўлади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида хизмат автотранспортларини янгисига алмаштириш ундан камида 5 йил фойдаланилгандан сўнг амалга оширилади. Бунда автотранспортнинг техник ҳолати, ундан фойдаланиш хавфсизлиги, шунингдек, янгисига алмаштиришнинг иқтисодий мақсади инобатга олинishi лозим бўлади.

Бизнингча эса, нима бўлганида ҳам, давлат хизматчиси, мансабдор шахс вазият ва шароитга тўғри баҳо бера олиши лозим. Шундагина юқоридаги каби дабдабапарастликлар билан аҳолининг гашига тегиш ҳолатлари камаяди.

Улуғбек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»

Натижада болалар боғчаси, мактаблар, тиббиёт ва бошқа ижтимоий инфратузилма муассасалари, кам таъминланган оилаларнинг аҳволини яхшилашга сарфланиши лозим бўлган миллиардлаб сўм ҳокимбуваларнинг дабдала йўлларда дабдаба билан сайр қилишларини таъминлайдиган машиналар учун сарфланмоқда.

Масалан, сентябрь ойида Паркент тумани ҳокими ўз ўғлига тегишли бўлган «Captive»ни 260 миллион сўмга ҳокимият балансида сотиб олгани тўғрисидаги хабар шов-шув бўлганди. Жамоатчилик бу ҳаракат замирида коррупцион унсурлар ҳам мавжудлигини таъкидлади. Алал-оқибат, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳолат юзасидан текширув бошлаб, «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун талаби бузилгани, олди-сотдида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилгани аниқланди. 260 миллион сўм ҳокимлик ҳисоб-рақамига қайтарилди. Аммо бу жараёндан ўзига хулоса чиқарганлар кам бўлган чоғи.

### «Сал камтарроқ бўлинг, жаноблар!»

Мисол учун, Зарбдор тумани ҳокими Зафар Рўзиев «Captive» хизмат машинаси бўла туриб, 370 миллион сўмга «Trailblazer», шунингдек, пандемия даврида Учқўрғон, Поп, Қўшработ ва Нарпай туманлари ҳокимликлари ҳам «Trailblazer» сотиб олишди. Денов тумани ҳокимлиги эса айни карантин кучайтирилган пайтда — 2020 йилнинг июлида 398 миллион сўмга «Trailblazer LTZ-AT» харид қилди. Наманган вилояти ҳокимлиги ҳам қатордан қолишни истаётгани йўқ. Июлда бюджет маблағлари ҳисобидан 1 миллиард 579 миллион сўмга «Toyota LC200» автомобили ҳамда сентябрь ойида қарийб 400 миллион сўмга «Trailblazer LTZ-AT» машинаси харид қилинган.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси 883 миллион сўмга «Toyota Prado», Мирзачўл тумани ҳокимли-

ги 370 миллион сўмга «Trailblazer», Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳоким ўринбосарига 349 миллион сўмга «Equinox», ҳокимнинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчисига, ёрдамчиси ҳамда ишлар бошқармаси бошлиғига 621 миллион сўмга 3 та «Tracker» хизмат машиналари сотиб олган.

Давлат харидлари порталида кўрсатилган шу ва шу каби бошқа маълумотларни ўқиб, бизда ҳеч қандай пандемия йўқ, шекилли, деб ўйлайсан киши. Қизиғи, давлат бюджетининг бу каби хўжасизларча сарфланиши борасида сўровларга ҳеч ким асосли жавоб беришни истамаяпти.

— Ажратилган маблағнинг озроқ қисмига қўшган ҳолда, янги хизмат машинаси олинди, — дейди Зарбдор туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Алишер Эржигитов. — Ҳоким миниб юрган «Captive» таъмирдан чиқарилиб, биринчи ўринбосарга берилди. Биринчи ўринбосар хизматида бўлган «Lacetti» автомашинаси эса таъмирланиб, яна бир ҳоким ўринбосарига топширилди.

### Иқтисод қилиш шунақа бўладими?

Жорий йил бутун дунё учун оғир келди. Пандемия шароитида иқтисодий ўсиш пасайгани боис деярли барча давлатлар йил бошида тасдиқлаган бюджетларини қайта кўриб чиқишди. Режалаштирилган кўплаб лойиҳалар ортга сурилди. Жумладан, мамлакатимизда ҳам икки марта — апрель, сентябрь ойларида давлат бюджети сарф-харажатларини оптималлаштириш тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилиниб, бюджет тизими ходимларига берилиши лозим бўлган мукофотлар аввал 1 октябргача, сўнгра эса 2021 йил 1 январгача берилмайдиган бўл-

ди. Бошқа кўглаб хайрли тадбирлар ҳам 2021 йилга қолдирилди. Барча имкониятлар пандемия оқибатларини бартараф қилишга йўналтирилди. Юқоридаги каби шароитда айрим раҳбарларнинг дабдабага берилиши эса аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлади, ҳолос.

—1997-98 йилларда Фарғона вилояти Қўштепа тумани ҳокимининг курилиш, коммуникация, транспорт, маиший хизмат ва савдо масалалари бўйича ўринбосари лавозимида ишладим, — дейди меҳнат фахрийси Тўлқинжон Қурбонوف. — Эски «ГАЗ 2410» хизмат машинасида юрар эдим. Таъмирлаш, ёқилги қуйиш ҳам ўз зиммамга юклатилганди. 6 нафар ҳоким ўринбосари бўлар эди. Кейинроқ бюджет маблағларини тежаш мақсадида 3 нафар ўринбосар қисқартирилди. Хизмат машинаси фақат ҳокимда, қишлоқ хўжалиги бўйича биринчи ўринбосар ва менда қолди. Бюджет ҳисобидан ажратиладиган ёқилги камлиги боис, асосан, ўзимиз бензин қуяр эдик. 2005 йилда менинг ихтиёримга эски «Тико» автомашинаси берилди, ҳайдовчисиз. Яна ёқилги ажратилмади. Бошқа ўринбосарлар ҳам шу аҳволда эди. Аммо вазифамизни виждонан бажарганимиз. Бугунги воқеаларни эшитиб эса биргина гап айтаман: «сал камтарроқ бўлинг, жаноблар». Ахир, бекорга айтилмайди: «камтарга камол». Акс ҳолда аҳоли сизни «ўзимизники» деб қабул қилмайди.

### Бюджет маблағини хўжасизларча сарфлашни таъқиқлаш керак

Албатта, назорат бўлмаса, қатъий қоидалар жорий этилмаса, «ғазна»ни ўз ҳаловати учун совуришни истайдиганлар ҳамиша топилаверади. Шундай экан, мазкур ҳолатларни чеклайдиган қоидалар



«Ўзсаноатқурилишбанк» коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берадиган махсус алоқа каналларини очди.

**К**оррупция иқтисодиёт ривожини, чинакам қулай тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини учун энг асосий тўсиқлардан биридир. Таҳлилларга кўра, бу иллат жаҳон иқтисодиётига ҳар йили ўртача 2,6 триллион доллар зарар келтиради. Мамлакатимиз ҳам муаммодан халос бўлмаган. Дунёдаги коррупция даражасини ўрганувчи «Transparency International» халқаро ташкилоти индексида Ўзбекистон охириги уч йилда 12 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали бу иллат барҳам топмаган. Хўш, Ўзбекистонда коррупция динамикаси қандай? У қайси соҳаларда кўп учрайди? Бартараф этиш мумкинми?



# ҚАЙСИ СОҲАЛАРДА КОРРУПЦИЯ ХАВФИ МАВЖУД?



## Ўзбекистонда коррупция динамикаси қандай?

Ўзбекистон коррупцияга қарши курашда узоқ муддатли ижобий динамикани намойиш этувчи 16 та давлат қаторига киради. «Transparency International» индекси бўйича 2010 йилдан бери Ўзбекистон ҳар йили ўз мавқеини яхшилаб келмоқда. Хусусан, мамлакатимиз 2019 йилда 180 та давлат ичида 153-ўринни эгаллади.

Мазкур ташкилотнинг халқаро коррупцияга қарши барометри маълумотларига кўра, Ўзбекистондаги респондентларнинг атиги 18 фоизи пора бергани ҳақида хабар берган ва уларнинг атиги 23 фоизи коррупцияни мамлакатдаги учта энг жиддий муаммолардан бири сифатида қайд этган. Аҳоли сўровларига кўра, энг коррупциялашган соҳа вакиллари — **йўл-патруль ходимлари** (респондентларнинг 17 фоизи уларга пора берганини тан олган), **таълим ва тиббиёт ходимлари** (респондентларнинг 16 фоизи бунини тан олган) дир.

Жаҳон банки корхоналар ўртасида ўтказган сўровида эса фирмаларга олтига турли битимлар, жумладан, солиқларни тўлаш, рухсатномалар ёки лицензиялар олиш ва давлат хизматларига уланиш бўйича пора бериш таклиф қилинган вазиятни баҳолашга уринади. Ушбу тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистонда сўровда қатнашган барча фирмаларнинг атиги 6 фоизи ўз амалиётида пора талаб қилинишига дуч келганини

таъкидлаган, дунёда бу кўрсаткич 17 фоизни, Европа ва Марказий Осиё минтақасида эса 11 фоизни ташкил этади.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларига кўра, «Ижтимоий фикр» маркази баъзи жойларда коррупция

ва порахўрлик юқори даражада эканини аниқлаган. Юртдошларимизнинг фикрича, соғлиқни сақлаш, таълим, банк, божхона, суд, прокуратура, ички ишлар, коммунал хизмат соҳаларида, шунингдек, фуқароларни ишга қабул қилишда коррупция кенг тарқалган. Мисол учун, таҳлилларга кўра, соғлиқни сақлаш тизимидаги харажатларнинг 25-30 фоизи самарасиз сарфланмоқда.

## Коррупция кириб бормаган соҳа борми?

Бошқа ривожланаётган мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам давлат ҳар доим аҳолига зарурий хизматларни, шу жумладан, тиббий ва таълим хизматларини етарли даражада сифатли тақдим эта олмайди. Шу муносабат билан шифохоналарда, энг яхши мактабларда, институтларда ва ҳоказоларда чекланган жойлар учун одамлар ўртасида рақобат мавжуд бўлиб, бу муассаларда коррупция пайдо бўлади.

**Давлат хизматларини тақдим этишнинг** кўплаб соҳаларида уларнинг аҳоли мавжуд эҳтиёжларига мос келмаслиги кузатишмоқда. Хусусан, бу сув, газ, иситиш, суғориш тизимлари, асфальт йўллар, кўприклар, парклар ва ўйин майдончалари қурилишига тегишли. Бундай хизматларнинг чеклангани боис биринчи бўлиб пора берганларга хизмат кўрсатиш ҳолатлари кузатилади.

Хўжалик фаолияти тизимини **лицензиялаш ва тартибга со-**

**лиш** корхона мансабдор шахсларининг «имтиёзли режим»дан ўз мақсадларида фойдаланиш имкониятини яратади. Натижада «фойда»ни давлат амалдорлари билан бўлиши мумкин, улар эса, ўз навбатида, лицензия бериш ёки савдо-сотиқни ҳимоя қилишни ўз зиммасига олади. Бугунги кунда фаолиятнинг 140 тури турли давлат органлари томонидан тақдим этиладиган рухсат берувчи ҳужжатлар билан тартибга солинади. Шу билан бирга, Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталида мурожаат этувчилар атиги 23 та лицензия ва рухсатнома олиш учун мурожаат қилишлари мумкин. Қолган ҳолларда улар тегишли давлат ташкилотларига мурожаат қилишлари керак, бу кўшимча харажатлар, маблағлар ва вақтни талаб қилади.

Бугунги кунда давлат улуши бўлган корхоналарнинг умумий сони уч мингга яқини ташкил этади, шундан икки мингтасида давлат 50 фоиздан ортиқ улушга эга. Қоида тариқасида, давлат корхоналарида, хусусий секторда бўлгани каби, ходимларнинг корхона ресурсларидан фойдаланиши устидан **қаттиқ назорат мавжуд эмас**, бу эса коррупция ва ўғрилиқ учун асос яратади. Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар сонининг статистикаси шуни кўрсатадики, барча даъволарнинг 71 фоизи давлат муассасалари ва корхоналар ходимларига қарши кўзғатилган.

## Коррупцияга қарши қандай курашиш керак?

Бир қатор йўналишларда коррупцияга барҳам беришда комплекс ёндашув зарур. Жумладан, ташкилотлар **малакали ишчиларни танлаш лозим**. Билим даражаси ва коррупция ўртасида яқин боғлиқлик мавжуд. Малакалироқ ишчиларнинг пора олиш эҳтимоли камроқ. Бундай шароитда ходимларни ўз билимлари асосида ёллашга ёндашув коррупцияга қарши курашда самарали восита бўлиши мумкин. Шунинг учун дав-

лат хизматига киришга даъвогарларга нисбатан ягона талабларни ишлаб чиқиш ва очиқ танлов имтиҳонлари тизимини жорий этиш зарур.

Нафақат иқтисодий назария, балки амалиёт ҳам шуни кўрсатадики, **иш ҳақи даражаси** коррупциянинг олдини олувчи асосий омил ҳисобланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, давлат хизматчиларига хусусий сектор билан рақобатдош иш ҳақи таклиф қилиниши керак. Шунингдек, давлат хизматчиларининг иш фаолиятини баҳолаш тизими ва юқори лавозимдаги ишчиларга уларнинг фаолияти самарадорлигига қараб маош тўлаш тизимини жорий этиш зарур.

Коррупция схемаларида иштираётган этиш харажатларининг камлиги сабабли **коррупция фаоллиги ўсмоқда. Коррупция учун жавобгарликни кучайтиришга** қаратилган чора-тадбирлар коррупцияни енгишда алоҳида роль ўйнаши мумкин, чунки кўп ҳолларда ходим учун коррупция харажатлари унинг асоратларидан каттароқдир. Шунингдек, **«Электрон ҳукумат»**нинг тўлақонли ишлаши давлат харидларининг аксарият қисми ҳамда аҳоли, бизнес ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг бутун тизимини шаффоф қилиш имконини беради. Масалан, аксарият давлатларда кўплаб зарур хизматларни, масалан, паспорт ва туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани уйда зарур шаклларини тўлдириб, тегишли органларга электрон почта орқали юбориш билан олишингиз мумкин.

\* \* \*

Мухтасар айтганда, коррупция — тараққиёт кушандаси, хавфсизликка таҳдид туғдирувчи хавфли жиноят. Бу иллатга қарши курашиш тегишли органларнинггина эмас, барчанинг иши бўлиши зарур. Шундагина биз ушбу хавфни бартараф этган бўламиз.

**Бахтишод ҲАМИДОВ,**  
Иқтисодий тадқиқотлар ва  
ислохотлар маркази бош илмий  
ҳодими.



**Алишер Мақсудов Экология қўмитаси раиси  
этиб тайинланди.**

**Б**оланинг дунёга келиши ота-она ҳаётида унитилмас, қувончли ва бахтли кун ҳисобланади. Улар зиммасида чақалоқни парваришладан олдин, янги меҳмонга мос исм танлаш баробарида туғилганлик ҳақида гувоҳнома олиш вазифаси ҳам туради. Кўпчилик бу жараёнда ортиқча оврагарчилик етмагандек, талаб қилинадиган ҳужжатлар учун ҳам вақт йўқотади. «Ишим осон битсин», дея кимларнингдир чўнтагига бир-икки сўм солиб ҳам қўйишади.



# ЭНДИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚ ҲУЖЖАТЛАРИ ОТА-ОНА ИШТИРОКИСИЗ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган **Туғилганликни қайд этиш билан боғлиқ комплекс давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентига** кўра, эндиликда туғилган чақалоқ ҳужжатлари ота-она иштирокисиз расмийлаштириладиган бўлди. Ҳўш, маъмурий регламентнинг афзалликлари ҳамда қулайликлари нимада? Шу хусусида **Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги** мутасаддилари билан суҳбатлашдик.

— Илгариги тартибга кўра, ариза берувчилар ҳар бир ваколатли органга алоҳида бориб, хизматдан фойдаланиш бўйича ариза бериши ҳамда бир қанча ҳужжатларни илова қилиши талаб этилган, — дейди **Давлат хизматлари агентлиги Иқтисодиёт ва молия соҳасида давлат хизматларини жорий этиш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи Камалиддин Хўжаев**. — *Натijasини олиш учун эса ваколатли органларга қайта-қайта мурожаат қилишга тўғри келган. Жорий этилган тартибга кўра, эндиликда давлат хизматлари туғилганликни қайд этиш жараёнида тўлдирилган сўровнома билан амалга оширилади ва*

*бир вақтнинг ўзиде идораларо ахборот алмашинуви йўли билан ваколатли органларнинг ахборот тизимига юборилади. Яъни бола туғилган жойдаги тиббиёт муассасаси ходими бола туғилганидан сўнг 1 кун ичида бола ва ота-онаси ҳақидаги маълумотларни «Туғилиш ва ўлимни, шу жумладан, перинатал ўлимни электрон рўйхатга олиш» ахборот алмашинуви тизимига киритади. Маълумотлар автоматик равишда «ФХДЁ ягона электрон архиви» ахборот тизимига юборилади. ФХДЁ бўлими маълумотларни қабул қилиб олганидан сўнг 3 иш соати ичида кўриб чиқади ва болага туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани расмийлаштиради.*

## Йиғим ва божни ота-она тўламайди

Ахборот тизимлари ёрдамида автоматик равишда давлат хизматлари кўрсатилаётганлигининг натижаси ҳақидаги маълумотларни SMS хабар шаклида билиб олиш мумкин. Асосийси, мазкур хизматдан фойдаланиш учун ҳеч қандай қўшимча ҳужжатлар талаб этилмайди. Тизимнинг яна бир ўзига хослиги, маълумотларнинг комплекс тартибда бошқа хизматларни кўрсатиш учун автоматик равишда Ички ишлар, Мактабгача таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ахборот тизимларига ҳам юборилишидир. Ҳўш, мазкур жараёнда фуқаролар томонидан тўлаш талаб этилган бож ва йиғимлар қандай тўланади?

— Болани доимий рўйхатга қўйиш бўйича давлат хизматини кўрсатганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи миқдоридаги давлат божи тўланиши зарур, — дейди **К.Хўжаев**. — *Шунингдек, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани*

*расмийлаштирганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдоридаги герб йиғими мавжуд. Бироқ мазкур йиғим ва тўлов ота-она томонидан тўланмайди. Бу давлат томонидан бериладиган бир марталик нафақа пулидан автоматик тарзда чегириб қолинади. Яъни ариза берувчилар тўловларни амалга ошириш учун овора бўлиб юрмайди.*

Пенсия жамғармаси бўлими фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақа пулини автоматик равишда расмийлаштиради. Шундан сўнг боланинг отаси ёки онаси 6 ой муддат ичида Халқ банкининг исталган филиалига мурожаат қилиши ва пулни олиши мумкин. Бироқ белгиланган муддат ўтгандан кейин мурожаат қилинса, бир марталик нафақани тўлаш рад этилади.

## Моддий-техник база етарли...(ми?)

Маъмурий регламентнинг йўлга қўйилиши ортиқча оврагарчиликларнинг олдини олиш баробарида, кўплаб қулайликлар яратиши кишини қувонтиради. Аммо нега олдинроқ бундай тизим жорий этилмаган?

— *Илгари вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларини яратиш, уларни ривожлантиришга, вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилган ҳолда электрон ахборот алмашинуви йўлга қўйишга етарли даражада эътибор қаратилмаган, — дейди мутасадди.* — *Шу сабабли, бу каби давлат хизматларини жорий этиш имкони бўлмаган. Ахборот тизимларининг ривожланиши босқичма-босқич «ягона дарча» тамойили асосида давлат хизматларини жорий этиш билан бир вақтда, эндиликда давлат хизматларини «ягона ариза» тамойили асосида йўлга қўйиш имконини бермоқда.*

Шу ўринда «Тизимни йўлга қўйиш учун ҳудудларда моддий-техник база етарлими?» деган ҳақли савол юзага келади. Давлат хизматини кўрсатишда иштирок этувчи

барча ваколатли органларнинг ахборот тизимлари мавжуд бўлиб, мазкур ахборот тизимларининг ўзаро интеграцияси марказлаштирилган тартибда йўлга қўйилган. Бироқ, тиббиёт муассасаларининг инфраструктураси етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли, туғилиш ҳолатларини ўз вақтида «Туғилиш ва ўлимни, шу жумладан, перинатал ўлимни электрон рўйхатга олиш» ахборот тизимига киритиб борилишида муаммолар юзага келиши мумкин.

## Қоғозбозликка чек қўйилади

Мутасаддининг таъкидлашича, мазкур ҳолат юзасидан Давлат хизматлари агентлиги томонидан мониторинглар ўтказилганда, тиббиёт муассасалари томонидан туғилиш ва ўлим ҳолатларини ахборот тизимига киритмаслик ёки кечиктириб киритиш ҳолатлари мавжудлиги кузатилган. Бироқ маъмурий регламентда маълумотларни ахборот тизимига электрон кўринишда киритгач, QR-код (матрикс штрихли код) қўйилган бланкада маълумотнома шакллантириш талаби қўйилган. Бу эса тиббиёт муассасаларининг инфраструктурасини ривожлантиришга эътибор қаратилишига асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бугун мазкур йўналишда мавжуд қоғозбозлик ва коррупцион ҳолатларга барҳам бериш ва фуқароларга енгиллик яратиш, оврагарчиликларни камайтиришга «Туғилиш ва ўлимни, шу жумладан, перинатал ўлимни электрон рўйхатга олиш» ахборот тизими ечим бўла олади. Чунки ахборот тизими орқали маълумотларни электрон кўринишда алмашиш, давлат хизматларини ариза берувчиларнинг иштирокисиз кўрсатиш имконияти яратилади. Бу электрон давлат хизматларини кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади ва бюрократияга чек қўяди.

Ноилахон АҲАДОВА  
«Mahalla»

## Мавзуга оид маълумот:

Туғилганликни қайд этиш билан боғлиқ комплекс давлат хизматлари ҳозирда Тошкент ва Нукус шаҳарларида, 2021 йил 1 февралдан барча вилоят марказларида, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб бутун республика ҳудудида кўрсатилади.

Фарғонада «102» автоматлаштирилган ахборот маркази иш бошлади.

# РАСМИЙЛАШТИРИЛМАЙ қолган фуқаролик ҳолати учун ким жавобгар?

11 ёшли Сардор Навоий шахридаги дала ҳовлилардан бирида истиқомат қилади. Унинг тўққиз ёшли синглиси ва укаси ҳам бор. Улар бирор марта туғилган кунини нишонлашмаган. Хаттоки, қайси ой, қайси санада дунёга келганини ҳам билишмайди. Таажжуб! Телевизорда тенгқурларининг шар шишириб, шам пуфлаб, торт кесиб, туғилган кунини нишонлашни кўрсаса, ака-сингил ва укаларнинг мурғак кўнгиллари ўқсийди. Гап нимада ўзи?

Маълум бўлишича, уларнинг ота-онаси қонуний никоҳини расмийлаштирмасдан, шаръий никоҳ асосида яшаб келишмоқда. Чунки болаларнинг онаси — Роҳиланинг ҳам шахсини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжати йўқ. Хуллас, дала ҳовлида яшаётгани туфайли ҳеч қаерда рўйхатга олинмаган оила аъзоларининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари борасидаги муаммолари бир талай...

Навоий шаҳар маҳалла ва оила ни қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги шаҳар бўлими ҳамкорлигида фуқаролик ҳолати ўз вақтида расмийлаштирилмаган ана шундай шахслар аниқланди. Ҳарқалай, энди уларга тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш мумкин бўлади.

— Бундай муаммолар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида учрайди, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи Дилноза Абдуҳамидова. — Навоий шахрида ҳозиргача 11 нафар бола туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасиз улғаяётгани маълум бўлди. Давлат хизматлари маркази ҳамда ФХДЁ бўлими билан ҳамкорликда уларга гувоҳнома расмийлаштирилди. Ачинарлиси, болаларнинг кўпчилиги расмий никоҳсиз оилаларда дунёга келган. Баъзи оилаларнинг никоҳ тузилганлик ҳақидаги гувоҳномаси бўлмасда, фарзандларига ота-оналикни белгилаш тартиби асосида туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома олишган. Аслида бу миллат шаънига яхши эмас. Шаръий никоҳ асосида яшаб, расмий никоҳдан ўтмайдиган, ўз зурриёдига оталикни белгилаш орқали эгалик қилиш ориятли эркакка ярашмайди. Шундай оталарга «Бу гўдак сеники, унга ортиқча югур-югурларсиз, туғилганиданоқ қонуний оталик қил!», дегимиз келади.



**Бола ҳуқуқларини поймол этманг!**

Боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномага эга эмаслиги унинг шу давлат фуқароси сифатида мавжудлигини исботловчи далил йўқ, деганидир. Бу типдаги фарзандлар мамлакатимиз фуқаролари, хусусан, болалар учун яратилган ҳуқуқларнинг ҳеч биридан фойдалана олмайди.

— *Ҳужжатсиз яшаётган бола ёки ўсмирда айб йўқ, — дейди Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Бекзод Сафаров. — Ота-онанинг хатоси, ҳуқуқий жиҳатдан саводсизлиги туфайли у боғчада тарбияланмайди, мактабда ўқиш ҳуқуқи чекланган. Тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам кафолатланмайди. Бу эса ота-онанинг ўз фарзанди ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилиши дегани эмасми? Афсуски, бола тугул, айрим ота-оналарнинг ўзларида ҳам шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар расмийлаштирилмаган. Бундай ҳолат энг кўп Хатирчи туманида аниқланган бўлиб, 61 нафарни ташкил этади. Кармана туманида 28 нафар, Навбахорда эса 18 нафар шахс ҳужжатсиз яшаётганига қандай баҳо бериш мумкин? Наҳотки, маҳаллий ҳокимликлар томонидан аҳоли сони бўйича статистик текширув ўтказилмаган?*

Ҳаққоний гап. Айримлар никоҳ фақат болани туғруқхонадан чиқариш, мактабга жойлаштириш ёки мулкий муносабатларда тузилади, деб ўйлашади. Бу уларнинг муқаддас ришта — никоҳнинг аҳамиятини чуқур англаб етмаётганидан далолат беради. Навоий вилояти туманларидаги мавжуд ҳолат оилавий ҳаётда, эр-хотин манфаатлари, фарзанд ҳақ-ҳуқуқлари муҳофазасида жиддий муаммолар тўпланиб қолганини кўрсатмоқда.

## **Оила қуриш қонунни четлаб ўтишдан бошланмайди**

Тахлилларга кўра, айрим эр-каklar яшаб келаётган жуфту


ҳалоли билан қонуний ажрашмай туриб, бошқасига шаръий никоҳ орқали уйланишади. Вақт ўтиб, янги оилада кичкина меҳмон дунёга келади. Аммо унга туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириш иккинчи бор уylanган эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам ҳаёлига келмайди. Қонуний жиҳатдан таҳлил қилинганда, бола шахсини расмийлаштиришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан анча-мунча эътирозлар пайдо бўлгани учун ҳам шаръий никоҳдагилар бу ишни охиригача етказмайдилар.

— Бу муаммо бўлмаслиги учун маҳалла фаоллари хушёр бўлиши лозим, — дея сўзида давом этади Б.Сафаров. — Агар улар ўз маҳалласидаги оилалар турмуш тарзидан бохабар бўлса, қонунга зид ҳолатларни ўз вақтида аниқлаб, олдини олишга ҳаракат қилишса, муаммоларга чек қўйилади. Шу маънода маҳалла фаоллари ҳар бир хонадондаги муҳитни билиши, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини оширишга ҳаракат қилиши лозим.

— Маҳалла тизимида 5 йилдан бери ишляпман, — дейди Кармана туманидаги «Кўҳна кўрғон» маҳалласи раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари Раъно Хидирова. — Фаолиятимни бошлашим билан фуқаролик ҳолатлари расмийлаштирувига эътибор қаратганман. Зеро, никоҳ, оила, фарзанд масалаларига ҳар кимнинг ёндашуви ҳар хил. Агар маҳалла фаоллари ҳар бир оиланинг яшаш тарзи, аъзолари сони, касб-кори, бандлиги, қаерда рўйхатга олингани билан доимий равишда қизиқиб турса, бундай ҳолатлар асло учрамас эди.

## **Автобусда расмийлаштирилган никоҳ**

Айни пайтда Давлат хизматлари марказлари томонидан сайёр қабуллар ташкил этилиб, фуқаро-



## **ДАРВОҚЕ...**

Жорий йил бошидан буён Навоий вилоятида 125 нафар болага туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олиш муддати ўтказиб юборилгани аниқланиб, бу ҳолат қонуний жиҳатдан бартараф этилди.

лик ҳолати ўз вақтида расмийлаштирилмаган одамларга ўз жойида ёрдам берилмоқда. Жумладан, Конимех туманининг Боймурод овулида яшовчи 64 ёшли отахон шу маконда туғилиб-ўсган бўлсада, тақдир тақозосига кўра, Қозғистонга кўчиб кетганди. Йиллар ўтиб, у киндик қони томган масканга қайтди. Не кўргуликки, йўлда ҳужжатларини йўқотиб қўйди. На туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, на паспорти бор отахон пенсияга ҳам чиқолмади. Сайёр қабул жараёнида унинг муаммоси ҳал этилди.

— Бир ойдан кейин кўзи ёрийдиган келинчақ ва турмуш ўртоғининг никоҳини автобусда расмийлаштирдик, — дейди Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси масъул ходими Нодира Самандарова. — Улар карантин туфайли никоҳ расмийлаштириш учун туман марказига боришнинг имконини топишолмаган. Моддий шароити ҳам оғирроқ экан. Қонуний никоҳдан ўтган ёшларнинг туғилажак фарзандига «метрика» олиш ҳам муаммо бўлмайди энди. Оғриқли жиҳати, баъзан чўл ҳудудлари аҳолиси никоҳ, гувоҳнома олиш масалаларига мутлақо эътибор бермайди. Фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда одамлар дунёқарашини ўзгартиришимиз, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашда муҳим эканлигини тушунтиришимиз керак.

Оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солмай туриб, фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиб бўлмайди. Ҳар бир оилада ҳуқуқий саводхонликнинг ўз вақтида шаклланиши, ота-оналик масъулиятини ҳис қилиш энг долзарб муаммолардан бири — ажралишлар камайишига шарт-шароит яратади. Шундай экан, фуқаролик ҳолатини ўз вақтида расмийлаштириш, аввало, ҳар бир фуқаронинг ўзи учун, унинг бахти, келажаги учун муҳимлигини унутмаслик зарур.

**Холбиби САФАРОВА**  
«Mahalla»

**К**огон шаҳридаги «CHORI ISLOM QURILISH» масъуляти чекланган жамияти раҳбари Илҳом Чориев имтиёзли кредит олиш мақсадида «Халқ банки» Когон филиалига бир неча бор мурожаат қилди. Аммо банкда етарли ресурс йўқлиги айтилиб, мунтазам равишда тадбиркорнинг аризаси рад қилинаверди.



## ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ ФАҚАТ ЮҚОРИ ОРГАНЛАРГА

### МУРОЖААТ ҚИЛГАНДА ТИКЛАНДИМИ?

Яқинда эса «Халқ банки» вилоят филиали томонидан тадбиркорга 30 миллион сўм кредит ажратилган бўлди. Қизиқ-а? Банк вилоят филиали туман банки имкониятлари етишмаслигини инобатга олиб, тадбиркорга ёрдам қўлини чўздими? Ёки мижоз қўлдан кетмаслиги учун масалани ўз ресурсидан маблағ ажратган ҳолда ҳал қилдимми?

Гап шундаки, тадбиркор банкда бир неча бор сансалорликка учрагандан сўнг Бухоро вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосарига мурожаат қилган. Бевосита ҳокимлик аралашувидан сўнг масала ижобий томонга ҳал этилган.

Шу ўринда «қора кўзойнак» орқали вазиятга қарайдиганлар ҳокимият нега банк ишига аралашди, дейиши мумкин (аслида муаммо ҳал бўлмаганда ҳам «тадбиркор банк эшигида сарсон, ҳокимият нега жим», дея бонг урилари). Йўқ. Бу ерда гап банк ишига аралашув ҳақида кетмаяпти. Агар мавжуд ресурси бўлмаса, минг тазйиқ этилганда ҳам банк бировга бир сўм бера олмайди. Шунчаки, мурожаат асносида вилоят ҳокими ўринбосари олдида иккала томон учрашиб, бир битимга келишди.

Аслида масала ҳокимлик аралашувисиз, туман филиалининг ўз ресурси бўлмаганда банк мижозини сақлаб қолиш мақсадида вилоят филиалига мурожаат қилиши орқали ечим топиши мумкин эди. Ахир, ҳар бир мижозга ажратилган кредит тижорат нуқтаи назаридан банк даромад воситаси-ку. Афсуски, баъзи пайтда шахсий манфаат ёки «менга нима» қабилидаги бефарқ муносабат корхона (банк) манфаатларидан устун келмоқда.

— **Пойабзал ишлаб чиқарамиз, — дейди жондорлик тадбиркор Истам Саидов.** — Ўзимга тегишли «Жондор поймабзал сервис» МЧЖ фаолиятини кенгайтириш ва кўшимча ишчи ўринларини яратиш мақсадида тижорат банкдан олган кредитим муддатини

узайтириш ва кўшимча яна 100 миллион сўм сармоя олишимда вилоят ҳокимлигидан амалий ёрдам сўрадим.

Бу мурожаат ҳам қонунчиликка мувофиқ ўрганилиб, аввал олинган кредит муддати узайтирилди ва тадбиркорга 100 миллион сўм эмас, балки 30 миллион сўм кредит ажратиш мумкинлиги тушунтирилди. Асосан, кредит таъминоти билан боғлиқ яна ўндан ортиқ мурожаат тижорат банклари мутасаддилари томонидан шу ерда ўрганилиб, аксарияти ижобий ечимини топди.

**Қоровулбозор туманидаги «Мирғолиб» оилавий корхонаси раҳбари Миролим Мақсудов** газоблок, шлакоблок ва пена-блок ишлаб чиқарадиган кичик цех ташкил этган. У фаолиятини кенгайтириш мақсадида бўш ётган бино-иншоотлардан бирини сўраб қилган мурожаати ҳам назоратга олинди.

— **Кундалик ҳаётимизда ижтимоий тармоқлар орқали тадбиркорлар томонидан у ёки бу муаммоси ҳал этилмаётганлиги бўйича кўплаб мурожаатларни кузатяпмиз, — дейди вилоят ҳокимлиги аппарати ахборот хизмати раҳбари Олимжон Жўраев.** — Вилоятда ҳам бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, муаммоларни жойида ўрганиш мақсадида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Фарҳод Умаров томонидан махсус ижтимоий саҳифа, бундан ташқари, ҳар ойда бир маротаба бевосита тадбиркорлар қабули ташкил этилди. Қайд этиш жоизки, мазкур лойиҳа ташкил этилгандан буён бир ҳафта ичида тадбиркорлардан 60 дан ортиқ мурожаат келиб тушди. Уларнинг 38 таси бевосита жойида ҳал этилган бўлса, қолган аризалар юзасидан тегишли тушунтиришлар берилди.

**Тадбиркорлар муаммоларини ўрганиш нега керак?**

Маълумот учун факт: 2020-

2021 йилларда Бухоро вилоятини комплекс ривожлантириш ҳудудий инвестиция дастурига асосан, умумий қиймати 15,8 триллион сўмлик жами 944 та лойиҳаларни амалга ошириш ва 28 минг 368 та янги иш ўрни ташкил этиш белгиланган.

Жорий йилда 6,6 триллион сўм инвестициялар ўзлаштирилиши ва 597 та лойиҳа ишга туширилиши ҳисобига 14 минг 990 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Бугунги кунда дастур доирасидаги 442 та лойиҳага 1,6 триллион сўмлик кредит маблағлари ажратилган. 358 та лойиҳа ишга туширилган ва 3 минг 631 та янги иш ўрни яратилган. 2020 йил якунига қадар 5 триллион 220,1 миллиард сўмлик 246 та лойиҳа ишга туширилиши керак.

Аммо тадбиркорлар фаолиятидаги турли муаммолар сабабли 14 та саноат корхоналарида 343 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми пасайган.

6 та тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми 256,4 миллиард сўмга ва 8 та ҳудудий корхоналарда 87 миллиард сўмга камайтирилган.

— **Вилоятда ҳар бир иқтисодий субъектнинг барқарор ишлаши маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар барқарорлиги, ҳар бир янги ташкил этиладиган корхона эса янги солиқ манбаидир, — дейди ҳокимлик аппарати котибият мудирини Олимжон Исмамов.** — Шу нуқтаи назардан, ҳудуд иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш учун ҳам биз тадбиркорлар билан ишларни фаоллаштиришимиз зарур.

**1 килограмм пахта 30 долларга айланади, агар...**

Саноат корхонаси улуши ҳам солиқ тўлаш субъекти, ҳам иш ўрни манбаи, ҳам истеъмол бозори таъминотчиси сифатидаги ролини биргина «ВСТ Cluster» пахта-тўқимачилик кластери

мисолида кўриш мумкин. Бундан 3 йил муқаддам иш бошлаган мазкур кластерда ўтган қисқа давр ичида чигит экишдан тортиб, тайёр либослар ишлаб чиқаришгача бўлган жараёни қамраб олган технологик саноат занжири яратилди.

Айни пайтда биринчи миллий жинси бренди «В Jeans» ёрлиғи остидаги болалар, аёллар ва эркаклар жинси либослари тақдим этилаётган корхона маҳаллий бозордан ташқари, Германиянинг Мюнхен, Дрезден каби йирик шаҳарларида ўз савдо тармоқларини йўлга қўйиш билан бирга, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Россия каби ўнга яқин давлатларнинг йирик шаҳарларида ҳам ўз савдо мажмуаларини очишни режалаштирмоқда.

— **Бухорода бешта фабрикадан иборат тўқимачилик мажмуамизнинг ишга тушиши билан юқори кўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришдик, — дейди «ВСТ Cluster» раҳбари, сенатор Муртазо Раҳматов.** — Сифатли жинси матодан тайёрланган бош кийимдан тортиб, эгнимиздаги кийимгача ҳаммаси ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Биз шу тариқа ўз брендимизни яратиш, занжирнинг охириги бўғинини боғладик.

Албатта, хомашёдан кўра тайёр маҳсулотдан олинган даромад бир неча баробар фойдали бўлиши тадбиркорлар учун сир эмас. Масалан, жинси кийим-кечалар Германияда 70-100 евродан сотиляпти. Агар корхонада ойига бир миллион дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бўлса, тадбиркорнинг мўлжалича, уларни 15 доллардан сотган тақдирда ҳам бу 15 миллион доллар бўлади. 1 килограмм толадан 2 та юпка жинси шим ишлаб чиқариш мумкин. Бу 1 килограмм пахта 30 долларга айланишини англатади.

**Акбар РУСТАМОВ**  
«Mahalla»



**10 ойда Ўзбекистонга 4,88 млрд. доллар ҳажмида пул ўтказмалари амалга оширилди.**



# СУВСИЗ ҚОЛГАН ХУДУДЛАР

## муаммоси қачон ҳал бўлади?

Қумқўрғон тумани — воҳанинг марказида, Сурхон дарёсининг икки ён соҳили бўйида ястаниб ётган кенгликда жойлашган. Табиатнинг бундай инъоми туманнинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш имконини беради. Бунда тупроқ унумдорлиги, транспорт қатновига қулайлик ва бошқа кўплаб омиллар фикримиз далилидир. Аммо ҳамон туман ушбу салоҳиятидан тўла фойдаланганича йўқ.

Шу боис ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичлари натижасига кўра, Қумқўрғон тумани «қоникарсиз» деб топилган. Аҳоли яшаш даражаси ҳам шунга яраша! Таъкидлаш керакки, туманнинг бошқалар ҳавас қилса арзийдиган ҳудудлари кўп, аммо эътибор қаратилиши зарур бўлган маҳаллалар ҳам оз эмас. Хусусан, туман марказидан 20 км. узоқроқда жойлашган «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинида ечимини кутаётган муаммолар бор.

### «Гулистон»да ичимлик суви йўқ

«Гулистон» йиғинида оқова сув етиб бориши учун учта кўтарма насос ўрнатилган. Шу боис маҳаллага сув олиб бориб, деҳқончилик қилиш осон иш эмас. Бугунги кунда гулистонликлар томорқасини суғоришга қийналса-да, ерга меҳр бериб ишляптти. Бундан маҳаллани оралаб, аҳоли хонадонлари олдида барпо этилган иссиқхоналар мисолида ҳам кўриш мумкин. Аммо ерости сувини чиқаришнинг имкони бўлмагани боис аҳоли ичимлик сувини сотиб олишга мажбур. Худудга бундан 15-20 йил аввал «Мустақиллик» маҳалласида ўрнатилган насос орқали ичимлик суви етказиб берилган. Кейинчалик салкам 8 км. узунликдаги қувурнинг эскиргани, насоснинг яроқсиз ҳолатга келиб қолгани боис гулистонликлар ичимлик сувисиз қолган.

— Маҳалламизга ичимлик суви охириги марта қачон келганини эслай олмайман, — дейди шу маҳаллада яшовчи Мухаммадали Нуриддинов. — Ҳозир машиналар сиғимига қараб 90 мингдан 120 минг сўмгача пул олиб, сув олиб келиб беради. Ҳар бир уйда 5-6 тонна сув сиғадиган қудуқлар бор. Қишда қор-ёмғирнинг суви бироз бўлса-да, жонимизга ора киради, ёзда эса ариқдаги сув доим келмагани учун молларимизни суғоришга қўлмак излаймиз. Ўтган йили «Янгиер» маҳалласида қудуқ қазилиб, насос ўрнатилди. Тахминан 2 км. қувур ҳам тортилган. Аммо негадир ишлар тўхтаб қолди.



### Масъуллар нима дейди?

Дарҳақиқат, «Гулистон» маҳалласи узоқ йиллар давомида ичимлик сувидан узилиб қолган. Шу боис бошланган иш одамлар қалбини қувончга тўлдирган, уларнинг эртанги кунга ишончини оширган эди. Хўш, бу ишлар қачон ўз ниҳоясига етказилади?

— 2019 йилги Инвестиция дастурига асосан, «Гулистон» маҳалласини сув билан таъминлаш лойиҳасининг биринчи босқичида қиймати 4097.40 млн. сўмлик ишлар амалга оширилди, — дейди туман ҳокимлигининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари мажмуаси бош мутахассиси Сафар Абдураимов. — Бунда «Янгиер» маҳалласи ҳудудидан қудуқ қазилиб, 500 метр куб сиғимли сув сақлаш резервуари ўрнатилди. Бундан ташқари, иккита насос қурилиб, 1,1 км. масофага қувур тортилди. 2021 йилда манзилли дастур асосида мазкур объектнинг 2-босқич ишлари бажарилади. Лойиҳанинг бу қисмида ичимлик суви тармоқлари тортиш режалаштирилган. Лойиҳа тўла амалга оширилгач, «Гулистон» маҳалласида жойлашган 6 минг 847 та аҳоли хонадони ичимлик суви билан таъминланади.

### «Йил сўнгигача 700 киши ишли бўлади»

Тумандаги яна бир ҳудуд — «Бўстон» маҳалласидаги Қизилқоя қишлоғи аҳолисини ҳам узоқ йиллар давомида ичимлик суви муаммоси қийнаб келади. Худуд туманнинг чўл зонасида жойлашгани боис йиллар давомида бошқа кўплаб масалалар ҳам йиғилиб

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

«Сурхондарё сув таъминоти» МЧЖ Қумқўрғон тумани филиали ҳудуддаги 50 дан зиёд маҳаллага тоза ичимлик суви етказиб беради. Корхона тасарруфида 86 та сув иншооти мавжуд. Жорий йилда 3 та сув иншооти инвестиция маблағи, яна 3 таси «Обод маҳалла» дастури лойиҳалари ҳисобидан барпо этилди.

Ҳозирда ҳудудда яшовчи 134 мингдан зиёд аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланган. Қолган салкам 72 минг аҳолига махсус техника ёрдамида ичимлик суви етказиб берилмоқда. Ўтган йили туман сув иншоотларида 953,1 м<sup>3</sup> ичимлик суви ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг 11 ойида бу кўрсаткич 3 млн. 233,8 м<sup>3</sup>.ни ташкил этган.

қолган. Қизилқоянинг мўл ҳосил олиш мумкин бўлган унумдор ери бор. Аммо сув билан боғлиқ муаммо кўнгилдагидек ҳосил олишга доим ҳам имкон бермайди. Ёғингарчилик мўл бўлса, ариқлар тўлиб сув оққан маҳалда бу унчалик сезилмаслиги мумкин, бироқ бошқа вақтларда томорқани суғориш ҳам машаққатли юмушга айланади. Бу эса ўз-ўзидан ишсизликнинг кўпайишига ва ҳудуднинг иқтисодий қоқоқ аҳволда қолишига олиб келади.

— Қизилқоя қишлоғида доим ичимлик суви муаммоси бўлган, — дейди «Бўстон» маҳалласи раиси Шокир Мамашаев. — 2019 йилда қишлоқ ҳудудида қудуқ қазилиб,

ичимлик суви чиқарилди. Шу вақтгача бу ердан ичимлик сувининг чиқиш-чиқмаслигига ҳеч ким қизиқмаганди. Ичишга яроқли сув чиққач, қатор ижтимоий масалаларни ҳал этиш мумкинлиги ҳам ойдинлашди. Айни кунларда 1 млрд. 100 млн. сўмлик лойиҳа асосида иш бошланди. Мазкур лойиҳага кўра, Қизилқояда 70 гектар майдонда иссиқхона қурилади. Яна 2 та қудуқ қазилиб, ичимлик сувига бўлган эҳтиёж тўла қондирилади. Муҳими, 70 нафар тадбиркорларимиз лойиҳа доирасида 700 та доимий иш ўрни яратади. Мазкур лойиҳани жорий йил сўнгигача қадар ниҳоясига етказиш назарда тутилган.

### Хулоса ўрнида

Худуд жиҳатидан катта бўлган тумандаги барча муаммоларни бирдан ҳал этиш осон эмас, албатта. Лекин бу билан ўзимизни оқлаб ҳам бўлмайди. Бугун Қумқўрғонда кишини қувонтирадиган янгиликлар ҳам, муаммолар ҳам кам эмас. Аммо бир нарса аниқки, туман ўз салоҳиятига яраша ривожланиш йўлига ҳали ўтиб улгурганича йўқ. Агар қумқўрғонликларга етарлича имконият яратиб берилса, ерга меҳрини берадиган, тош устида ҳам гул ундирадиган одамлар иқтисодий барқарорликни яхшилашга ҳам хизмат қилган бўларди.

Бунинг учун илк қадам ташланган, аммо натижа келгуси ишларнинг қай даражада амалга оширилишига боғлиқ. Демак, биз айни мавзуга яна қайтамиз.

Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ  
«Mahalla»



Оҳангаронда қиймати 4 млн. долларга тенг бўлган чорвачилик мажмуаси барпо этилмоқда.

Сўнгги пайтларда аёлларга нисбатан бўлаётган зўравонлик ҳолатлари ҳақида кўп гапириляпти. Бундай ҳолатларнинг Самарқанд вилоятида ҳам урчиб бораётгани кўпчиликда жиддий ташвиш туғдирмоқда. Худудда ўтказилган «Тазйиқ ва зўравонликка қарши курашиш» махсус профилактик тадбирлари давомида 4,5 мингдан зиёд оиланинг 551 таси нотинч экани аниқланган. Хўш, вазият қанчалик оғир?

Яқинда вилоятнинг Пахтачи туманида бўлганимизда ўзини таништиришни истамаган ўрта яшар эркак шу мавзуда бир воқеани айтиб берди.

Унинг сўзларига қараганда, кўшниси уйланганидан буён хотинини мунтазам равишда таҳқирлаб келган. Шўрлик аёл икки норасида боласини олиб, қишнинг аёзли кунларида гоҳ у қўшнисиникига, гоҳ бунисиникига қочиб чиқиб тонг оттирган. Жанжалнинг бош сабаби эса ароқ ва асоссиз рашк. Қўшнилари аёлга маҳаллага ёки профилактика инспекторига мурожаат қилишни бир неча бор маслаҳат беришсада, бечора хотин: «Агар маҳаллага борсам, оилам бузилиб кетади», деб уларнинг таклифларини рад этган.

Охири кўшни аёллардан бири бу ҳолатга чидай олмай, йиғин раиси ва инспекторга мурожаат қилади. Раис ва инспекторнинг насихатлари, суҳбатларидан сўнг эса ароқхўр эр баттар авжига чиқиб, хотинини энди шу одамлардан рашк қилади ва ўша кечаси аёлнинг оёқ-қўлларини боғлаб қўйиб, ўласи қилиб калтаклайди. Охир-оқибат хўрлик ва азобларга дош беролмаган аёл тонгда икки боласини олиб ота уйига бутунлай кўчиб кетади. Суд уларни ажратиш, эрга жазо тайинлайди.

Аёл аламини меҳнатдан олади. Пахта теради, бировларнинг юмушларини бажаради, тикувчилик қилади. Болаларини ҳалол меҳнат билан боқиб улғайтиради. Фарзандлари ҳам мактабни «аъло» баҳога битиришади. Давлат гранти асосида нуфузли олийгоҳларда таълим олиб, бири ҳуқуқшунос, иккинчиси эса моҳир шифокор бўлиб етишади. Ота қамоқдан чиқиб, яна ичкиликка берилади. Ва алал-оқибат, мастликда катта йўл ўртасига чиқиб кетиб, тез келаётган машинанинг тагида қолади ва ҳалок бўлади...

### «Эрнинг калтагини емаган хотин борми?»

Ё бўлмаса, ҳозирда Жиноят

# «АГАР МАҲАЛЛАГА МУРОЖААТ ҚИЛСАМ, ОИЛАМ БУЗИЛИБ КЕТАДИ...»



## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

БМТ Бош Ассамблеясининг 1999 йилнинг 17 декабрдаги резолюцияси билан 25 ноябрь — Халқаро аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш куни, деб эълон қилинган. 2014 йилда БМТ Бош қотиби аёлларга нисбатан зўравонликни йўқ қилишга қаратилган УНиТЕ номли ташаббусни очиб деб эълон қилиши муносабати билан мазкур ташаббус бўйича турли тадбирлар дунё бўйлаб барча шаҳарлар, кўчаларда 25 ноябрдан то 10 декабргача жамоатчиликнинг фаол иштирокида ўтказила бошланди.



ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судида кўриляётган, ўз хотинини мунтазам равишда таҳқирлаб, унга ҳатто боласининг таглигини мажбурлаб едирган эркакнинг қилмишларини олинг. Шўрлик аёл «Агар маҳаллага ёки профилактика инспекторига мурожаат қилсам, оилам бузилиб кетади», деган андишага бориб, норасида болаларини ўйлаб, бу хўрлик ва камситишларга йиллар давомида тоқат қилиб келган.

Оилавий тазйиқ ва зўравонликка қарши кураш айрим аёлларнинг назарида худди оила билан курашдай кўринади шекилли. Чунки бу масалада зўравонни жазолаш оиланинг бузилиб кетишига сабаб бўлишини аксар ҳоллар-

да аёлнинг ўзи истамай, кейин даъвосидан осонгина воз кечиб қўя қолади. Аҳоли онгида ҳам «Эрнинг калтагини емаган хотин борми?» деган фикр шунчалик ўрнашиб кетганки, бундай қарашлар ушбу иллат билан курашнинг йўлига қайта-қайта ғов бўляпти. Баъзан эса эр-хотин ўртасига тушган одамнинг ўзи айбдорга айланиб қоляпти.

Хўш, ҳалиям бу масалада фикрлашимиз жуда илғорлашиб кетмаган бир пайтда тазйиқ ва зўравонликка қарши кураш борасида маҳалла фуқаролар йиғинлари қандай йўл тутяпти? Уларда ўзига хос тажрибалар борми?

— Зўравонликнинг олдини олишда ҳар бир оилага индивидуал ёндашув талаб этилади, — дейди Самарқанд вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Сайёра Жумаева. — Баъзи оилаларга рафиқасини ҳимоя қилиш учун очик-ошкор борсангиз, бундай ҳолат оилалараро уриш-жанжалларни келтириб чиқариб, акс таъсирини кўрсатиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳар бир маҳаллада ўша зўравонлик содир бўлган, нотинчликлар мавжуд оила аъзоларини яхши танийдиган инсонлар ҳамкорлигида тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Баъзи оила аъзолари билан қатъийроқ гаплашишга ҳам тўғри келаёттир. Одатда, нотинч, зўравонлик содир бўлаётган оилалардаги вазиятни яхшилаш учун бир марта тушунтиришнинг ўзи етмайди, улар доим назоратда бўлиши керак.

Шундай вазиятда кўни-кўшнилари, қариндошларнинг ҳам фаоллиги талаб қилинади. Улар ўша оилада содир бўлаётган нотинчликни сезгач, дарҳол бу ҳақда керакли жойга мурожаат қилишса, турли ноҳуш вазиятларнинг олди олинган бўларди. Кейинги пайтларда фаолларнинг мурожаатлари пайдо бўлаётгани қувонарли, албатта. Сабаби, баъзи аёллар турмуш ўртоғидан йиллаб калтак еб келган, аммо буни айтишни истамайди. Мана шундай ҳолатларда ҳам атроф-

дагиларнинг бефарқ эмаслиги муҳим.

## 20 кун ичида 551 оилада нотинчлик аниқланди

— Оилавий зўравонликнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган «Тазйиқ ва зўравонликка қарши курашиш» махсус профилактик тадбирлари давомида 4 минг 557 оила ўрганилиб, келишмовчилиги мавжуд бўлган 551 та оила аниқланди, — дейди Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси хотин-қизлар билан ишлаш бўлими катта инспектори Нилуфар Сатторова. — Бу оилаларда профилактика инспекторлари томонидан маҳалла фуқаролар йиғинлари, тиббиёт бирлашмалари ҳамда бандлик бўлимлари масъул ходимлари билан биргаликда тушунтириш ишлари олиб борилди. Натижада 113 та муаммо аниқланиб, шундан 74 таси жойида ижобий ҳал этилди, 97 та ҳолатда нотинчликка барҳам берилди, 37 та ҳолатда ажралиш ёқасига келиб қолган оилалар ўзаро яраштирилди.

Тадбирлар давомида хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этган 150 нафар шахс аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Шунингдек, тазйиқ ва зўравонликка учраган 717 нафар хотин-қизга ҳимоя ордерлари берилди.

## Хулоса ўрнида

Буни қаранг, 20 кунлик тадбирда вилоятда 551 та оилада нотинчлик аниқланган, 771 нафар аёл тазйиққа учраган. Булар ҳали расман аниқланганлари. «Агар маҳаллага борсам, оилам бузилиб кетади», деб дардини ичига ютиб юрган, расман қайд этилмаган хотин-қизларимиз ҳали яна қанча? Демак, куруқ тадбирбозлик билан кифояланиб қолиш ярамайди. Токи, оилавий тазйиқ ва зўравонликка қарши кураш тизимли равишда ташкил этилмас экан, яна қанчадан-қанча уй бекалари таҳқирланиши ва калтакланиши турган гап. Сиз бунга нима дейсиз, азиз маҳалладош?

Ёрмамат РУСТАМОВ  
«Mahalla»



Ўзбекистондан хурмо экспорти  
20,9 минг тоннага ошди.



## Масъулиятсизлик

# ФАҚАТ ЮГУР-ЮГУРЛАРГА

## сабаб бўлади

Ҳар бир мурожаатнинг ортида бизга умид билан боқаётган инсонлар тақдирлари ётади. Шу боис кейинги йилларда аҳоли билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин ҳамон буни тўла тушуниб етмаётган, Президент таъбири билан айтганда, ўзини шу халқнинг хизматкори, деб билмаётган раҳбарлар учраб турибди. Бу эса жойларда қатор муаммоларнинг йиғилиб қолиши, аҳолининг югур-югурларига сабаб бўлмоқда.

### Ота-оналар қачонгача сабр қилсин?!

Бундан 10 ой илгари — «Mahalla» газетасининг 10-сонида «Муаммолар ечими учун вазир ёки сенатор олис овулга бориши шартми?» сарлавҳаси билан Кегейли тумани Қумшунгил овул фуқаролар йиғини Қонжиғали овулидаги 24-умумтаълим мактабининг аянчли аҳоли ҳақида мақола чоп этилган эди.

Унда муассаса бундан 20 йил олдин ўз вазифасини ўтаб бўлгани, 20 йил олдин ҳам масъуллар мактаб қуриб беришга ваъда қилгани, лекин масала ижобий ечим топмай, 2017 йилдан буён аҳоли янги мактаб қурилиши бўйича мурожаат қилмаган жойи қолмагани ҳақида сўз юритилган эди. Шунингдек, мақолада мактаб девори бетон плитадан қурилгани боис совуқ, қанча кўмир, газ ёқилса-да, хоналар исимаслиги, қолаверса, спорт зали, мактабга қатнайдиغان йўл, ичимлик суви масалалари ҳам одамларни қийнаётгани айтилганди. Хўш, бугун ушбу ҳудуддаги манзара қандай? Ўзгаришлар бўлдимми?

— Мақола чоп этилганига 10 ойдан ошди, — дейди Қонжиғали овули кўчабошиси Сарсенбай Сейтимбетов. — Мана, қиш ҳам бошланди. Аммо муаммомиз ҳал бўлмади. Хоналарнинг совуқлигидан мактабда ўқишнинг имкони йўқ. Мақола эълон қилинган, ҳокимликдан 2-3 нафар вакил келиб, мактаб 2021 йил режасига киритилганини айтиб кетди. Аммо бу мактабни қайта таъмирлаш фойдасиз. Чунки бир вақтлар боғча учун қурилган бу бино эскирган, энг ёмони — девори бетондан, иситишда муаммо



бўлаверади. Уни қайтадан қуриш керак.

— Бугунги кундаги асосий эътиборимиз ушбу мактаб муаммосини ечишга қаратилган, — дейди Кегейли тумани халқ таълими бўлими бошлиғи Алмахан Алланиёзова. — Туман ҳокимлигидан тузилган комиссия мактаб ҳолати билан танишиб, қайта таъмирлаш учун 2021 йил ривожлантириш дастури режасига киритишди. Келгуси йил энг биринчилардан бўлиб шу мактабда таъмирлаш-реконструкция ишлари бошланади. Ота-оналардан яна озгина вақт сабр қилиб туришларини сўрар эдим.

Мактаб бундан 20 йил олдин ўз вазифасини ўтаб бўлган экан, уни қайта таъмирлаш қанчалик наф беради? Умуман, шунча йиллардан бери ечимини кутаётган масала келаси йилда ҳал бўлишига қафолат борми? Демак, айна мавзуга ҳали яна қайтамыз.

### Узоқ қутилган ваъда бажарилди...(ми?)

Хўжайли туманидаги Саманқўл овул фуқаролар йиғинидаги Афғон овули аҳолисини бир неча йилдан буён инсон ҳаётига хавф туғдираётган қўлбола симёғочлар, ичимлик суви ва йўл масаласи қийнаб келяпти. Айна масалада газетамизнинг 35-сонида «Қоғозда қолаётган ваъдалар қачон бажарилади?» сарлавҳали мақола эълон қилинганди.

Унда муаммо юзасидан аҳоли бир неча йиллардан буён кўп жойларга мурожаат қилгани, аммо мутасаддилар ваъда беришдан нарига ўтмаётгани айтилганди. 2018 йилдан буён давом этаётган бу ваъдалар қачон бажарилиши ҳақида «Хўжайли тумани электр тармоқлари» корхонаси бош муҳандиси Бахтиёр Ниятов 2020/2021 йилги маҳаллий бюджет режасига ушбу ҳудуд киритилгани, жорий йилнинг ноябрь ойида

бир дона трансформатор билан қўлбола симёғочлар ўрнига янгилари ўрнатиб берилишини айтган эди. Хўш, масъуллар берган ваъдасини қай даражада бажаряпти?

— Мақола эълон қилинган, электр таъминоти корхонасидан мутасаддилар келиб, вазиятни ўрганишди, — дейди мурожаатчилардан бири Нағима Жолманова. — Ноябрь ойида симёғоч ва трансформатор қуришга ваъда беришган эди. Шу кунларда ҳақиқатда сўзларининг устидан чиқиб, ишлар бошлаб юборилди. Янги симёғочлар ўрнатилиб, симлар тортилди. Шу ҳафта трансформаторни ҳам ўрнатишмоқда. Мурожаатларимизга эътибор қаратилиб, масала ижобий ечим топаётгани учун, аввало, «Mahalla» газетаси ижодкорларига, қолаверса, туман масъулларига миннатдорлигимизни билдираман.

Шунингдек, одамлар ушбу ҳудудда тез орада ичимлик суви, йўл муаммосининг ҳам ижобий ечим топишидан умидвор. Чунки ҳокимлик вакиллари 2021 йилда мазкур масалалар ҳам ечим топишига ваъда бермоқда. Умид қиламизки, бу сафар ҳам улар ўз вазифасини тўла бажариб, одамлар дуосини олади.

### Ертўла сувдан тозаландими?

Яна бир манзил — Тахиатощ тумани «Халқлар дўстлиги» маҳалласи 1-кичик тумандаги 5- ва 13-уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар таҳририятта мактуб йўллаб, уй ва унинг атрофи таъмирталаб экани, электр энергиясидаги муаммолар, айниқса, бир ойдан бери ертўладаги канализация қувири ёрилиб, уй ертўласи сувга тўлгани ҳақида мурожаат қилган эди.

— Мурожаатимиз «Mahalla»



газетаси(2020 йил 38-сон)да чоп этилган, мутасаддилар етиб келишди, — дейди мурожаатчи Эльмира Тўрабоева. — Туман сув таъминоти бўлими мутахассислари қувурни тозалаб, канализация йўлини очиб беришди. Шунингдек, электр таъминоти корхонасидан ҳам вакиллар келиб, янги «щит» қуриш бўйича ишга киришишди. Лекин икки дона симёғоч ўрнатиб, кейин исизсиз ғойиб бўлишди. Умид қиламизки, улар тез орада ишларини охирига етказишади. Мурожаатимиз қисман бўлса-да, ижобий ечим топганидан миннатдоримиз.

### Хулоса ўрнида

Бугун давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир масъул шахс одамларнинг дарду ташвиши билан яшаши шарт экани бот-бот таъкидланмоқда. Бунинг замирида халқимиз оғирини енгил қилиш, одамлар ишончини оқлаб, юрт равнақига эришишдек эзгу ният бор. Содда қилиб айтганда, муаммоларни ҳал этиш ҳар бир раҳбарнинг кундалиқ вазифасига айланмоғи зарур. Аммо бугун ўз хизмат вазифасига панжа орасидан қараётганлар ҳам йўқ эмас. Вазифага муносиб бўлиш учун эса ҳар бир раҳбар ўзини мана шу халқнинг хизматкори дея билиши лозим. Шундагина ўзимиз кўзлаган марраларга эришамиз.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ  
«Mahalla»



Ўзбекистонда сўнги 10 ойда салкам 72 трлн. сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

# ҲАВО СОВУБ КЕТЯПТИ, КЎМИР

## Ва газ етяти...ми?

Ҳаво совуши билан аҳолида кўмир, газ, электр энергиясига эҳтиёж ортиши табиий. Зангори олов етиб бормаган ҳудудларда эса белгиланган тартибга кўра, хонадонларга суюлтирилган газ етказиб берилиши керак. Хўш, бу борада Самарқанд вилоятида вазият қандай? Шу ва бошқа саволларга жавоб излаб, вилоят туманларидаги айрим маҳаллаларда бўлдик.

### Мурожаатлар эътиборсиз қолмоқда

Ургут туманидаги «Тошариқ» маҳалласида 5,5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳар йили қиш бошланиши билан хонадонларни иситиш муаммоси пайдо бўлади.

— Баллонли газ икки ойда бир марта келади, свет кунига 2-3 соат ўчиб, атиги 5-10 дақиқа ёнади, кўмир эса берилмаяпти, — дейди йиғин раиси Ўрин Шаропов. — Ҳозиргача бор-йўғи 20 та оилага кўмир берилди. Тоғ бағрида жойлашганимиз боис кўмирга, суюлтирилган газга эҳтиёж катта. Бу ҳақда туман раҳбарларига бир неча марта айтдик, аммо фойдаси бўлмаяпти.

Худди шундай ҳолатни Каттакўрғон туманидаги «Вайрот», «Янгиобод» маҳаллаларида ҳам кузатдик. Мазкур тумандаги «Полвонтепа» маҳалласида 500 дан зиёд оила баллонли газдан фойдаланади. Суюлтирилган газ таъминотида юз бераётган узилишлар анча вақтдан бери аҳолини қийнаб келмоқда.

— Маҳалламизга баллонли газ 2-3 ойда бир келяпти, бу эса одамларда эътироз уйғотмоқда, — дейди йиғин раиси Ғафур Тўйчиев. — Айни масала бўйича «Каттакўрғон-тумангаз» газ таъминоти бўлими



бошлиғига бир неча марта айтдик. Аммо ҳозирча натижа бўлмаяпти.

Нарпай туманидаги «Болғали», «Бахт», Тойлоқ туманидаги «Гулба», «Галаботир» каби қатор маҳаллаларда ҳам аҳоли баллонли газ ва электр энергияси таъминотидаги узилишлардан азият чекаётди.

### Нега кўмир ишончсиз?

Айни кунларда вилоят маҳаллаларида, деҳқон бозорлари атрофида кўмир ортган автомашиналарни учратиш мумкин. Оқдарё туманидаги Лойиш бозорида бир пақирдан сал кўпроқ чиқадиган ҳалтадаги кўмирнинг нархи 12 минг сўм, 10 копини 120 минг сўмга харид қилиш мумкин. Кўпчилик маҳаллалар учун ажратилган арзон кўмирни олишга ошиқмаяпти. Зеро, бундай кўмир тупроқ ва тош аралаш, жуда сифатсиз. Айримлар бундай кўмирнинг аввал яхшиси сараланиб, қолгани маҳаллаларга берилиши тўғрисида ҳам гапирмоқда.

Вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида мазкур ҳудудларга кўмир етказиб берувчи Самарқанд шаҳридаги бирор жойига ташкилот номи ёзилмаган кўмир базасига бордик. Иш вақти бошланганига қарамай, бу ерда 3-4 та ишчидан бошқа одамни учратмадик. Ходимлар дарров бизга қанақа кўмир кераклиги билан қизиқишди — аричками, қора кўмирми, сараланганими ёки арзонроғими?



Мақсадимизни билганидан сўнг эса ҳали «катталар» ишга келганини, бизга уларнинг рухсатисиз маълумот бера олмаслигини айтиб, суҳбатдан бош тортди. Базани кўздан кечириб, махсус сим элақдан ўтказилиб, қопларга солинган ва харидорларга сотиш учун тахлаб кўйилган кўмир уюмларини кўрдик. Маълумот олиш учун бир соатча кутганимизга қарамай, масъуллардан дарак бўлмади.

### «Узилишлар бўлгани рост...»

Юқорида қайд этилган йиғинларда юзага келган муаммолар юзасидан Ургут, Каттакўрғон, Нарпай ва Тойлоқ туманлари газ таъминоти бўлими бошлиқлари билан уланишга қилган ҳаракатларимиз ҳам зое кетди. Фақатгина Тойлоқ тумани газ таъминоти бўлими бошлиғи Маъруф Пардаев гўшакни кўтарди.

— Бундан бир-икки ой муқаддам тизимда юзага келган техник носозлик ва пандемия туфайли суюлтирилган газ таъминотида узилишлар юз бергани рост, — дейди М.Пардаев. — Аммо ҳозир вазият яна яхшиланди. Сиз айтган «Гулба» маҳалласига баллонли газ етказиб берилганига бугун 37 кун бўлди. Тасдиқланган жадвал

бўйича келаси ҳафтадан бошлаб баллонлар яна алмаштирилади.

Кези келганда яна шуни айтиш жоизки, айрим ҳолларда маҳаллалар аҳолиси учун олиб борилаётган газ баллонларини газ ташувчи ходимлар йўлларда кимларгадир пуллаётгани, баъзи одамлар эса суюлтирилган ёқилғини баллондан шахсий автомашинасига резина шланглар орқали ўтказиб олаётгани ҳолатлари ҳам кузатилган эди.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, эндиликда бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир баллонга махсус стикер ўрнатиляпти. Ҳозиргача тумандаги мавжуд қарийб 28 минг дона баллоннинг 50 фоизига шундай стикерлар ўрнатилди ва бу тизим яна бир ойдан сўнг тўлиқ ишга тушади.

### Чироқ нега ўчяпти?

Вилоятнинг Пайариқ, Жомбой, Оқдарё, Кўшработ, Каттакўрғон туманларидаги кўплаб маҳаллалар ҳамда Самарқанд шаҳрининг Сартепа, Қорасув массивлари аҳолиси электр таъминотидаги узилишлардан азият чекмоқда. Хўш, бунинг сабаблари нимада?

— Тизимда куз-қиш мавсумига тайёргарлик учун 2 минг 767 километр электр тармоқларини мукамал таъмирлаш режалаштирилган ва бу юмушлар ниҳоясига етказилмоқда, — дейди «Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари» корхонаси раҳбари Ғанишер Маматкулов. — Айни шу сошлаш жараёнида узилишлар бўлмоқда. Бу тез орада бартараф этилади. Лойиҳалар якунига етказилгач, истеъмолчилар барқарор электр энергияси билан таъминланади.

### Хулоса ўрнида

Хуллас, биз кузатган манзара ҳозирча шундай. Хулоса шуки, кўриляётган чора-тадбирларга қарамай, вилоятнинг юқорида қайд этилган йиғинларидаги аҳолини қиш мавсумида суюлтирилган газ, кўмир ва электр энергияси билан таъминлаш борасида ҳали ечимини кутаётган муаммолар бисёр. Ўйлаймизки, соҳа масъуллари мазкур муаммоларни, албатта, бартараф этадилар. Биз эса мавзуга яна қайтамыз.

Ёрмамат РУСТАМОВ  
«Mahalla»



Ўқувчилари ОТМга умуман кирмаган мактаблар сони деярли 3 баробарга камайди.

Тахририятимизга Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги «Жийдали Бойсун» маҳалласида яшовчи бир гуруҳ фуқаролардан мактуб келди. Унда таъкидланишича, аҳоли бу ерга кўчиб келганига 30 йилдан ошган. Ҳозирда ҳудудда газ, сув, электр таъминоти бўйича муаммолар йўқ. Бироқ одамларни йўл муаммоси қийнамоқда. Йиғиндаги айрим кўчаларга асфальт ётқизилган бўлса, баъзиларида ёмғирли кунларда умуман юриб бўлмайди.

### Йўлни бузиш режалаштирилганми?

Мурожаат муаллифларининг айтишича, бу борада шаҳар ҳокимлигига кўп бор мурожаат қилинган. Лекин масалага эътибор қаратилмаяпти. Бу ҳолат, айниқса, ёмғирли кунларда тез тиббий ёрдам, ободонлаштириш корхонаси махсус техникаларининг кириб-чиқишига умуман имкон бермаяпти. Шу боис ўтган йилнинг декабрь ойида фуқаролар ўзаро пул йиғиб, Гулмурат шоир кўчасига шағал тўкишади. Бироқ жорий йилнинг ёз ойида маҳалла чеккасида қурилаётган иссиқхонага сув тармоғини тортиш баҳонасида йўл чеккаси қазилиб, кўча тупроққа кўмиб ташланади. Бугун у яна аввалги манзарасига қайтиб қолган.

Кўча Каттағар (қаттиқ оқар) каналига параллел равишда жойлашган. Ажабланишлики шундаки, йўл ярмигача қувур кўчанинг ўртасидан ўтказилган. Иш яримлагач, аҳолининг норозилигига учраган қурувчилар қувурнинг қолган қисмини канал четидан тортиб ўтишга қарор қилган. Шу ўринда савол туғилади: нега канал билан йўл ўртасида 10 метр ҳам чиқмайдиган масофа қолиб, қувур йўл ўртасидан ўтказилган? Ёки мутасаддилар халқ оғирини енгил қилиш ўрнига уларга атай муаммо туғдиришни мақсад қилганми? Умуман, ҳолат билан танишар экансиз, кимдир йўлни атай бузишга топшириқ берганми, деб ўйлаб қоласиз.

— Халқимизда: «Қозончининг эрки ўзида бўлса, истаган жойдан қулоқ чиқарар», деган нақл бор, — дейди шу кўчада яшовчи Улжан Худайбергенова. — Йўлимиз аввал ҳам яхши бўлмаган. Ўзимиз пул йиғиб таъмирлагач, яна бу аҳволга солиб кетишди. Масъуллар мурожаатларимизни умуман эътиборга олмаяпти. Ҳокимлик вакиллари иссиқхона қураётган тадбиркор йўлни тўғрилаб беради, дейди. Тадбиркор эса: «Мен ҳеч нима

# «БУ ЙЎЛЛАРДАН

## масъуллар ҳам бир юрса эди...»



қуриб, халқни иш, арзон маҳсулот билан таъминлаш жасорат ҳисобланади. Аммо бу аҳолига ноқулайлик туғдириш ҳисобида бўлмаслиги керак. Фақат наф келтириши, кўнгилсизликларга сабаб бўлмаслиги лозим.

Яна бир гап: ҳар бир лойиҳа пухта режа асосида амалга оширилиши керак. Наҳотки, шундай катта лойиҳа режаси ишлаб чиқиладиганда оддий қувурни қандай тортиб бориш керак экани ҳақида ҳеч ким ўйламаган бўлса? Агар режанинг ўзида йўлбузарлик орқали қувур тортилиши кўрсатилган бўлса, уни ким лойиҳалаштирган?

### Такси нега охириги бекатга бормайди?

Йиғинда бундан бошқа муаммолар ҳам бисёр. Масалан, маҳалла ўғил-қизлари ҳудуддаги 24-умумтаълим мактабида ўқийди. Таълим муассасаси эса камида 3 км. узоқликдаги Тахиятош катта магистраль йўлининг иккинчи томонида жойлашган. Ўқувчилар йўлни кесиб ўтишига тўғри келади. Болалар боғчаси ҳам мактаб ёнида жойлашган. Қишнинг совуқ ва қор-ёмғирли кунларида таълим масканларига қатнаш қийинчилик туғдирмоқда. Бу борада шаҳар ҳокимлигига, ҳудуддан сайланган депутатларга мурожаатлар қилинган. Лекин улар масалани қоғозга ёзиб олиш ва қуруқ ваъда беришдан нарига ўтмаган.

Бундан икки йил олдин аҳоли тегишли жойларга мурожаат қилавериш, шимолий автовокзалга олиб борувчи йўналишли таксиларнинг сўнгги бекатгача етиб келиши амалга оширилган эди. Лекин Хўжайли гузари бўйида чала битган автовокзал фаолияти йўлга қўйилгач, йўналишли такси ҳайдовчилари йўлни 3 км.га қисқартириб, сўнгги бекатгача бормаяпти. Олдинда қиш, агар мазкур муаммо ўз ечимини топмаса, аҳолининг яна қийналишига тўғри келади.

— Янги автовокзал ишга тушгач, кўплаб йўналишли таксилар

билмайман», дейди. Икки ўртада йўлдан айрилдик. Масъулларнинг ўзи ҳам келиб, бу йўллардан бир кун юрса эди, шунда бизни тушунармиди...

### Масъуллар нима дейди?

Мазкур муаммонинг ечимини, аҳолини қийнаётган саволларга жавоб топиш мақсадида иссиқхонага сув тармоғини тортиш бўйича масъул саналган Нукус шаҳар ҳокими ўринбосари Пўлат Қудияровга мурожаат қилдик.

— Асосийси, иссиқхонани ўз вақтида ишга туширишимиз керак эди, — дейди у. — Аҳоли сабр қилиб турса, ҳаммаси ўз ўрнига қайтади. Яқин вақт ичида йўлни қайтадан таъмирлаб, аввалгидек қилиб берамиз.

Ҳоким ўринбосарининг бу жавоби ҳеч кимни қаноатлантирмадлиги тайин. Аммо мутасаддилардан бундан ортиқ маълумот олиш имкони бўлмади. Тўғри, ҳокимлик номидан ваъда берилляпти, лекин оддий одамларни бу сўзларга ишонтириш учун, аввало, амалий иш кўрсатилиши керак. Негаки, йўлнинг бузилганига ҳам салкам беш ой бўлди. Бу деярли ярим йил дегани. Шунча вақтгача бир кўчага шағал тўшаб бермагач, одамларнинг ишончи сўниб бораверади. Биз бу гап билан тадбиркорлик фаолиятини қораламоқчи эмасмиз. Қорақалпоғистон шароитида иссиқхона

### ХАБАР:

#### «Жанубий Устюрт» миллий табиат боғи ташкил этилади

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, Қўнғирот тумани ҳудудида давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклида умумий майдони қарийб 1,5 млн. гектарга эга бўлган «Жанубий Устюрт» миллий табиат боғи барпо этилади. Табиат боғининг хўжалик мақсадида фойдаланиш зоналаридаги ерлар ушбу ҳудудларда жойлашган ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар ихтиёрида қолади. Табиат боғи Давлат экология қўмитасининг таркибий бўлини маси ҳисобланади.

схемаларида ўзгаришлар бўлди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлигининг тарифларни шакллантириш, тендерларни ўтказиш сектор бошлиғи Адилбай Пирназаров. — Шимолий автовокзалгача масофа 12-13 километр чиқади. 20-йўналишда эса бор-йўғи 4-5 та «Газель» қатналяпти. Шу боис улгуриш қийин бўляпти. Биз учун бу баҳона бўла олмайди, албатта. Муаммони янада чуқурроқ ўрганиб чиқиб, мурожаатнинг ижобий ечимини топишга ҳаракат қиламиз.


Бугун ҳар бир мутасадди инсонларнинг дарду ташвиши билан яшаши, уларнинг оғирини енгил қилиши шарт. Нукус шаҳридаги «Жийдали Бойсун» маҳалласи мисолида эса, афсуски, бунинг аксини кўрдик. Умид қиламизки, масъуллар ўз вақтида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш учун барча чора-тадбирларни кўради. Биз эса мавзуга яна қайтамыз.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ  
«Mahalla»



1-6-синфларда SCIENCE (табиий)  
фани ўқитилиши режалаштирилмоқда.

**Б**угунги кунда бутун дунёда ДНК текширувлари ишончли ва самарали усул ҳисобланиб, унинг тармоқлари йилдан-йилга ривожланмоқда. Худди шундай, Ўзбекистонда ҳам бундай текширувларга эҳтиёж йил сайин ортиб бормоқда. Айтиш керакки, юртимизда Марказий Осиёда биринчи бўлиб одам ДНКси суд-биологик экспертизасини ўтказиш йўлга қўйилган. Бу амалиётни Халқаро аккредитация аттестатини қўлга киритган Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази амалга оширади.




# ҚАРИНДОШЛИКНИ АНИҚЛАШДАГИ ЭНГ ИШОНЧЛИ ТАДҚИҚОТ

## Генетик паспорт қандай аниқланади?

Маълумки, олдинлари ДНК экспертизаси суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг қарори, суднинг ажрими асосида ўтказилар эди. Эндилқда фуқароларнинг ўзи ҳам бу масалада тегишли муассасага мурожаат қилишга ҳақли.

— ДНК экспертизаси босқич-ма-босқич олиб бориладиган мураккаб жараён бўлиб, хусусан, биологик материаллардан ДНК молекулаларини ажратиш ва тозалаш, ДНКнинг миқдорий ва сифат таҳлилинини ўтказиш, амплификация (ДНК махсус қисмларини миллион нусхагача кўпайтириш), генотиплаш ҳамда солиштирма таҳлил қилишдан иборат, — дейди **Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази лаборатория мудири Наргиза Солиева**. — ДНК таҳлили жараёнида ҳар бир индивиднинг айнан ўзига хос бўлган, ўзгартириб, қалбақлаштириб бўлмайдиган ноёб «генетик паспорти» — генотипини аниқлаш мумкин. ДНК даражасида аниқланаётган индивидуал белгилар деярли ўзгармас бўлиб, организмнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг биологик изларида ҳам ўзгармас ҳолатда сақланиб қолади. Шу боис ДНК таҳлили ёрдамида ўтказилган шахс идентификацияси қариндошликни аниқлашда энг



ишонарли тадқиқотлардан бири деб эътироф этилади.

ДНК экспертизаси ёрдамида нафақат шахс идентификацияси, балки турли даражадаги қариндошликни, одамларнинг келиб чиқиши, яъни маълум бир генетик шажарага тегишли экани, қандай касалликларга мойиллиги, уларнинг олдини олиш йўллари аниқлаш имкони бор. Шунингдек, у табиий офатлар, техноген фожиялар ва террористик актлар натижасида топилган, таниб бўлмас ҳолатда келган тана қолдиқларини аниқлашни назарда тутади.

Одамнинг ҳар қандай биологик материаллари, жумладан, қон, сўлак, сочлар, тўқималар, бошқа органлар, оғиз бўшлиғидан олинган суртма, ажратмалар, қон ва тана ажратмаларининг қуриб қолган излари, тишлар, аборт қилинган материал, мурда объектлари, суяклар ва суяк фрагментлари, юмшоқ тўқималар ва бошқалар ДНК экспертизаси объектлари ҳисобланади.

## Оталикни белгилаш ҳолатлари кўпайган...

ДНК экспертизаси нафақат одам шахсини, балки одамларнинг ўзаро яқин қариндошлик алоқаси бор-йўқлигини ҳам аниқлаш имкониятларига эга бўлиб, шу сабабларга кўра, бу услубнинг туғруқхоналарда бола алмаштириш, бола ўғирлаш, вояга етмаган ва хотирасини йўқотган шахсларни аниқлашда аҳамияти

ўта муҳим ҳисобланади.

— Афсуски, кейинги пайтларда оталикни белгилаш бўйича мурожаатлар кўпайган, — дейди **Х.Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертизаси маркази лаборатория мудири Асилбек Норматов**. — Шубҳагумонларга ДНК текширувлари аниқлик киритиб беради. Баъзи оталар келади, «Ишқилиб фарзандим ўзимники бўлиб чиқсин-да», дейишади. Афсуски, кўпинча акси бўлади. Ичимиз ачишади бизнинг ҳам... Айрим ҳолларда алиментдан бўйин товлаган оталар ҳам учраб туради. Биологик оталик фактини аниқлаш бўйича тадқиқотлар фуқароларнинг аризасига биноан ёки терговчи, прокурор, суриштирувчи, судьянинг қарори ва суднинг ажрими асосида ўтказилади.

Биринчи ҳолатда фуқаролар ўз хоҳишига кўра, марказга ариза билан мурожаат қилиб, қон ёки сўлак намуналарини топширади ва тадқиқотлар учун тарифда белгиланган тўловни амалга оширади. Бунда ота-она ва боладан солиштирма намуналар олинади. Нега айнан уч кишидан олинади? Боиси бола ҳар бир ген участкасидаги, ҳар бир локусидаги аллеллардан бирини онасидан олган бўлса, иккинчисини отасидан олган бўлади. Шунингдек, агар гумонда отанинг акаси, укаси ёки бирор бир яқин қариндоши бўлса, генларнинг тасодифий мос келиб қолиши хавфи мавжуд. Шу боис бу жараёнда онанинг ҳам намунаси тадқиқ қилинганда, бундай мослик кузатилиши деярли нолга тенг бўлади.

## Барча соҳада ўз ўрнига эга

Айрим жиноятларни фош этишда ҳам ДНК текширувлари ҳулосаларига таяниш амалиёти қарийб 20 йилдан буён мавжуд. Бундан ташқари, мазкур экспертиза туридан фуқаролик ва маъмурий ишларга аниқлик киритишда ҳам фойдаланилади. ДНК текширувлари криминалистикада зарур намуналар мавжуд бўлган ҳолда, жиноятчи ёки қурбоннинг шахсини бугунги кунда илму фанга маълум энг аниқ услубда топиш имконини бериши билан муҳим ҳисобланади.

Содда қилиб айтганда, уйни ўғри урсаю, бир дона соч толаси жиноят жойига тушиб қолса, унинг шахсини аниқлаш қийинчилик туғдирмайди. Ёки айбсиз йигитга зўрлаш жинояти бўйича тухмат қилинса, бўҳтонни фош этиш учун қисқа муддатли текширув кифоя. Бу эса ўз-ўзидан жиноятни фош қилишда тез ва самарали услуб ҳисобланади.

Марказда «DNA expert» автоматлаштирилган дастурий комплексидан иборат ДНК маълумотлар базаси 2006 йилда ишлаб чиқилган. Мазкур базага ҳозирги кунда 40 мингта генотип киритилган бўлиб, улар бир неча туркумлар бўйича тақсимланган. Охириги беш йил ичида бу база ёрдамида нафақат мамлакатимизда, балки яқин хорижий давлатларда шахсга қарши оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган ўта хавfli жиноятчиларнинг шахси аниқланган.

## ДНК экспертизаси нархи қанча?

Тергов ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳужжатлари билан тайинланган ДНК экспертизалари бепул, фуқаролик ишлари бўйича судлар ва жисмоний шахсларнинг аризаларига кўра тайинланган экспертизалар тўлов асосида ўтказилади.

Ҳозирги кунда ушбу тўловларнинг 3 хил тарифи белгиланган. Жумладан, оддий ДНК экспертизасининг нархи 2 083 707 сўмни ташкил этади. Ўртача мураккабликдаги тадқиқотларнинг нархи 4 021 189 сўм, мураккаб экспертизалар учун белгиланган тўлов эса 6 214 564 сўм этиб белгиланган.

**Нилуфар ЮНУСОВА**  
«Mahalla»

Ҳозирги кунда ушбу тўловларнинг 3 хил тарифи белгиланган. Жумладан, оддий ДНК экспертизасининг нархи 2 083 707 сўмни ташкил этади. Ўртача мураккабликдаги тадқиқотларнинг нархи 4 021 189 сўм, мураккаб экспертизалар учун белгиланган тўлов эса 6 214 564 сўм этиб белгиланган.

Хунарманд-шогирдларга QR-кодли махсус гувоҳнома берилади.

**Ф**арғона – кўҳна ва бетакрор, қадимий ва навқирон масканлардан. Гўзал табиати, мусаффо ҳавоси, унумдор ерлари билан асрлар давомида ўз ҳайратини кўз-кўз қилиб келаётган ажиб масканда муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар, тарихий обидалар фарғоналикларнинг ўтмиши, бугунги ёрқин келажагидан дарак беради.



## ФАРҒОНАДА ТУРИЗМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ҚАЙ ДАРАЖАДА РИВОЖЛАНМОҚДА?

Кейинги йилларда аждодаларимиздан қолган бой маънавий-маданий ёдгорликлар, осори-атиқалар, бетакрор она табиатига дунё ҳажмиятининг қизиқиши ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, туризм салоҳиятини ривожлантириш, йўналишлар, тармоқлар фаолиятини ташкил этиш имкониятини бермоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу йўналишда янги саҳифа очди, мавжуд муаммолар қўламини бартараф этишга шароит яратди.

### Экотуризм – янги йўналиш

Вилоятда ўнлаб янги экотуризм марказларини ташкил этиш борасида амалий ишлар бошланган. Жумладан, Фарғона тумани Водил қишлоғидаги «Чинор таги», Аввал қишлоғида жойлашган «Етти булок», Учкўприк туманидаги «Меҳригиё», Қўқон давлат ўрмон хўжалиги, Қувасой шаҳридаги «Водий тулпорлари» от спорти мажмуаси, Қува туманидаги «Каркидон» сув омбори қирғоқлари, «Фарғона анорлари» ҳамда «Миндонобод» агросаноат фирмалари бўйлаб саёҳатлар ташкил этиш борасида янги лойиҳалар ишлаб чиқилган.

– Ҳозирда «Каркидон» сув ҳавзаси қирғоқларида 12 та ана

шундай дам олиш масканларини барпо этиш учун маҳаллий ва хорижлик инвесторларни жалб этиш борасида иш олиб борилмоқда, – дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Музаффар Темиров. – Умумий майдони 10 гектарни ташкил этган масканда спорт майдонлари, бассейн, ошхона, меҳмонхона сингари кўплаб инфратузилма тармоқлари қурилади. Шунингдек, Бешариқ туманининг Қияли ва Андархон қишлоқлари ҳамда Сўх туманида экотуризм лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Чимён қишлоғи, Олтиариқ туманининг Қизилтепа қишлоқларига «туризм қишлоғи» мақоми берилишини таъминлаш ҳамда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида меҳмон уйлари ташкил этилмоқда. Халқаро аҳамиятга эга бўлган «Ягона туризм коридори» туризм инфратузилмасини ташкил этиш борасида истиқболли лойиҳалар амалга ошириляпти.

### Хунармандчилик туризми ривожланади... (ми?)

Вилоятда туризм йўналишида янги тармоқ – хунармандчилик туризмни ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу бежиз эмас. Марғилон ипак матолари, Риштон кулолчилик буюмлари, Қўқон ёғоч ўймакорлиги намуналарининг ўтмиш ва бугунги кун асрлар давомида дунёҳамжамиятини ўзига мафтун этиб келади. Бу йўналишда туризм объектларининг ташкил этилаётгани хорижлик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

– Президентимиз жорий йил 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида водийнинг туристик салоҳиятларидан бири – хунармандлар марказлари фаолиятини йўлга қў-

йиш борасида муҳим вазибаларни белгилаб бергани, – дейди «Хунарманд» уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Расулжон Мирзахмедов. – Айни кунда Марғилон шаҳри ва Риштон туманида хунармандлар марказлари ташкил этилди. Бу ерга келган сайёҳлар хунармандчиликнинг осори-атиқалари билан танишиш асносида ипак матолари тўқиш, кулолчилик буюмлари тайёрлаш жараёнларининг бевосита гувоҳи бўлган ҳолда ўзлари танлаган маҳсулотларни харид қилиш имкониятига эга. Хунармандлар марказларида сайёҳларнинг келиб-кетишлари, дам олишлари, маҳсулот харид қилишлари билан боғлиқ керакли шароитлар яратиб берилди.

### Фақат шугина эмас...

Вилоятда барча шаҳар ва туманларни ўз ичига олган «Водий ҳалқаси» (Fergana Valley Circuit) номли сайёҳлик маршрути ишлаб чиқилмоқда. Унинг интернет ва мобил иловалар орқали барча фойдаланадиган электрон харита ҳам яратилади. Туризм салоҳияти юқори бўлган Риштон, Қува, Учкўприк, Олтиариқ, Ёзёвон, Бешариқ ва Ўзбекистон туманларида стенд кўринишидаги туристик хариталар ўрнатилади. Вилоятдаги қишлоқларга «туризм қишлоғи» мақоми берилиб, ҳар бир ҳудудда «тарих ва маданият музейлари» ташкил этилади.

### Шоҳимардон чорлайди

Шоҳимардон – мўъжаз ва сўлим қишлоқ. Унинг бетакрор табиати, мусаффо ҳавоси, қўл ва булоқлари, зилол сувлари ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Оқ сув билан Кўк сув дарёлари кўҳна масканга ўзгача улуғворлик бағишлайди. Қишлоқ қадим-қадимдан Фарғона водийси аҳолисининг энг азиз зиёратгоҳи, дам олиш маскани бўлиб келган. Бу ерда Ҳазрат Али Шоҳимардон, шоҳ Толиб сингари тарихий шахсларнинг мақбаралари бор.

Вилоятда туризм салоҳиятини

юксалтириш борасидаги амалий ишлар тоғ қишлоғида туризмнинг экологик ва алпинизм йўналишларини ривожлантириш имкониятини берди. Шу мақсадда «Шоҳимардон» ва «Ёрдон» маҳалла фуқаролар йиғинида «Шоҳимардон экотуризм маркази» ташкил этилди. Марказ йилнинг тўрт фаслида ҳам сайёҳлар учун қизиқарли лойиҳаларни таклиф этмоқда. Дам олувчи сайёҳлар қишлоқнинг сўлим табиати, маданий ёдгорликлари билан танишиш асносида кўшни Қирғизистон Республикаси ҳудудида жойлашган «Кўк-кўл» ва «Дугоба» дам олиш масканларида бўлиш имкониятига эга.

### Ҳаммаси яхши, бироқ...

Бир жиҳатдан ҳаммаси яхши. Бироқ соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, туманларда бугунги кун талабига жавоб берадиган замонавий меҳмонхоналар йўқ. Бундан ташқари, агротуризм йўналишида таклиф этилаётган айрим дам олиш масканларида сайёҳлар ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган интернет, йўл, ичимлик суви, табиий газ, электр таъминоти билан боғлиқ бўлган инфратузилма тармоқлари бугунги кун талабларига мос келмайди. Хусусан, «Каркидон» сув омбори ҳавзасига олиб борувчи йўл таъмирлашга муҳтож. Қолаверса, ҳудудни тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳам ўз ечимини кутиб турибди. Бу табиий равишда сайёҳларни жалб этиш, малакали хизмат кўрсатиш ишларида қатор ноқулайликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Сирасини айтганда, вилоятда туризм салоҳиятини ошириш, турларини кўпайтириш учун кўплаб имкониятлар бор. Фақат ундан самарали фойдаланиш, Фарғонани туризм масканига айлантириш борасида янги лойиҳа ва ташаббусларни ҳаётга тадбиқ этиш талаб этилади.

Расул КАМОЛ  
«Mahalla»

### Мавзуга оид маълумот:

Фарғона вилоятида 113 та археологик, 136 та меъморий, 84 та диққатга сазовор жойлар, 38 та монументал ёдгорлик сингари моддий-маданий мерос объектлари мавжуд.

Жомбойда 7 минг тоннадан ортиқ мева маҳсулотлари экспортга чиқарилди.

**К**ейинги йилларда мамлакатимизда хусусий таълим муассасаларига кенг шароит яратилмоқда. Шу боис хусусий мактаблар, олий таълим муассасалари сони ошиб бормоқда. Негаки, бундай таълим муассасаларида ўқитиш тизими ва сифати, шароит ва имкониятлар ҳам яхши. Бу масала Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида ҳам алоҳида қайд этилиб, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларидаги навбатлилик коэффициентини 0,7 дан паст бўлган умумтаълим муассасаларини тажриба-синов тариқасида хусусий сектор вакиллариغا 5 йилга ишончли бошқарувга берилиши белгилаб қўйилди.



## ХУСУСИЙ СЕКТОР

# ТАЖРИБАСИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШГА

## ХИЗМАТ ҚИЛАДИМИ?

Давлат-хусусий шериклик тамо-йиллари асосида ташкил этилаётган мактаблар-чи? Уларнинг халқ таълими тизимига қандай фойдаси бор? Давлат ушбу лойиҳаларга молиявий томондан ҳам шерик бўладими? Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган брифингда **Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Сарварбек Саъдуллаев** халқ таълими тизимида давлат-хусусий шериклик асосида мактаблар фаолиятини ташкил этиш борасидаги ана шундай саволларга атрофлича жавоб берди.

– Давлат-хусусий шериклик икки томон, яъни давлат ва хусусий секторнинг имкониятларини бирлаштирган ҳолда ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топиш учун моддий ресурсларнинг бирлаштирилиши ҳамда лойиҳа бўйича хавф-хатарларни томонлар ўртасида тақсимланиши назарда тутилади, – дейди **Сарварбек Саъдуллаев**. – Шунингдек, **Халқ таълими вазирлиги давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилаётган нодавлат умумтаълим муассасаларининг олаётган молиявий даромадларига ҳамда фойдасига аралашмайди ва шерик бўлмайди. Аксинча, тадбиркорлик субъектларига маълум миқдордаги ўқувчиларни бепул ўқитиш каби ижтимоий мажбуриятлар юклатилади.**

### Давлат-хусусий шерикликнинг аҳолига қандай фойдаси бор?

– Халқ таълими соҳасини олиб қарайдиган бўлсак, биринчи ўринда, давлат балансидаги фойдаланилмасдан турган ёки самарадорлиги паст бўлган объектлар тадбиркорлик субъектларига фойдаланиш ёки бошқариш учун топширилади. Қўшимча иш ўринлари, замонавий инфратузил-

ма ҳамда ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Шу билан бирга, давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида давлат инфратузилмалари ташкил этилиши мумкин. Жумладан, ҳозирда Халқ таълими вазирлиги Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида 4 та ва Тошкент вилоятида 12 та давлат умумтаълим мактаблари ташкил этилиши бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда. Бугунги кунда тегишли қарор лойиҳаси мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда тайёрланмоқда.

### Хусусий мактаб битирувчилари қандай кўринишдаги шаҳодатнома олади?

– Авваллари нодавлат умумтаълим муассасалари битирувчилари мазкур мактабнинг шаҳодатномасини олиш имкониятлари йўқ эди. Улар давлат умумтаълим мактабларида экстернат тариқасида якуний имтиҳон топшириб, давлат умумтаълим мактаби шаҳодатномасини олар эдилар. Бугунги кунда тегишли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, нодавлат умумтаълим муассасалари ҳам худди давлат умумтаълим мактаблари сингари битирувчиларига давлат намунасидаги шаҳодатнома беришларига шароит яратилди.

### Нечта хусусий мактаб фаолият юритмоқда?

– Бугунги кунга келиб, республика бўйича умумий 140 та тўлиқ хусусий нодавлат умумтаълим муассасалари фаолият юритмоқда. Шунингдек, 18 та нодавлат

умумтаълим муассасаси ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар имзоланган. Биргина Тошкент шаҳри мисолида оладиган бўлсак, унда 52 та нодавлат умумтаълим муассасаси мавжуд. Охириги йилларда нодавлат таълим секторига бўлаётган эътибор ва давлат-хусусий шериклик механизмлари ҳисобига нодавлат умумтаълим муассасалар сони 6 бараварга ошган.

### Нега энг яхши лойиҳалар пойтахтда, ҳудудларга қачон етиб боради?

– Бугунги кунда халқ таълими соҳасида имзоланган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини географик жойлашувидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, 23 та давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг атиги 4 таси Тошкент шаҳрида, қолган 19 таси республикамиз ҳудудларида амалга оширилмоқда. Лойиҳаларнинг аксарият қисми Тошкент шаҳрида пилот лойиҳа сифатида ишга туширилиб, улардаги учрайдиган муаммо ва камчиликлар бартараф этилган ҳолда бутун республикага жорий этилади.

### Лойиҳада қатнашмоқчи бўлганлар қаерга мурожаат қилиши керак?

– Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ташаббус этиш истагидаги тадбиркорлик субъ-

ектлари лойиҳа концепцияси ва лойиҳани баҳолаш ҳужжатини ўз аризаларига илова қилган ҳолда Халқ таълими вазирлигининг худудий бўлинмаларига юборишлари мумкин. Шунингдек, лойиҳа концепциясининг намунавий шакли ва лойиҳани баҳолаш ҳужжатининг тайёрлаш тавсифи Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига илова сифатида кўрсатиб ўтилган.

### Коэффициенти паст мактабларини хусусий секторга топширишдан мақсад нима?

– Ҳозирда Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Нукус шаҳри ва бошқа туман ва шаҳарлар марказларидаги умумтаълим мактабларининг айримлари замонавий инфратузилмага эга эмас ва тўғри бошқарув тизимлари йўлга қўйилмаган. Барчамизга маълумки, хусусий сектор бозор иқтисодиёти шароитида ўз ихтиёридаги ресурслардан унумли фойдаланиш, самарадор бошқарув тизимларини жорий этиш ва илғор таълим технологияларини жалб этиш бўйича анча олдинда. Шу сабабли, хусусий сектор тажрибасини давлат умумтаълим мактабларида жорий этиш орқали ушбу мактабларнинг рақобатбардошлигини ва таълим сифатини ошириш, умумтаълим муассасасининг натижадорлик кўрсаткичларини юқори даражага олиб чиқишга эришиш мақсадида навбатлилик коэффициенти 0,7 дан паст бўлган мактабларни хусусий секторга ишончли бошқарувга бериш йўлга қўйилмоқда.

**Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.**



**Бухоро маҳаллаларида «Ҳуқуқий маслаҳат марказлари» ташкил этилади.**

Ватанпарварлик ҳар бир инсонга болалигидан сингдириб борилиши зарурлиги баҳссиз ҳақиқат. У онага, отага, туғилиб ўстан маҳалласига, шаҳару қишлоғига нисбатан шаклланиб келади. Бу ғоялар болаларга оилада, маҳаллада, таълим даргоҳида, катта бўлганида эса олий таълим муассасаси, ҳатто иш жойида ҳам уқтирилишда давом этилади. Зеро, бусиз давлат қилиш, миллат бирлигини сақлашнинг имкони йўқ.

Шу маънода ўтган ҳафта Халқ таълими вазирлиги «Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш» дастури доирасида ҳар бир мактабда дарслардан олдин мамлакатимиз мадҳиясини куйлаш, танаффус пайтида эса радиоузеллар орқали ватанни тараннум этувчи шеърларни эшиттириш тўғрисида қарор қабул қилганди. Аммо негадир ташаббус жамиятимизда қарама-қарши фикрларга сабаб бўлди. Бу болалар учун кераксиз эканини таъкидлайдиганлар ҳам топилди. Танаффус пайтида болалар дам олишлари зарурлиги, радиоузел орқали тинмай янграйдиган шеърлар эса уларга руҳий эмоционал босим бўлишини айтганлар ҳам кўпчиликти ташкил қилди. Мавзу юзасидан мутахассислар ва жамоатчилик фикри билан қизиқдик.

### Янги Ўзбекистон — янгича дунёқараш

Кейинги уч-тўрт йил мобайнида халқимиз янги тартибларга кўра яшай бошлагани, ўзига хос янгича дунёқараш шаклланиб бораётгани шубҳасиз. Жамият демократлашув, эркин бозор принциплари, очиқлик ва ошқоралик томонига қайтариб бўлмас жиддий қадамлар қўйди. Аммо тан олиб айтиш керакки, кўпчилик буни ҳали тўлиқ англаб етганича йўқ. Ҳатто айрим юқори мансабдорлар ҳам жамиятдаги ўзгаришлар, интилишлар ва тенденцияларни ҳали илғамаган. Янгича шароитларда қандай ишлаш, нима қилишни билмай юрганлар ҳам талай.

Ноябрь ойидан Ўзбекистон бўйлаб «Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш» шиори остида ўтказилаётган кенг кўламли маънавий-маърифий тадбирлар ана шу камчиликларни бартараф этиш мақсадига йўналтирилган.

— Шу муносабат билан, вазирлигимиз томонидан умумтаълим мактабларида тарғибот тадбирларида ўқиладиган шеърлар, ватанпарварлик руҳидаги кўшиқлар эшиттирилишини ташкил этиш

# ШЕЪР АЙТИБ, ВАТАНПАРВАРЛИКНИ КУЧАЙТИРСА БЎЛАДИМИ?

бўйича тавсиялар, фойдаланиш учун тавсия этилган видеороликлар рўйхати тасдиқланган, — дейди



Халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод Кенжаев. — Танаффус вақтида эшиттириладиган

кўшиқлар — машҳур ўзбек хонандаларининг Ватан ҳақидаги куй-кўшиқларидир. Булар қаторига ўзбек адабиётининг намояндalари — Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқа ёзувчи-шоирларнинг ижод намуналари ҳам киритилган. Умуман, рўйхатда 50 нафар ижодкорнинг шеърлари ўрин олган. Кўшиқлар рўйхатида эса 41 нафар хонанданинг шунча миқдордаги ижод намунаси келтирилган.



са, тақдим этиладиган асарлар ҳаётий ва адабий тажрибага эга адабиётшунослар, мутахассислар томонидан танлаб олинган бўлса. Болаларимиз ана шу шеърлар ва кўшиқлар оғушида ҳам югураверишади, ўйнайверишади. Бу танаффусни ўғирлаш эмас, аксинча ундан унумли фойдаланиш бўлади, холос. Шу жараёнда болада нафақат Ватанга, балки адабиётга ҳам меҳр уйғонади, бадий савия, дид шаклланади. Агар шу тажрибани жойларда тўғри йўлга қўйса, эҳтимол, кейинги авлод «ликкил-ликкил» кўшиқлар, алмойи-жалмойи шеърларга ўч бўлиб тарбияланмас. Тўғриси, ижобий ташаббус айримлар томонидан қақшатқич танқид қилингани мени ҳайратлантирди. Болаларимиз Ватанга муҳаббат билан ўсишидан кўрқадиганлар борлигидан таажжубга тушдим.

йўл кўймаслиги кераклиги белгилаб қўйилган. 45 минут ўқиган болага танаффус лозим. У югурсин. Қувлашсин. Уни зўриқтириш педагогика илми ва бола психологиясига зид. Энди дарсдан олдин мадҳия айтиш масаласига келсак...  
Мадҳия, бу — давлат рамзи. Бу рамз махсус маросим ва эҳтиромни тақозо қилади. Мадҳия айтилганида, одамлар қўлини кўксига қўйиб, қотиб туриши лозим. Бу маросимни болалар ўз табиатига кўра жиддий амалга ошира олмайди. Ҳар куни мадҳия эшитавериб, зада бўлади. Мен маъқул кўрмадим бу тадбирни. Ҳатто энг мафкуравий совет тизими ҳам танаффус пайтида болаларни тинч қўйган. Ватанпарварлик ҳам бир мафкура, биз уни ягона ижтимоий онг шакли, дея ўқувчига сингдира олмаймиз.

### Адабиёт ҳеч қачон зарар етказмайди

Бундан ташқари, айрим фаоллар бу каби тадбирлар аввалроқ Туркменистон Республикасида ҳам қўлланилгани ва акс натижа берганини таъкидлашмоқда. Аммо ташаббус юртимиздаги адабиёт ихлосмандлари ва намояндalари томонидан жиддий қўллаб-қувватланмоқда.

— Адабиёт, шеърият ҳеч қачон бола онгига ҳам, руҳиятига ҳам зарарли таъсир ўтказмайди, — дейди Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Носиржон Зоҳидов. — Айниқ-

Мадҳия, бу — давлат рамзи. Бу рамз махсус маросим ва эҳтиромни тақозо қилади. Мадҳия айтилганида, одамлар қўлини кўксига қўйиб, қотиб туриши лозим. Бу маросимни болалар ўз табиатига кўра жиддий амалга ошира олмайди. Ҳар куни мадҳия эшитавериб, зада бўлади.

### Хўш, бунинг нимаси ёмон?

Ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, бунинг нимаси ёмон? Ахир, болаларимиз Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим», Абдулла Ориповнинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?», Муҳаммад Юсуфнинг «Чиноримсан, Ватаним» каби шеърларини тинглаб, ёд олиб ўсса, келажак жамиятимиз учун бирор зарари тегадими? Аммо шунга ҳам қарши чиқадиганлар топилди.

— Бу ҳолат ўқувчилардан танаффусни ўғирлаб, уларни мафкуравий зўриқтириш ҳисобланади, — дейди руҳшунос олим Маҳмуджон Йўлдошев. — Конституциямизнинг 12-моддасига кўра, ҳеч бир мафкура, хусусан, ватанпарварлик мафкурасини ҳам ўқувчиларга ягона мафкура ўлароқ сингдиришга

### Педагоглар нима дейди?

Жараён билан бевосита дуч келаётган педагогларнинг фикри ҳам турлича. Масалан, математика, кимё ва бошқа аниқ фанлардан таълим берувчи мураббийлар ўзларига ўзбек тилидаги видео ва аудио қўлланмалар етишмай турган бир пайтда маблағларни бу соҳага йўналтиришни нотўғри, деб ҳисоблайди. Тарих, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари эса янгиликни қўллаб-қувватлашмоқда.

Бизнингча ҳам, албатта, ватанпарварлик зарур. Энг зўр кимёгарлар, физиклар, дастурчиларни тарбиялаган тақдиримизда ҳам уларнинг қалбида она замин, она халққа нисбатан меҳр бўлмаса, фойдаси йўқ. Демак, халқ таълими тизими мазкур соҳаларнинг барчасини бирдек ривожлантириши, зарур қўлланмалар билан таъминлаб бориши лозим.

Улуғбек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»

Талабалар тураржойларида касалликка чалинган талабаларни изоляция қилиш учун «Қизил зона» ташкил этилади.

**К**ийим киши ҳақидаги илк тасаввурни берувчи восита. Шунинг учунми, ҳамиша ташқи кўри-нишга эътиборлимиз. Ўқиш, иш, спорт, уй ва тўй маросимлари учун алоҳида либослардан фойдаланамиз. Бироқ бугун бу мезонлар ўзгаргандек: ўқиш ва иш жойида спорт кийими, жамоат жойларида тантанавор либосдаги одамлар ва ҳоказо.

## «ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МОДАСИ»

# МИЛЛИЙЛИКНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА

## ТАРҒИБ ЭТА ОЛАДИ?

Иш ва спорт йўналишидаги либослар омухтасига эса аллақачон кўзимиз ўрганди. Ахир, бу — мода! Хуллас, ҳар ким ўзига қулайини киймоқда. Бироқ ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бўлгани, яхши.

Хўш, замон тезлашган, ҳар сонияда тусланаётган мода ўзгаришларию фикрий ривожланишлар палласида бу меъёрни қандай ушлаш мумкин? Кўр-кўрона тақлид орқали танланаётган либослар, миллийликни фақат адрасу атлас дея тушунувчилар, қайси кийимни қандай даврага кийиб бориш ҳақида тасаввурга эга бўлмаганлар билан қандай ишлаш керак? Нима қилинса, сиз ҳам, кабоб ҳам қуймайди? Олий Мажлис Сенати, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва ҳамкор ташкилотлар тақдим этаётган янги лойиҳа «Нафосат — 2020» фестивали айни вазият учун самарали ечим бўла оладими? У нимаси билан бошқа фестиваллардан фарқ қиладию, қандай лойиҳаларни қамраб олади?

### Фестивални ўтказишдан мақсад нима?

— Фестиваль аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ўзбек миллий кийиниш маданияти тарғиботини ташкил этишга қаратилган, — дейди Олий Мажлис Сенати Раиси ўринбосари Зайниддин Низомхўжаев. — Кийиниш одоби ахлоқий маданиятнинг муҳим элементларидан биридир. Албатта, ўзбек аёлларини бошқа миллат вакиллари билан ажратиб турувчи, уларнинг иффати, шарқ аёли тимсолини тўлиқ намоён этувчи белгилардан бири — миллий кийимларидир. Азалдан миллийлигимиз жозибасига айланган ўзбек аёлларининг кийиниш маданияти, бошларига рўмол ўраши шарқ халқларига хос юксак маънавият ифодаси. Фестивалнинг асосий мақсади — ташкилотларда фаолият юритаётган хотин-қизларнинг кийиниш услуби, улар ўртасида миллий ва замонавий, менталитетимизга мос кийимлар андозасини жорий қилишдан иборат.

### Лойиҳа — тўрт босқичда ўтади

Фестивалнинг олдига қўйган яна бир муҳим вазифаси миллий қадриятларимизни ва аёллар либосларидаги замонавий мода йўналишларини бирлаштириб, виждон ва эътиқод эркинлигини ҳисобга олган ҳолда ўзбек миллий модасини шакллантиришдан иборат. **Тўрт босқичда ўтказиладиган лойиҳанинг биринчи босқичи** Бухоро шаҳрида Навоий,



Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд вилоятлари мутахассислари иштирокида ўтади. Унга аҳоли, айниқса, ёшлар орасида машҳур бўлган, интернет тармоқларида кўп сонли кузатувчиларга эга, янги либос коллекцияларини яратибгина қолмай, уларни халқ орасида кенг тарғиб қила олаётган мутахассислар, таниқли шоу-бизнес вакиллари, актрисалар, хонанда, дизайнерлар жалб этилади. **Иккинчи босқич** — Фарғона вилоятида Андижон, Наманган вилоятлари мутахассисларини жамлайди. **Учинчи босқич** эса Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси нозик дид вакиллари билан бир ерга тўплайди. **Яқиний босқич** Тошкент шаҳрида Тошкент ҳамда Сирдарё вилояти мутахассисларини ўзаро фикр алмашишга чорлайди.

### «Ўзбек миллий модаси» яратиларми?

— Фестиваль доирасида ўзбек миллий либосларини яратиш ва тарғиб этишга қаратилган тадбирлар ташкил этилади, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглигини таъминлаш масалалари бўйича қўмита бош маслаҳатчиси Нодира Шотурсунова. — Шу мақсадда ноанъанавий либосларни

маъқул кўрадиган, имижи билан ёшлар орасида машҳур шоу-бизнес вакиллари, актрисалар, хонандалар, дизайнерлар рўйхати шакллантирилади. Вилоятлар бўйича ўз худудида машҳур бўлган дизайнерлар, мода ательелари, ёшлар етакчилари, маҳаллалар фаоллари билан тарғибот тадбирлари ўтказилади. Шунингдек, мода индустрияси вакиллари, дизайнерлар, олий ҳамда ўрта махсус таълим ўқув юртларида мода, дизайн йўналиши бўйича таҳсил олаётган иқтидорли талабалар ўртасида «Нафосат» кўрик-танлови ташкил этилади. Миллий қадриятларимиз ва аёллар либосларидаги

замонавий мода йўналишларни бирлаштириб «Ўзбек миллий модаси»ни яратиш ва унинг намоёнишини кенг йўлга қўйиш режаси ишлаб чиқилади. Интернет тармоқларида «Ўзбек миллий модаси», «Замонавий ўзбек аёли», «Миллий либослар» номларида гуруҳ ва каналлар фаолияти йўлга қўйилади. Аёлларда миллий либос ҳақидаги тасаввурни уйғотишга қаратилган «Ўзбек аёллари учун миллий модани шакллантириш ва кийиниш маданияти» номи давра суҳбатлари эса ўзаро фикр алмашиш майдонига айланиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, аҳоли, айниқса, ёшларни миллий кийиниш маданиятига муносабати ҳамда қизиқишларини ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровномалар ўтказиш режалаштирилган. Сўровномаларни ишлаб чиқиш учун соҳа вакиллари билан иборат ишчи гуруҳ тузилади. Ўзбек миллий кийиниш маданиятига бағишланган «Ўзбек аёли», «Миллий кийиниш маданияти», «Ўзбек миллий либослари» каби оммабоп, бадий ва илмий нашрлар тайёрланади. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари учун миллий либослар ҳақида тезислар тайёрланади ва тарқатилади. Тарбияланувчилар ўртасида эса «Мен атлас кияман» танлови ўтказилади.

### Замонавий ўзбек аёли образи яратилади

— Либос кишининг диди, дунёқараши ҳамда хулқ-атворидан дарак беради, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Гулнора Маъруфова. — Кийим инсон маънавий дунёсининг бир қисми эканини ўқувчи-ёшлар онгига сингдириш мақсадида миллий либосларга қаратилган туркум тарғибот тадбирлари ҳам ўтказилади. Тарғибот тадбирлари режасини ишлаб чиқишда таълим муассасаси талаба-қизлари ўртасида «Ўзбек миллий либослари» номи кўргазма ташкил этиш ҳам инobatта олинган. «Замонавий ўзбек аёли» образи шаклланган, миллийлик акс этган замонавий либосдаги кийиниш услуби ҳақида фильм ишлаш ва намоёниш этиш ҳам кўзда тутилган. Янги ишланаётган фильм, сериалларда «Миллий либос», «Замонавий ўзбек аёли» тимсолини яратиш юзасидан танлов ташкил этишни ҳам режалаштирганмиз.

### Қандай танловлар ўтказилади?

Фестиваль доирасида турли танловлар ҳам ўтказилади. Чунончи, «Раҳбар ва ишбилармон аёл», «Талаба қиз», «Ижодкор аёл», «Рўмол ўраш санъати» каби баҳслар шулар жумласидан. Уларда 18 ёшдан юқори бўлган опа-сингилларимиз қатнашиши мумкин. Кўрик-танловлар низомлари, ҳайъат аъзолари таркиби, баҳолаш мезонлари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тез орада ҳудудларга етказилади.

Фестивалда иштирок этамиз, албатта. Фестиваль ўз олдига қўйилган мақсадларга қай даражада эришишига эса яқинда гувоҳ бўламиз. Демак, яқин орада мавзуга яна қайтамиз.

Садоқат МАХСУМОВА  
«Mahalla»



**Қашқадарё вилоятида 94 фоиз ерга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган.**



**Ф**арғона туманидаги сўлим Чимён қишлоғида умргузаронлик қилаётган Шухратжон Ўринбоев имконияти чекланган бўлса-да, ҳаётда ўз ўрнини топган кишилардан. Унинг икки қўли, оёқлари йўқ. Аммо тирсақлари ёрдамида маҳорат билан расм чиза олади.



## ҚАЛАМ ЭМАС,

# ҚАЛБ ЧИЗГАН СУРАТЛАР

Мато мойбўёққа ишланган суратларни томоша қиларкан-сиз, уларнинг ҳар бирида шакл ва мазмун уйғунлиги, тасвирлар жилоси, ҳаётнинг оҳанрабосини ҳис этасиз. Баҳор фасли пейзажида гуллаган ўриклар қалбида соғиниш туйғусини уйғотса, ерга тўшалган япроқлар гўё умрдан сарҳисоб сўраётгандек.

Гарчи ногирон бўлса-да, яхши кишилар меҳр-муҳаббатини ҳис қилиб улғайган Шухратжон тушкунликка тушмади, ўксинмади. Аксинча ҳаётга ҳаминша умид билан боқди, фақат олдинга интилди, изланди. Бу саъй-ҳаракатлар уни ҳаёт мактабида ўз ўрнини топишга, бир оиланинг муносиб фарзанди, оилабоши бўлиш имкониятини берди.

### Тоғдек бардош, илоҳий қувват барчасини ортда қолдирди

Шухратжоннинг хонадонида дов-дарахтлар, мевали боғлар маъсум кузнинг сўнгги оийи ҳукмронлигини кўрсатиб турибди. Сикиқ табассумли Шарофат аянинг дардлари, армонлари дилидан ти-

чизишни билмаса-да, нуридийдасини бутун борлиқ, табиатни севишга чорлади. Онаизорнинг кўмаги билан фаслларнинг тароватини ўз кўзи билан кўриб, қалбидан идрок эта олишга ўрганди.

### Ҳавас, ҳаваслигича қолмади

Дастлаб шунчаки ҳавасдан бошланган саъй-ҳаракатлар йиллар силсиласида ривожланиб, тараққий этди. Ёш рассомнинг ҳаётга, атрофда бўлаётган табиат гўзаллигига бўлган муносабати, қарашлари ўзгарди.

Шухратжон онаизор учун бир умрлик меҳнат бўлиб қолмади. Улғайгач, ногиронлик аравачасида юришни ҳам ўзига эп кўрмади. 8-синфгача мактабга бормаган бўлса ҳам ўқитувчи-устозлари кўмагида ҳамма фанларни яхши ўзлаштирди. Фарғона давлат университетида таҳсил олди. Айни кунда ўзи ўқиган Чимён қишлоғидаги 15-умумтаълим мактабида чизмачилик фанидан



истеъдод соҳиби билан ҳаминша фахрланамиз, – дейди «Қурилиш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоштемир Аминжонов. – У нафақат ижодкор, балки маҳалла ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳар бир ишда фаол ва ташаббускор. Маҳалламизда унга ҳавас қилиб ижод қилишга иштиёқи бор ёшлар кўп. Шу боис мусаввирлик тўғрисида ва кўргазмалар учун жой ажратиш борасида иш олиб боряпмиз.

Кам бўлишмасин, қиш мавсуми олдида хонадонга 3-сектор томонидан 1,500 тонна кўмир берилди. Туман ободончилик бўлими ишчилари ҳовли саҳни учун шағал ётқизиш, бардюрлар қуришди.

### Тасвирларга кўчгану муҳрлангандек гўё

Қалам эмас, қалб чизган суратлар. Шухратжоннинг қалбидаги орзу-ўйлар, чин инсоний ҳислар шундоққина

таж, натюртмортлар ишлади.

1999 йили Тошкентда бўлиб ўтган Ўрта Осиё Ногиронларининг расмлар фестивалида биринчи ўринни эгаллади ва Кореядаги клиникалардан бирига йўлланма олди. У ердан оёқли протез билан қайтди.

### «Энг яхши рассом»

Жисмоний имкониятлари қанчалик чекланмасин, унинг маънавий олами тобора юксалиб бораверди. Буюк алломалар, давлат арбоблари, қишлоқнинг ҳурматли инсонлари портретлари, Фарғонанинг тоғли масканлари, боғу роғлари, обидалари, тарихий қадамжолари, қишлоқ кўчалари, халқнинг қадриятлари, урф-одатлари ҳаваскор мусаввирнинг ижод намунасига айланди, ундан куч-қувват олди.

Шу кунгача рассомлик санъатининг турли жанрларида саксондан ортиқ суратлар чизди. 2018 йилда унинг ижодий ишлари пойтахтда, Амир Темур хиёбонида ташкил этилган кўргазмадан жой олди ва республика миқёсидаги кўрик-танловда «Энг яхши рассом» номинацияси ғолиби бўлди.

– Биз Шухратжондек тозақалб,

тасвирларга кўчгану муҳрлангандек гўё. Унинг ўқувчиси Мадина ва Фарғона давлат университети талабаси Робахон истеъдодли мусаввир сифатида шаклланиб боряпти.

– Ҳар бир муваффақият ортида яқинларим меҳр-муҳаббати, қўллаб-қувватлашлари мужассам, – дейди Шухратжон. – Мен улардан куч-қувват оламан, янги ғоя, мақсадларим замирида уларнинг сиймоси мужассам. Улардаги одамийлик, бағрикенглик каби хислатларни мойбўёқлар ёрдамида бус-бутунича кўпга кўрсатишга ҳаракат қиламан.

Дарвоқе, ҳаваскор рассомнинг турмуш ўртоғи Дилноза Фарғона давлат университетида таҳсил олган. Лекин умрининг энг қайноқ йилларини турмуш ўртоғини парваришлашга, икки фарзандининг таълим-тарбиясига бағишлашга аҳд қилди. Бу аҳд ногиронлиги бўлган, маънавий олами бутун бир инсонга садоқат ва вафонинг амалий кўриниши сифатида кўпга ибрат бўлиб келмоқда.

Расул КАМОЛ  
«Mahalla»



лига кўчиб дафтаримизга тўкилди.

Фарзанди дунёга келган кунидан бошлаб ўн беш йил мобайнида оқ ювиб, оқ тараб парваришлаган онага осон бўлгани йўқ. Лекин тоғдек бардош, илоҳий бир қувват билан барча қийинчиликларни мардонавор енгди. Илк бор тирсақларини букиб, қалам тутқазди, санашни, ёзишни ўргатди. Сурат

ёшларга сабоқ бериб келмоқда.

У тасвирий санъат оламига кириб келганда мактаб ёшига ҳам етмаганди. Ўртоқлари тўп тепиб, сакраб-сакраб ўйнаб юрган маҳалда уйда жимгина сурат чизиб ўтирарди. Яратганининг кароматини қарангки, унинг тирсагига бўлган иккала қўли қалам ушлашга мойил. У ана шундай ҳолатда портрет, пей-



Кредит бюрларини лицензиялаш тартиби ўзгартирилди.

# Сатрларга кўчган тақдирлар

**М**атбуот, хусусан, босма нашрлар нечоғли ўқувчини қизиқишига сабаб бўлаётгани мухлис-лардан келаётган мактублар салмоғига боғлиқ. Газета ва газетхон ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали таҳририят ўз фаолиятини янада жонлантиради, янги рукн ва мавзулар очилади. Хабарингиз бор, «Mahalla» газетасида ҳам «Бизга мактуб йўллабсиз...» номли рукн ташкил этилган. Унда, асосан, мухлисларимиздан келган энг долзарб, қизиқарли мактубларни эълон қилиб борамиз. Бу сафар ҳам ана шундай хатларни саралаб, эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

## МЕНГА ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИ ТАЙИНЛАНАДИМИ?

Ассалому алайкум, «Mahalla» газетаси ижодкорлари! Мен Хоразм вилояти Урганч тумани Мунис Хоразмий кўчаси 12-уйда яшайман. Ҳозирда вақтинча ишсизман. Оиламни боқишни, ўзим мустақил маблағга эга бўлишни жуда хоҳлайман. Аммо иш йўқлиги учун чорасиз қолганман.

Бўш қоп тик турмас, деганларидек, ён-атрофдаги инсонларнинг юмушларини бажариб, мавсумий иш билан шуғулланаман. Ахир, оила ва рўзғор юки, қолаверса, икки нафар



фарзандимни боқиш керак. Улар ҳали анча ёш. Катта фарзандим энди 4 ёшга тўлди, кичигим 3 ёшда. Аксига олиб, аёлим ҳам фарзанд тарбияси билан шуғулланаётгани учун ҳеч қаерда ишламайди.

Бу сатрларни ўқиганлар мени ва аёлимни дангасалиқда, боқимандаликда айблаши мумкин. Бундай инсонлар хулоса чиқаришга шошилмасликларини илтимос қилардим. Чунки мен ҳам, аёлим ҳам муносиб иш топилса, ҳалол меҳнат қилиб, оиламиз камини тўлдиришга тайёрмиз. Бир-икки танишлар маслаҳати билан туман бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат қилдим. Айтишларича, мен каби ишсизларни шу ташкилот рўйхатга олиб, иш тавсия қиларкан. Аммо мурожаатимни рад этишди. Кейин маҳалла фуқаролар йиғини раисига ҳам учраб, моддий ёрдам сўрагандим. Улар ҳам ижобий жавоб беришмади. Айниқса, карантин пайтида қийналяпмиз. Илтимос, менга ёрдам беринглар!

Эргаш ЯНГИБОВ.

## «ЯХШИЛАР ЁРДАМИГА МУҲТОЖМАН»

Мен Фарғона шаҳридан мурожаат қиляпман. Сабаби, жуда ночор аҳволда қолдим. Ўзим оилада ёлғиз қизман, ёшим 29 да. Оилалиман, бир нафар фарзандим бор. Ўтган йили онам вафот этганларидан кейин аҳволим янада ёмонлашди. Мени тушундирган, менга ҳамдард бўладиган инсон қолмади.

Турмуш ўртоғим билан ота уйда яшайман. Эрим ҳеч қаерда ишламайди. Ўзим эса фарзанд тарбияси билан банд-



ман. Борган сари паймонам тўлиб бормоқда. Нима қилишга бошим қотган, чорасизман.

Маҳалла фуқаролар йиғини томонидан менга бирор-бир ёрдам кўрсатишнинг имкони борми? Ахир, шу кунларда барча жойларда «Аёллар дафтари» шакллантириляётгани, унга мен каби хотин-қизлар киритиляётгани ҳақида ўқияпман. Сизлардан илтимос, менга ва мурғак боламга ёрдам беринглар!

Моҳида АЛЛАЕВА (исм-фамилия шартли)  
Фарғона шаҳри.

## «УСТАМА ПУЛЛАРИ БЕРИЛАДИМИ?»

Маълумки, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг штат бирликларини тасдиқлаш ҳақидаги буйруқнинг 6-бандида 2-тоифадаги туман бўлимларидаги Ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик бўйича 0.5 мансаб бирлигидаги бош мутахассис лавозимига ҳар ойда моддий рағбатлантириш фондидан 15 фоиз, ойлик маошининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда устама тўлаш жорий этилсин, деб кўрсатилган.

Аммо туман молия бўлими томонидан мана шу устама қўшиб тўланмаяпти. Ҳаттоки, 0,5 мансаб бирлигидаги ходимга табелда (эрталаб соат 08 дан 19 ва 20, балки ундан кўп вақт ишласа ҳам) 8 соат кўрсатилмоқда. Шунингдек, ходимнинг умумий меҳнат фаолиятига тўланмаган фоиз маблағлари туман молия бўлими томонидан фақат бюджет ташкилотларида ишлаган ходимларгагина устама фоиз тўланади, холос. Ёки ҳар худуднинг молия бўлимларига меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича алоҳида кўрсатма берилганми? Бу ҳолат 2020 йил 18 февралдан буён давом этмоқда. Бу тўғрисида вилоят бошқармасига қилган мурожаатимиз туфайли 30 фоизлик устамамининг 5 ойлигини тўлашди. Лекин умумий меҳнат стажига ҳозирга қадар устама тўланмайди.

Р.НОСИРОВ,  
Уйчи тумани.

## КЎМИР ЖУДА СИФАТСИЗ

Ассалому алайкум, «Mahalla» газетаси жамоаси. Биз Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги «Шовот» маҳалла фуқаролар йиғинидан мурожаат қиляпмиз. Маълумки, ҳукуратимиз томонидан газ этиб бормаган худудлар аҳолисини кўмир маҳсулоти билан таъминлаш белгилаб қўйилган. Бунинг учун масъуллар ва уларнинг вазифалари тасдиқланган. Бизнинг маҳаллада ҳам газ этиб бормаган 144 хонадон мавжуд бўлиб, уларнинг рўйхатини шакллантириб бердик. Шу асосда кўмир берилмапти. Аммо етказиб бериляётган кўмир жуда сифатсиз. Масъуллар шуни назоратга олиб, ижобий ёрдам беришса яхши бўларди.

Сара РАЖАБОВА,

Ҳазорасп тумани «Шовот» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Мактубларни Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ саралади.

## НЕГА МАСЪУЛЛАР БЕЪЪТИБОР?

Мен Самарқанд шаҳар Мирзо Бедил номли маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган кўп қаватли уй бошқарувчиси бўлиб ишлайман. Аввало, юртимизда олиб бориляётган эзгу ишлардан миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан биз яшайтган кўп қаватли уйларда яшовчи фуқаролар ҳам доимий қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Муаммоларимиз вақтида ҳал этилмоқда.

Аммо яқинда бир нохуш ҳолат юз бериб, ечим топилмаяпти. Шу боис сизларга мурожаат қиляпмиз. Яъни кўчамиздаги труба ёрилиб кетиши натижасида ундан газ сизиб чиқмоқда. Бу муаммони ҳал этиш учун «Тумангаз» идорасига мурожаат қилсам, борамиз, дейишди. Лекин келишмаяпти. Газ ҳиди шу атрофдаги кўп қаватли хонадонларгача етиб борапти. Бир неча марта мурожаат қилдим, лекин эътибор берилмаяпти. Ахир, бу ҳолатда эртага катта муаммо келиб чиқиши мумкин. Нега масъуллар бунга эътибор бермаяпти?

Ҳурмат билан, Шаҳризода САИДҚУЛОВА.

Зоминда велосипед ҳамда пиёдалар учун «Саломатлик йўлакларини» барпо этилади.

Хабарингиз бор, газетамизда «Бизга мактуб йўллабсиз...» рукнини ташкил этгандик. Ўтган қисқа вақт давомида ушбу саҳифамизга муштарийлардан кўплаб мактублар келди. Хатларда жойлардаги муаммою камчиликлар ҳам, ўзгаришлардан миннатдорлик сўзлари ҳам, турли ҳаётий тажрибалар асосида чиқарилган хулосалар ҳам баён этилган. Қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

# «ШУ БЕШИК ОНАНГ ТУНЛАРНИ ТОНГГА УЛАБ, СЕНИ УЛҒАЙТИРГАНИГА ГУВОҲ»



## ТАРОЗИДАН УРИШ — КАТТА ГУНОҲ

Динимизда тарозидан уриш катта гуноҳ ҳисобланади. Муштарийларга айна мавзуга доир ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани баён қилмоқчиман. Бу воқеага йигирма йилча бўлди. Айна пишиқчилик пайти эди. Уйдагилар бозордан шакар олиб келсам, мураббо, шарбат қилмоқчи эканини айтишди. Урганч бозорига тушиб, қандалотчилик расталаридан шакар нархини суриштира бошладим. Сотувчиларнинг деярли барчаси бир хил нархни айтишди. Лекин бир ёшгина йигит бошқалардан 50 сўм юқори нархни айтди. Нега бундайлигини сўраганимда, у бошқалар тарозидан уришини, унинг тарозиси эса аниқ-тўғри эканини айтди. Ундан 20 килограмм шакар тортиб беришини сўрадим. У қопни очиб, 5 килодан тортиб, бошқа бир қопга сола бошлади. Сотувчи йигит тўртинчи марта тарозига тортаётганида, хаёлимга бир фикр келди ва ундан 25 килограмм тортишини сўрадим. Сотувчи шундай қилди ва менга қопни узатди.

Мен ундан сўрадим:

- Бу қопга 25 кило солдингми?
- Ҳа, сиз айтгандек 25 кило.
- Очган қопингга шакар 50 киломиди?
- Ҳа, шундай.

— Ундай бўлса, ҳар иккала қопда 25 килодан шакар бор, шундайми?

Йигит ўйланиб туриб:

- Худди шундай.
- Унда менга нариги қопни бер, — дедим.
- Йўқ, сиз ўзингиз торттирган қопни олинг, унисини бермайман, — деди.

Ундан нега бермаслигини, ҳар иккала қопдаги шакар тенг бўлиши кераклигини айтсам, у нариги қопда камроқ бўлиши мумкин, деди.

— Майли, розиман, шу айтганимни беравер, — дедим.

Шу пайт нариги томондаги растада савдо қилаётган аёл шахд билан келиб, менга:

— Нима деяпсиз? — деди.

Мен йигитга айтганларимни қайтарган эдим, у менга шундай ўшқира бошладики, шу атрофдаги барча одамлар йиғила бошлади. Мен аёлдан:

— Ўғлингиз кўз олдимда 50 килолик қопни очди, шундан 25 кило тортиб, бошқа қопга солиб берди. Мен унга ҳар иккала қопда ҳам бир хил 25 килодан шакар бўлиши керак, менга янги очган қопда қолган шакарни бер, дедим. Шунда мен нимани нотўғри қилдим? — деб сўрадим.

Буни эшитган аёл шундай жанжал кўтардики, гўё мен унга жуда номақбул талаб қўйгандек бўлиб қолдим. Яна: «Шунақа ҳам ноинсоф одам бўладими?» дегани ортиқча бўлди. Атрофдаги одамлар орасида: «Кўрдингизми, булар тарозидан уриш гуноҳ эканини била туриб, Худодан ҳам кўрқмайди», деган гаплар эшитила бошлади.

Шунда мен у аёлга яна бир таклиф билдирдим: «Майли, менга ҳар иккала қопни ҳам беринг, мен сизга 50 килога пул тўлайман». Бироқ у бунга ҳам рози бўлмай, шанғиллашни давом эттирди. Мен бу аёл билан келишиб бўлмаслигига кўзим етиб:

— Майли, менга ўғлингиз тарозидан тортган шакарни бераверинг. Фарқи минг, икки минг сўм бўлар, бу мени сувга йиқитмас, лекин айнан сизга ўхшаганлар туфайли юртга қимматчилик келади, — деб шакарни олиб кетдим...

Эргашбой ХЎЖАКОВ,  
меҳнат фахрийси, Хоразм вилояти.

## «РОЗИЛИГИМИЗНИ ОЛ, БОЛАМ...»

Оқил фарзандлар ота-онага доимо яхши муомалада бўлишлари шарт. Айниқса, кексалик ёшига етиб, ёрдамга муҳтож чоғларида фарзандларнинг масъулияти янада ортади. Афсуски, кексайиб қолганда ота-онасининг ҳолидан хабар олмайдиган, пўписа қилиш, улар олдида «уф» деб кўнгилларини ранжитадиган бемехр фарзандлар ҳам учраб туради.

Айниқса, дорига муҳтож кекса ота-онага дорининг қимматлигини пеш қилиб, оғриниб даволатадиган фарзандларни кўриб, уларга шундай дегим келади: «Эй фарзанд, мана бу бешикни кўряпсанми?! Шу бешик онанг тунларни тонгга улаб, сени улғайтирганига гувоҳ. Ўзи емай-едирган, ўзи киймай-кийдирган ҳам ота-онанг бўлади. Сен битта дорини миннат билан олиб берган ота-онанг сенга бутун борлигини бахш этган. Уларнинг дуосини олиш — энг олий бахт. Бу дунё — қайтар дунё. Кексайган чоғингда уларга қилганинг фарзандларингдан қайтмайди, дея олмайсан. Ота-онанг — давлатинг, суянчиғинг. Уларни қанча рози қилсанг, дуоларини олсанг, рўзғорингда кут-барака бўлади».

Буларни айтиш, ўргатиш ва тушунтириш биз, кексаларнинг вазифамиз. Токи, жамиятимизда ота-онасини қадрламайдиган фарзандлар бўлмасин.

Умар ПЎЛАТОВ,  
меҳнат фахрийси, Навоий вилояти.



## «БИРЛАШГАН»ДА БУНЁДКОРЛИК АВЖИДА

Айни дамда бутун дунё пандемиядан азият чекаётган бир пайтда юртимизда бунёдкорлик ишлари бир дақиқа бўлса-да, тўхтаб қолгани йўқ. Буни биргина Тўрақўрғон туманидаги «Бирлашган» маҳалласи мисолида ҳам кўриш мумкин. Маҳалламиз учун янги бино қуриб берилди. Гапнинг очиғи, собиқ 90-автокорхона биқинидаги аввалги кичик, пастқам, тор, нурсиз бино маҳаллага ярашмасди.

— Маҳалла биносини қуриш учун маблағ бўлмаса-да, лойиҳасини тайёрлатдик, — дейди «Бирлашган» маҳалласи раиси Мухторжон Норматов. — Бино қурилишини бошлаш учун ҳудудда яшовчи тадбиркорларни жалб этдик. Маҳалла ҳомийларининг маслаҳат кенгашини чақирдик. Ҳомийлар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, қурилиш материаллари, техника воситалари, электр жиҳозлари ва маблағлари билан катта ёрдам кўрсатишди. Бу хайрли ишларда Раҳимжон Аҳмадалиев, Соибназар Ҳақназаров, Ҳақимжон Абдуллаев, Абдурашид Расуловлар ва уларнинг оила аъзоларининг улушлари беқиёс. Қолаверса, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимининг хайрия фондидан биномиз учун 45 миллион сўм

маблағ ажратилгани давлатимиз, қолаверса, маҳаллий туман ҳокимлиги ташкилотларининг маҳалла учун катта эътибор, ғамхўрлигининг самарасидир.

Яна бир бунёдкорлик ишлари эски автокорхона ўрнида амалга ошириляпти. Натижада тадбиркорлар саъй-ҳаракатлари билан юздан ортиқ ишчи ўринларига замин яратилмоқда. Худудимизда яшовчи аҳолининг қишин-ёзин тоза сувга эҳтиёжи катта эди. Ҳозирда 25 миллион сўм маблағ сарфланиб, маҳалла аҳолисига тоза ичимлик суви етказиб берилди. Ўтган асрнинг 60-йиллари охирида тортилган эски сув тармоқларидан воз кечилиб, пишиқ-пухта қувурлар ётқизилди. Шунингдек, аҳолининг табиий газ ва электр энергиясига бўлган талабини қондириш борасидаги ишлар ҳам авжида. Хусусан, 50 дан зиёд хонадонга «зангори олов» етказиб берилди. Хуллас, маҳалламизда бунёдкорлик ишлари авж паллада. Бундан маҳалла фаоллари ҳам, оддий одамлар ҳам мамнун.

Қодиржон АБДУКАРИМОВ,  
Ўзбекистон Журналистлари  
ижодий уюшмаси аъзоси.



Ўзбекистон биринчи маротаба  
Венеция архитектура биеналесида иштирок этади.



# «РАНГСИЗ ТУШЛАР»: ИЖТИМОЙ ВОҚЕЛИКЛАР БИР АЁЛ ТИМСОЛИДА АКС ЭТТИРИЛАДИ

Одам савдоси — аср муаммоси. Афсуски, ҳар йили минглаб одамлар ана шу иллат қурбони бўлмоқда. Унга қарши қанчалик курашилмасин, мазкур фаолият кимлар учундир аллақачон замонавий бизнесга айланиб улгургани ҳам айна ҳақиқат. Айниқса, хотин-қизларнинг ушбу иллатга ўралашиб қолиши, ўзи ишонч билдирган кишилар тарафидан сотиб юборилиши ачинарлидир.

Таниқли режиссёр Аюб Шаҳобиддиновнинг «Рангсиз тушлар» фильми айнан шу мавзуда бўлиб, психологик картина ҳисобланади. Ушбу фильм премьерасига бир йил тўлмасиданоқ қатор халқаро фестиваллар, жумладан, Анапа шаҳридаги «Киношок», Қозон шаҳридаги «Мусулмон фильмлари фестивали», «Фреско» (Арманистон) ва «Лукания» (Италия) кинофестивалларида иштирок этишга, ҳатто совриндор бўлишга ҳам улгурди. Жорий йил якунига қадар ҳам мазкур картина VI Халқаро хотин-қизлар фестивали ҳамда Жакарта мезбонлик қиладиган XV Осие фильмлари кинофестивалида иштирок этади.

## Фильм муваффақияти сири нимада?

Хўш, фильм томошабинга нима бера олади? Унинг муваффақияти сири нимада? Фильм моҳиятида нима ётади?

— Фильмга қўл уришдан олдин кўп ўйладим, — дейди А.Шаҳобиддинов. — Томошабинга реал ҳаётни кўрсатиб беришга ҳаракат қилдим. Фильмда ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, хорижда озодликдан маҳрум этилган ўзбек аёлининг ўз оиласига қайтиб, меҳр-оқибат излаши ва ўзлигига қайтиши, хато қилган одамнинг тўғри йўлга кириши жараёнидаги драматик ва психологик вазиятлар кўрсатилди. Бош қаҳрамон Кашмира Дубайда 17 йиллик қамоқ жазосини ўтаб, ўз ватанига қайтиб келиб, жамиятга қўшилиш ҳолати тасвирланган. Картина инсон ўз «мен»ини ҳар қандай шароитда: қамоқхона деворларида, жамиятда ёки оилада ўзгартиришининг бир неча муҳим жиҳатлари илгари сурилган. Бош қаҳрамон аста-секин оиласида, жамиятда ўз ўрнини топиш ҳуқуқига эга эканини исботлаши керак эди. Бунда у фақат қатъият ва ирода туфайли кучли шахсга айланиши мумкинлигини англаб етади.

Шунингдек, фильмда жамиятда жазо муддатини ўтаб келган шахсларга нисбатан ноўрин муносабатнинг шаклланиши, «одамлар нима дейди» каби қарашлар ортидан пайдо бўладиган ижтимоий муаммолар кўтарилган. Бу жамиятимизнинг энг оғриқли нуқтаси


саналади.

Фильмда ролларни актёрлар — Феруза Саидова, Карим Мирҳодиев, Шоҳида Исмоилова, Бекзод Абдумухитов ва Асал Абдуллаева ижро этишган. Сценарий муаллифи Умид Ҳамдамов, оператор Азизбек Арзикулов, рассом Шамшод Иброҳимов ва композитор Убайдулло Каримовлар биргаликда иш олиб боришган.

## Жабрдийдалар қиёфасини тасвирлаш қийин

— Ушбу сценарийга қўл уришимга 2008 йилдаги воқеалар сабаб бўлган, — дейди Умид Ҳамдамов. — Ўша пайтда одам савдоси жуда авж олган эди. Менга таниш бир инсон бўларди. Камтарин ва доим ўзини яхши инсон сифатида кўрсатиб келган. Аммо ўшанда ёнимизда ким юрганини ва одамнинг кўнглида, хаёлида нима борлигини билиш барибир қийин экан, деган хулосага борганман. Чунки унинг қинғир ишлар қилиб юргани, араб давлатларига қизларни сотиб келганини эшитиб, ишонишим қийин бўлган. Бу шахс қонунан ўз жазосини олган. Энг ачинарлиси, бегуноҳ ва дунёнинг кирдикорларини тушунмаган қизларнинг тақдири нима бўлди, деган савол қийнаган. Кашмира ҳам худди шундай ўзбек қизи эди. У 17 йилдан кейин янги ҳаёт қуриш илнжиди ватанга қайтади. Аммо жамият ва унга яқин бўлган инсонларнинг қабул қилиш жараёни қийин кечади. Бу ерда кучли психологик тўқнашувлар кўрсатилган. Миллатимизга хос характерларни очиб беришга ҳаракат қилганман. Ўзбек аёлининг феъл-атвори кўрсатилган. Сабр-тоқат, уят, маъсулият барчаси мужассамлашиб кетган.

Дарҳақиқат, фильмда кичик персонажларда ҳам характерни кўриш мумкин. Ота-она, опа-укалар муносабати очиб берилган. Қамоқхонадан чиққанлар рўйхатга олиниши ва уларга нисбатан бўлган муносабатлар яққол тасвирланган. Айниқса, ота-онаси бўла туриб, етимдай ҳаёт кечираётган болакайнинг руҳияти очилган. Чунки жамиятимизда бундай воқеалар кўп.



## ДАРВОҚЕ...

«Ўзбекино» Миллий агентлиги томонидан республика бўйлаб «Бизнинг кино» акцияси ўтказилмоқда. «Янги Ўзбекистон — янгича дунёқараш» дастурига асосан, «Илҳақ», «Авлоний», «Ибрат», «Тенгиз», «101» бадиий фильмлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Намойишлар кинотеатрлар, мактаблар, Меҳрибонлик уйлари, дам олиш масканлари, маданият марказлари, маҳалла гузарлари ва диспансерларида ташкил этилган. Кино намоишларига кириш бепул!

## Дард, изтироб, соғинч уйғунлиги

Фильмнинг сьемка жараёнлари Тошкент ва Олмалиқ шаҳарларида олиб борилган. Хориж тасвирлари ҳам картинага киритиб кетилган.

— Ҳар бир қўлимга тушган сценарий билан танишар эканман, мен учун ўша қаҳрамонлар янгилик бўлиши керак, — дейди актриса Феруза Саидова. — Ниманидир ҳис эта олишим зарур. Янгилиги бўлган сценарийлар асосида суратга олинган фильмларда ишлашни ёқтираман. «Рангсиз тушлар» худди шундай сценарий эди. Қаҳрамоннинг ҳаёт йўли менда қизиқиш уйғотди. Хорижда бошига мусибат тушиб, анча йиллар ватанига қайтиб келолмай, бегона юрт қамоқхонасида азобланган аёл руҳиятини кўрса-

тиб бериш мушкул. Чунки унда дард, изтироб, алам, соғинч — барча-барчаси мужассамлашиб кетган. Жамиятга қайтиб келган қаҳрамонимга кўпчилик яхши муносабатда бўлмайди. Қабул қилишмайди. Аммо қаҳрамоним ўзгарганди. У аввалги қиз эмас. Бироқ унга бўлган муносабатлар ва ён-атрофдагиларнинг фикри ўзгармаган эди. Обозимни яратиш учун бор маҳоратимни ишга солдим.

## Оскар мукофотига номзод

Сайёрамининг энг нуфузли киномукофоти ҳисобланган 93-Оскар тақдирлаш маросимининг «Энг яхши халқаро бадиий фильм» номинациясига Ўзбекистон номидан Жаҳонгир Қосимовнинг «Ибрат», Аюб Шаҳобиддиновнинг «Рангсиз тушлар» ва Ёлқин Тўйчиевнинг «Фурданинг икки минг қўшиғи» фильмларидан бири илгари сурилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Оскар қўмитаси 2021 йилнинг 25 апрель куни Лос-Анжелес шаҳрида бўлиб ўтадиган энг нуфузли маросим танловида иштирок этиши учун муносиб номзод бўйича сўнгги қарорини шу йилнинг 20 ноябрь куни эълон қилади. Оскар регламентига мувофиқ, мукофотга номзод фильмларга тақдимот бўлгунга қадар телевидение ва интернет тармоғида намоиш этилмаган бўлиши талаб қилинади.

\*\*\*

Фильм ҳақидаги охириги хулосани ҳар доим оддий томошабин беради. Агар ҳақиқатан ҳам, кино томошабин юрагини забт эта олса, у қайси давлатники ёки миллатники бўлмасин, ижтимоий муаммоларни кўрсата олгани ва психологик жараёнларни очиб берганидан далолатдир. Уйлаймизки, «Рангсиз тушлар» фильмининг парвози ҳам янада юксак бўлади.

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»



Ўзбек ва қозоқ халқларининг қадимий дўстлиги ҳақида бадиий фильм суратга олинди.



Матлуба ДАДАБОЕВА:

# «ҲАР БИР ОИЛАДА мақом куйи чалиниши керак!»

Хоҳ телевидение, хоҳ радио орқали узатилсин, мумтоз кўшиқ янграганда, беихтиёр тебрана бошлайсиз. Оҳанг ва ижрода гўёки бир сеҳр бору, ўйга толасиз. Кўп йиллардан бери мухлислар қалбини мақом санъати ижроси билан забт этиб келаётган Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева билан ўзбек кўшиқчилик санъати тарихи, мавқеи ва «тишга тегадиган» муаммолари хусусида суҳбатлашдик.

— Ўзбек кўшиқчилик санъатида учта йўналиш шаклланган: мақом, лирика ва эстрада. Мақом улар орасида катта тарихий йўлни босиб ўтгани, чуқур илдизга эгаллиги билан ажралиб туради. Унинг ривожланиш босқичлари хусусида нима дея оласиз?

— Мақом мусиқа, шеърият ва рақс санъатларини мужассамлаштирувчи бадиий ҳодисадир. Ўзбекистоннинг мақом санъати чолғу, ашула йўли ва туркумлари Бухоро «Шашмақом»и, «Хоразм мақомлари» ва «Фарғона — Тошкент мақом йўллари» асосида шаклланган бўлиб, улкан чинор каби илдиз отган. Санъатнинг бу турига қадам кўйган хонанд ҳам, созанда ҳам ана шу илдизнинг боқийлигини, теран маъносини чуқур англайди ва уни ҳеч қачон тарк эта олмайди. Мақом санъатининг сеҳру жозибаси ҳам шунда бўлса керак.

Умумий тузилиши ва туркумларга бўлиниши, номланиши жиҳатидан Бухоро ва Хоразм мақомлари бир-бирига яқин туради. Фарғона — Тошкент мақомларининг икки йўналиши орасида ҳам узвийлик бор. Жуда катта маданий меросни асраб-авайлаш, унинг кадр-қимматини кўтариш бўйича бошланган бугунги саъй-ҳаракатлар, албатта, мақом санъатининг обрў-эътиборини юксалтиради. Халқ ҳофизлари — Маъмуржон Узоқов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Ориф Алимахсумов, Муроджон

Аҳмедов, Малоҳат Дадабоева, Эсон Лутфуллаевлар ижроси давом эттирилмоқда. Бунга, аввало, ҳукумат даражасида эътибор қаратиляпти.

Давлатимиз раҳбарининг мақом санъатини ривожлантиришга йўналтирилган бир нечта фармон, қарор ва фармойишлари қабул қилинди. Айниқса, «Ўзбек миллий мақом санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ, Ўзбек миллий мақом санъати марказининг очилиши, мумтоз ва замонавий аудио, видеоёзувларнинг жамланиб, «олтин фонд»га киритилиши, мақом ижроларининг нотага солиниши ва илмий-назарий жиҳатдан ўрганилиши санъатнинг бу турини ривожлантириш пойдевори бўляпти.

— Қадимий шаҳар — Самарқандда «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали 1997 йилдан бери ўтказилади. Халқаро доирадаги фестивалда ўзбек кўшиқчилик ва мусиқа санъатининг айнан қайси жиҳатлари кўпроқ эътироф этилмоқда?

— 2019 йил август ойида «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали ўн иккинчи бор Самарқанднинг Регистон майдонида ўтказилиб, 75 та давлатдан 340 нафар вакил иштирок этди. Фестивалга ташриф буюрган Индонезия, Малайзия, Бангладеш, Иордания, Туркия, Озарбойжон каби кўплаб давлат вакиллари танбур, дутор, рубоб, доира, най, карнай-сурнай каби чолғу асбобларимизга катта қизиқиш билан қараб, сотиб олганини кўрганман. Ўзбек мумтоз мусиқа санъатининг ҳазинлиги, ижро услубидаги вазминлик, ўйчанлик, ғазал ва оҳангнинг бири-бирига мутаносиблиги меҳмонларни лол қолдиради. Охириги бор ўтказилган «Шарқ тароналари»да Гран-при ватандошимиз Меҳринигор Абдурашидовага насиб этиб, унинг 10 минг АҚШ доллари билан мукофотланиши фестивал иштирокчилари ва ҳакамлар ҳайъатининг ўзбек мусиқа санъатига берган юксак эътирофи бўлди.

— Телеэкран орқали намойиш этилаётган эстрада йўналишидаги кўшиқлар клипи нафақат мавзу, балки сюжет жиҳатидан ҳам

ўхшаш. Сочи ёйилган қиз, машинали йигит ва айрилиқ. Очиғини айтганда, «оммавий маданият»нинг кўшиқчилик санъатидаги бундай шакллари ёшлар диди, савиясини ўтмаслаштириб қўймайптими? Бунга барҳам бериш вақти келмадимикан?

— Ҳақиқатан ҳам, бемаза қовунинг уруғи жуда кўпайди. Баъзан таксига ўтириб қолсам ёки бозор ораласам, мухлислар ана шу саволни беришади. Маданият вазирлиги йиғилишларида ҳам енгил-елпи, саёз кўшиқларни йўқотиш бўйича ўринли таклиф-мулоҳазалар билдирилса-да, муаммо муаммолигича қолмоқда. Тарғибот ва намойишнинг катта ўчоғи — телевидение олдида қатъий талабни қўймасдан туриб, ёшларни тобора ўз домига тортиб бораётган маза-матрасиз кўшиқларга нуқта қўйиб бўлмайди. Афсуски, бозор иқтисодиёти шароитида тижорат телеканалларига эркинлик берилиши жиловнинг қўлдан кетишига сабаб бўлмоқда.

Аммо бу эркинлик чегарадан чиқиш, ким нимани хоҳласа, ижро этаверсин, дегани эмас. Таклифим: Маданият вазирлиги «Ўзтеле радиоккомпания» билан ҳамкорликда жиддий бурилиш ясаши, ҳар бир кўшиқ дилтортар, тарбиявий аҳамияти бўлсагина уни эфирга узатиши лозим. Республикамиздаги барча овоз ёзиш студияларини «Ўзбекконцерт» ўз ихтиёрига олгани маъқул. Агар ижодий студиялар Низомига ўзгартириш киритилиб, шоир, бастакор, муҳаррир маош оладиган даражада шароит яратиб берилса, чалажон кўшиқлар «туғилмасдан» ўлади.

— Мақом деса, баъзи ёшларнинг энсаси қотади. Хўш, инсонни олис ўтмишга етакловчи, маънавий оламини бойитувчи ва тарбияловчи мақом санъати намуналарига нисбатан ёш авлодни қизиқтириш бўйича қандай таклиф берасиз?

— Мақомнинг ўлмаслиги, боқийлиги факт. Телерадио орқали «оммавий маданият»ни тарғиб этувчи бир марталик кўшиқлар узатилиб, фарзандларимиз бундан мутаассир бўляптими, жим қараб туришга ҳаққимиз йўқ. Ҳар бир оилада бола зоти учун мақом кўшиқлари диски бўлиши керак.



## МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

«Шашмақом» ўзбек-тожик халқи мусиқа асарлари асосида ярилган 250 дан ортиқ куй ва ашулалардан иборат бўлиб, мусиқий меросимизнинг салмоқли қисмини ташкил этади.

Ота-она, бобо-бувилар телевизор, компьютер қаршидан жилиб, фарзанд ва набираларига Навоий, Бобур, Огаҳий, Нодирабегим, Зебунисо, Муқимий, Завқий ғазалларидан ўқиб берса, мағзини чақишга кўмаклашса, улар вояга етганда, енгил-елпи кўшиқларни эмас, мумтоз тароналарни тинглайди. Афсуски, катталар ҳамшиша банд, бола тарбияси ҳаминқадар.

— Телерадио орқали оммага узатилган мумтоз кўшиқларингиздан нечтаси «Олтин фонотека»га киритилган?

— Бугун ижро этилган мумтоз кўшиқми, лирик таронами ёки таъсирчан эстрада намунаси-ми, ёзиб олинса, келажак авлод учун бу жуда катта хазина бўлиб қолади. «Олтин фонд»да юзлаб эл назарига тушган санъаткорлар қаторида менинг ҳам ижод намуналарим сақланмоқда. Унга «Шашмақом» таркибидаги 50 дан зиёд мақом, кўплаб лирик тароналарим киритилган.

— Мазмунли фикр-мулоҳазаларингиз учун ташаккур!

«Mahalla» мухбири  
Хулқар КУЗМЕТОВА  
суҳбатлашди.



«Олтин давр» халқаро мусиқа ярмаркаси ташкил этилади.

# ПАРКИНСОН

## касаллигининг

## давоси борми?

Ёши улуг инсонлар орасида қадди эгилган, қўллари титраётган, майда-майда қадам ташлаб юрадиган, хатти-ҳаракати сустлашганларни кўрганмиз. Баъзилар буни қарилик аломатлари деса, баъзилар нотўғри ҳаёт тарзи, деб ҳисоблашади. Аслида бу паркинсон касаллиги аломати ҳам бўлиши мумкин.


Бу касаллик ҳақида илк бор 1817 йилда Джеймс Паркинсон ўзининг «Титроқли фалаж ҳақидаги эссе»сида ёзиб ўтган. 1874 йилда машхур француз неврологи Жан Мартен Шарко бу касалликнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўргана бошлайди ва унинг тақлифи билан 1877 йилда «Паркинсон касаллиги» атамаси тиббиётга киритилган. Маълумотларга кўра, мазкур хасталик билан Рим папаси Иоанн Павел II, Фаластин раҳбари Ёсир Арофат, «Microsoft» асосчиси Билл Гейтс, буюк рассом Сальвадор Дали, машхур боксчи Мухаммад Али ва бошқа кўплаб таниқли шахслар касалланган. Қанчалик ташвишланарли бўлмасин, 1990 йилдан 2015 йилгача паркинсон ташхиси қўйилган беморлар сони дунё бўйича икки баробарга ошган.

### «Тиланчи» кўғирчоқ юриш қилади

Марказий нерв тизимининг сурункали бу касаллиги оддий тилда «титроқ фалаж» дейилади. Илмий жиҳатдан эса у атеросклероз, энцефалит, жисмоний шикастланиш ва бошқа ҳолатларда бош миянинг пўстлоқости ядроси зарарланишидан пайдо бўладиган клиник синдром ҳисобланади.

Паркинсонизмда мушаклар таранглашади, юз ҳаракатсиз бўлиб, қотиб қолади. Бемор майда қадам ташлашга одатланиб, ҳаракатлари чекланади. Титроқ фалаж кўпроқ қўл панжаларидан бошланиб, бемор гўёки ҳавода шарча ясаётгандек кўринади, титроқ боши ва оёқларига ҳам кўчади. Агар у қимирламай турса ёки жуда ҳаяжонланса, титроқ авж олади, ҳаракатланса, камаяди, ухлаганида эса босилади. Ҳаракат ҳажми секинлашса-да, мушаклар кучи сақланиб қолади. Беморнинг ташқи кўриниши «тиланчи» кўғирчоқ юриш қилгандек тасаввур уйғотади. Унинг боши олдинга эгилган, қадди букилган, қўллари тирсак ва оёқлари тизза бўғимида букилган бўлади. Бирон иш буюрилса, бемор ўзи хоҳласа ҳам уни тезда бажара олмайди.

Рухий-ҳиссий ва интеллектуал толиқиш, депрессия ва кўрқув-хавотирга мойиллик, уйқусизлик,



эзмалик, қайсарлик, арзимаган гапга аразлаш, йиғлоқи бўлиб қолиш натижасида вегетатив бузилиш рўй беради. Бемор кўп сўлак ажратади, юз териси ёғланиб, ич қотишидан безовталанади. Паркинсонни бошдан кечираётган киши иштаҳа билан овқатланаверса-да, аммо йилдан-йилга беморда очлик ва тўйиб овқатланиш ҳисси йўқолиб боради.

### Кўпроқ қайси ёшда учрайди?

Касаллик кўпроқ 60 ёшдан ошган эркакларда кузатилади. Бирок у ёшларда учрамайди, деган фикр нотўғри, тушкунлик ҳамда кўрқув паркинсонизм синдромини келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Тадқиқотчилар тахминига кўра, 2050 йилга бориб умр кўриш даражаси яхшиланиб борса, бу ёшдан ошган қариялар сони 2 миллиардга етади. Паркинсон касаллигини камайтириш бўйича изланаётган тадқиқотчилардан бири Рея Дорси бундан хавотирланиб, агар аҳоли ўртасида профилактик чора-тадбирлар кучайтирилмаса, яқин ўн йиллардан сўнг бу касаллик пандемия тусини олишини тахмин қилмоқда.

Мамлакатимизда касалликнинг тарқалиш даражаси 0,4-1 фоизни ташкил этади ва таъкидлаганимиздек, кўпроқ 55-60 ёшдаги кишилар у билан курашади.

### Қандай омиллар сабаб бўлади?

Касалликни келтириб чиқарувчи омиллар алақачон аниқланган. Жумладан, наслий омиллар, ёшга хос баъзи касалликлар — артериал гипертензия, атеросклероз, оёқда ўтказиб юборилган инсульт, бош

мия жароҳатлари, носоғлом турмуш тарзи, нейроинфекциялар, турли антибиотик ва препаратларнинг организмга ноҳўя таъсири, кун тартибининг нотўғри белгиланиши ёки яшаш муҳити билан боғлиқ ҳолатлар одам танасини ҳаддан зиёд толиқтиради.

Марганец, кўрғошин тузи, метил ва этил спирти, фосфорорганик бирикмалар, ис гази билан мунтазам захарланиш бош мияга, юракка, таянч ҳаракат аъзолари ва мушакларга таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Бундан ташқари, дунё миқёсидаги саноатлашув, урбанизация, сунъий овқат хилларининг кўпайиши табиийликка путур етказиб, жисмоний ҳаракатнинг қисқаришига сабаб бўлмоқда. Санаб ўтилган омилларнинг барчаси нафақат паркинсонизм, балки бошқа касалликларнинг ҳам кўпайиши, ҳаттоки, «ёшариб» боришига замин яратади.

### Ўзбилармонлик қилиб бўлмайди

Дард ботмонлаб келади, мисқолаб кетади, деган нақлни паркинсонга нисбат бериб айта олмаймиз. Чунки саратон каби унинг ҳам давоси топилган эмас. Бу касалликка ташхис қўйишда, аввало, санаб ўтилган клиник белгилар асос қилиб олинади. Агар аниқлашда муаммо туғилса, инструментал текширув —МРТ/МСКТ имкониятларига мурожаат қилинади.

Ташхис аниқлангани дардни даволаш учун ҳаракат бошланди, деганидир. Уй шароитида, ўзбилармонлик қилиб даволашга киришиш бемор ҳаётини хавф-хатарга қўяди. Замонавий тиббиётда беморнинг ёши, ҳаёт тарзи, касб-кори, касаллик бошланган давр ва

### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Манчестер университети тадқиқотчиси Жой Милн 64 нафар кўнгилли иштирокида тажриба-синнов жараёнини ўтказар экан, Паркинсон касаллигига чалинганлар тери шираси таркибида уч хил модда — гиппур кислота-си, эйкозан ва октадеко-нол моддалари миқдори юқори бўлишини аниқлади.

унинг даражаси синчиклаб ўрганилади.

Мамлакатимиздаги кўплаб давлат ва нодавлат даволаш муассасаларида ушбу хасталикни даволашнинг турли методикаларидан фойдаланилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, даволаш учун тавсия этилаётган ва дунёнинг етакчи дори-дармон компаниялари томонидан сотувга чиқарилаётган «Циклодол», «Наком», «Мадопар», «ПК-Мерц», «Тидомет», «Форте», «Нервагил» каби дори воситалари паркинсон билан курашиб келаётган беморни дарддан буткул фориғ эта олмайди, энгиллик бахш этади, холос. Амалиётда қўлланилаётган бу дориларни фақат мутахассис шифокор кўригидан сўнггина қабул қилиш мумкин. Агар даволаш жараёни режали тарзда олиб борилмаса, 10-12 йил ичида деярли 70 фоиз бемор ногирон бўлиб қолади ёки бевақт вафот этади.

Ривожланган давлатларда замонавий жарроҳлик усули — бош мия пўстлоқости ядроларига электростимуляция қилиш тажрибаси мавжуд. Консерватив даволаш технологияси паркинсонизмда анча энгиллик туғдиради. Бунга параллел равишда музикатерапия, табиат қўйнига сайр қилиш, кўнгилочар жойларда вақт ўтказиш, оилавий муҳитни турли можаро ва зиддиятлардан холи қилиш, овқатланиш рационини шифокор кўрсатмаси бўйича тузиш, беморни кўпроқ уй-рўзғор ишлари ёки жисмоний машқларга жалб қилиш ўзининг ижобий самарасини беради.

**Нодир НУРМЕТОВ,**  
олий тоифали невропатолог.



**56,7 дан кўп ва 100 баллдан кам тўплаганларга ҳам ўқишини тиббиёт йўналишига кўчиришга рухсат берилди.**

Бутун дунёда турли омиллар (асосан сурункали хасталиклар) таъсирида буйрак етишмовчилиги билан оғриганлар сони кўпайиб, гемодиализ муолажасига талаб ортиб бормоқда. Биргина Ўзбекистонда 3 мингга яқин бемор буйрак етишмовчилиги юзасидан гемодиализ муолажасига эҳтиёж сезади. Хўш, буйрак етишмовчилиги қандай касаллик? Унинг давоси борми? Соҳа Ўзбекистонда қанчалик ривожланган?

Сурункали буйрак касалликлари — бутун дунёдаги каби Ўзбекистонда ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб, ўлим кўрсаткичининг юқорилиги, молиявий харажати катталиги билан ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар сирасига киради. Асосан, меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида кенг тарқалган. Унинг авж олиши терминал буйрак етишмовчилиги ривожланиши билан боғлиқ. Бу хасталик кўпинча ўз вақтида ташхисланмайди ва охиригача даволанмайди. Шу боис бу касалликка нисбатан «яширин қотил» ибораси ишлатилади.

— Касаллик катталарда ҳам, болаларда ҳам бирдек учрайди, — дейди Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг даволаш ишлари бўйича

бош шифокор ўринбосари, олий тоифали нефролог, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори Дилфуза Ақромхўжаева. — Дарднинг тез ривожланиб кетиши ушбу асоратга олиб келган асосий касалликни келтириб чиқарган этиологик омилга, унинг турига, морфологик вариантларига боғлиқ. Касаллик ташхисини қўйиш унчалик қийинчилик туғдирмайди: бу копточалар филтрацияси таҳлили асосида буйракларнинг азот ажратиш функцияси пасайганлиги билан баҳоланади. Клиник аломатлар аста-секинлик билан ривожланиб, маълум вақт кузатилмаслиги ҳам мумкин. Мазкур патологик жараён барча аъзою тизимларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

### Қандай даволаш мумкин?

Буйраклар организм учун жуда муҳим вазифаларни бажаради. Агар уларнинг иши бузилса, организмда захарланиш бошланади. Яқин-яқингача буйрак етишмовчилиги билан хасталанган одамлар касаллик охириги босқичига ўтганида ўлиши аниқ эди. Ахир, буйрак оддий орган эмас, унинг ўрнини фақат чўнтакка солиб, ҳамма ёрда олиб юриш мумкин бўлмаган мураккаб аппаратура

# БУЙРАК етишмовчилиги қандай касаллик?



билан ёхуд янги, соғлом орган билан алмаштириш мумкин.

Даволашда асосий эътибор буйрак етишмовчилиги ривожланиши ва зўрайишининг олдини олишга қаратилади. Терминал ва ўткир буйрак етишмовчилигига дучор бўлган беморларни даволашда фақатгина икки усул самаралидир: биринчиси — программали гемодиализ, иккинчиси — буйрак трансплантацияси.

Гемодиализ — буйрак ўрнини босувчи давонинг энг кўп тарқалган тури бўлиб, «сунъий буйрак» деб номланадиган аппарат ёрдамида қонни уремия захарларидан экстрокпорал усулда тозалайди. Бундай беморларнинг узоқ умр кўришларини таъминлаш учун уларни доимий равишда, аксарият ҳолларда, бутун умри давомида гемодиализ аппарати ёрдамида муолажа қилиш шарт ҳисобланади.

Буйрак трансплантацияси, бу — ҳаёт сифатини яхшилаш, унинг давомийлигини ошириш имкони. Даволашда мазкур вариант яхшироқ, чунки одам тўлақонли ҳаётга қайтади, даволаш муолажасига боғланиб қолмайди. Бунда донордан буйракни олиш учун лапароскопия методидан фойдаланилади. Операция кам жароҳатли, қорин соҳасида кичик кесиллар йўли билан ўтказилади, тахминан 1,5-2 соат давом этади. Беморга донор органини ўтказиш тахминан 2-3 соат олади, умумий анестезия остида бажарилади. Буйрак тўлиқ ишлашни бошладан олдин бемор гемодиализ сеансларини олади. Катетер одатда уч кундан сўнг олиб ташланади. Агар соғайиш жараёни меъёрда кечса, унда 4-5 кундан кейин беморга жавоб берилади.

### Соҳа қанчалик ривожланган?

Тан олиш керак, нефрологик касалликлар сўнгги вақтларда «ёшариб» бораётган ва аҳоли орасида

### ДАРВОҚЕ...

2019 йилда Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида 230 дан ортиқ, Республика шошилини тез ёрдам илмий марказида 70 га яқин буйрак трансплантацияси операциялари ўтказилган.

кўп кузатилаётган хасталиклар сирасига киради. Афсуски, уларни даволашда замонавий усуллардан тўла фойдалана олмаяпмиз. Боиси тиббиёт муассасаларида нефрологик касалликларга чалинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилган бўлишига қарамай, уларнинг турмуш сифатини яхшилашни таъминлайдиган шарт-шароитлар замон талабларига мос эмас.

Жумладан, гемодиализ олиш учун ўринларнинг умумий сони реал эҳтиёждан бир неча баравар кам, гемодиализ бўлинмаларининг ярмидан ортиғи мослаштирилмаган хоналарда жойлашган, зарур мосламалар ва машиналарнинг белгиланган фойдаланиш муддати ўтиб кетган. Шунингдек, шифокор-нефрологлар ва гемодиализ бўйича мутахассислар кескин етишмаяпти. Беморларга ўз вақтида ташхис қўйишнинг самарали тизими яратилмагани касалликни барвақт аниқлаш ва унинг олдини олишда турли камчиликларни юзага келтирмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисида нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал этишга қаратилган, — дейди «Ўзбекистон диализ

жамияти» нодавлат ноtijорат ташкилоти раиси Улуғбек Шамсубоев. — Унинг ижроси доирасида катталар ва болаларда нефрологик касалликларни, айниқса, буйрак ўринбосар терапиясига муҳтож беморларни ташхислаш ва даволашнинг клиник, гемодиализ муолажасига юбориш стандартлари амалиётга жорий этилди. 2019 йилдан диализаторларни бир марталик ишлатиш тизимига ўтилди. Бу диализ сифатини яхшилаш билан бирга, ушбу жараённинг ноҳўя таъсирларини ва турли касалликлар юқиши эҳтимолини сезиларли равишда камайтиради.

Қолаверса, диспансер кузатувида бўлган беморлар тўғрисидаги комплекс ахборотни ўз ичига олган электрон реестр ишлаб чиқилди. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида «Нефрология, гемодиализ ва буйрак трансплантацияси» кафедраси ташкил этилди, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, магистратура ва клиник ординатуранинг «нефрология» ва «болалар нефрологияси» мутахассисликлари бўйича янги йўналишлари очилди. Бу соҳанинг оғриқли муаммоси — кадрлар масаласини самарали ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

### Касаллик профилактикаси зарур

— Касалликнинг профилактикаси ва давоси ҳақида сўз борганда, аввало, халқимизнинг тиббий маданиятини оширишимиз, улар онгига ушбу хасталик ёмон оқибатлар ва асоратларга олиб келиши, ўлим кўрсаткичи юқори бўлган дардлар туркумига киришини доимий ва тизимли равишда сингдириб боришимиз зарур, — дейди Д.Ақромхўжаева. — Аслида ҳар бир инсон бебаҳо бойлиги саналган соғлиги унинг ўзи ва оила аъзолари учун муҳим эканини англаб етиши даркор. Шундагина у профилактик куриклардан доимий ўтиб туради ва оғир касалликларнинг эрта аниқланишига ҳамда керакли тавсиялар олишга муваффақ бўлади.

Маслаҳатим, сурункали инфекция ўчоқлари, яъни муртақ безларининг яллиғланиш касалликлари, қулоқ-бурун хасталиклари, кариесга учраган тишларни ўз вақтида даволатинг, ўзингизни зах ва совуқдан эҳтиётланг, токсик моддалар билан ишлаганда меъёр қоидаларига риоя этинг — булар ҳам соғлом турмуш асоси ҳисобланади.

Мушкул вазиятга тушиб қолган кишини кўрганмисиз? Ранг кўр, ҳол сўр, ҳеч кимга «ёрилмайди», ўз ёғига ўзи қоврилади. Кунлар ойга, ойлар йилга уланади. Боши берк кўчадан чиқа олмайётган инсонга ён-атрофдагиларнинг кўрсатмаси наф берадими? Гирдобдан чиқа олмайётган шахс кимга мурожаат қилиши керак? Оғир руҳий ҳолатни бошдан кечираётганлар битта-иккита эмас, кўпчилик бўлса, жамият бундан қанчалик даражада зарар кўради?

Гап аҳолига психологик хизмат кўрсатиш ҳақида кетгудек бўлса, ана шу саволларни ўртага ташлаш ва муаммоларга ечим тақдим этиш зарурати мавжудлиги ойдинлашади. Шахс муаммолари ечимига кўмаклашувчи психологик ёрдамнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топа олмайётгани соҳага нисбатан нотўғри қараш шаклланишига ҳам сабаб бўлмоқда.

### Концепция мавжуд вазиятни ўнглайди... (ми?)

Психология ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларга бирдек тегишли бўлиб, юзага келган муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганади, таҳлил ва тадқиқ этади. Маълумотларга кўра, республикамизда 25 минг нафар психолог ихтисослигини эгаллаган мутахассис бор. Салмоқли рақам, тўғрими? Аммо ана шу катта куч жамиятда ўз ўрнини топа олганми? Афсуски, фанга нисбатан фуқароларда тўғри тушунчанинг шаклланиши психологиянинг роли ва аҳамиятини пасайтириб юбормоқда.

— Юзага келган муаммолар юзасидан давлат миқёсида чоратадбирлар белгилаш вақти келди, — дейди психология фанлари доктори Умарали Қодиров. — Ҳанузгача Ўзбекистонда мукамал дастур ва амалий тажрибага асосланган ягона психологик хизмат тизимини бошқарувчи расмий мақомдаги марказ мавжуд эмас. Тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва ўз амалий фаолиятини давом эттираётган соҳа мутахассисларининг хизмат кўлами ва нархи аксарият фуқароларнинг чўнтагига тўғри келмайди. Стресс, депрессия ҳолатини бошдан кечираётган шахс битта сеанс учун 150-200 минг сўм тўлашга оғринади, албатта. Шунингдек, психологик хизмат тизимининг мавжуд ҳолати ва унинг амалий фаолиятини ҳар томонлама, чуқур таҳлил қилувчи ва соҳа истиқболини очиб берувчи йирик



# ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ қачон талабга жавоб беради?

тадқиқотларга қўл урилмаяпти. Оилавий муносабатлар тизимидаги муаммоларни ҳал қилишга амалий ёрдам берувчи психологик хизматнинг барча фуқаролар фойдаланиши мумкин бўлган даражада ташкил қилинмагани ўзига хос долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Шу боис Президентимизнинг «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат тўпланиб қолган барча муаммоларни мазмун ва шакл жиҳатидан таҳлил қилиш, ечим ахтариш мақсадини ўзида жометган. Қарорда қайд қилинганидек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги штатлар жадвалига бош психиатр ва бош суицидолог лавозими киритилди. Лавозим вазифаси бир-бирига узвий боғлиқ бўлган бу мутахассислар эндиликда мавжуд вазиятни чуқур ўрганиб, психиатрия ва психология хизматини ҳар томонлама ривожлантириш чоратадбирларини белгилаши лозим.

### Психолог ўз вазифасини бажаряптими?

Кенгашли тўй тарқамас, яъни кўпдан кўп фикр чиқади. Қайси соҳа бўлмасин, мутахассислар бир жойга йиғилса, бахс-мунозара бошланади, жамият ҳаётида кузатилаётган умумий воқеликка баҳо берилади, муаммолар таҳлил қилинади.

— Ўзбекистон психологлар ассоциацияси 2001 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, аҳоли учун марказлашган психологик хизматни яратиш, соҳа мутахассисларини амалиётга ва илмий тадқиқот жараёнига жалб этиш билан шуғулланиб келмоқда, — дейди ассоциация бошқарув раиси, психология фанлари номзоди Хулқар Маҳмудова. — 201 нафар мутахассисни ўз атрофига жипслаштирган нодавлат уюшмамизда психологиянинг б

юридик, амалий ва бизнес йўналишлари бўйича тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Семинар-тренинглар ўтказилаётган бўлса-да, бу етарли эмас. Агар инсон маънавий-ахлоқий бузилиши билан боғлиқ майда ҳуқуқбузарлик ва катта-катта жиноятлар айнан маҳалла тизимида содир этилаётганини инобатга олсак, бунинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларда психологик хизматнинг ўрни сезилмаяпти.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ҳар бир маҳалланинг ўз психологи бўлишига эришсак, ўз жонига қасд қилиш, оилавий ажралишлар, ўсмир фарзандларимиз юриш-туришидаги номутаносибликларнинг олди олинарди. Қолаверса, республикамизда бу соҳани мувофиқлаштирувчи, ривожлантирувчи, назарий-методологик базасини яратувчи ва амалиётга етук мутахассисларни тайёрлаб берувчи психология илмий-тадқиқот институтига эҳтиёж бор. Психолог мутахассислар етишмаслигининг ягона сабаби шундаки, мактаб психологларининг ойлик иш ҳақлари паст. У ўз лавозими доирасидаги вазифа билан эмас, балки бошқа ишлар билан банд. Агар мактабда 1000-1500 нафар ўқувчи ўқиса, бир психолог уларга «урвоқ» ҳам бўлмайди. Демак, контингент юқори бўлса, ўша таълим масканларида психолог штати кўпайтирилиши ва у фақат ўз ваколати доирасида ишлаши керак.

### Дипломли кадр жамиятдан ўз ўрнини топяптими?

Руҳий саломатлик соғлиқнинг ажралмас қисми бўлиб, унга «Саломатлик, бу — касалликлар ва жисмоний нуқсонларнинг йўқлигига эмас, балки тўлиқ жисмоний, руҳий ва ижтимоий хотиржамлик ҳолатидир», дея таъриф берилади. Оддий тилда айтганда, жисмоний соғломлик руҳий мувоzanат билан уйғунлашсагина, ўша инсон барқарор, осойишта умр

кечиради. Руҳий оламида толиқиш пайдо бўлган кишига фақат малакали, бу соҳанинг сир-асроридан хабардор бўлган мутахассис кадргина кўмаклаша олади.

— Мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида айнан психология ихтисослиги бўйича факультетлар очилмаган, — дейди Ўзбекистон Миллий университети доценти, психология фанлари доктори Ўктам Шамсиев. — Университетимизнинг ижтимоий фанлар факультети таркибида очилган психология ихтисослигида 1000 нафардан ортиқ талаба ўқиётган бўлса, бунинг 300 нафардан зиёдроғи магистратура босқичи изланувчисиدير. Афсуски, ҳар йили бакалавр дипломи билан учирма қилинаётган дипломи кадрларимиз ўз соҳасида ишлай олмайди. Амалиётчи психолог штати очилган мактаб ва мактабгача таълим масканларида эса штатлар банд. Агар психолог барча соҳалар учун энг керакли мутахассис эканини назарда тутсак, нима учун турли номақбул хатти-ҳаракатлар, қонун бузилишлари рўй бераётган катта-катта ишлаб чиқариш корхоналари, бирлашмалар, тиббиёт масканларида унга эҳтиёж бўлмаслиги керак? Сир эмаски, 1000-2000 киши ишлайдиган меҳнат жамоаларида инсоннинг ҳуқуқ-атвори бузилиши билан боғлиқ нохуш ҳолатлар кўп учрайди. Агар шундай корхоналарда психолог штати жорий этилса, биринчидан, кадр иш билан таъминланади, иккинчидан, ўша жойда ижтимоий муаммоларнинг олди олинади.

Дунёнинг ривожланган давлатларида шахслараро муносабатнинг мураккаблашуви натижасида руҳий мувозанати бузилган киши ҳеч иккиланмай психологик хизмат кўрсатиш марказига боради. Мутахассиснинг бир нечта сеансини олгач, у стрессдан халос бўлади, ҳаётга муҳаббати, умр кўриш даражаси яхшиланади. Бизда эса мураккаб ҳиссий ҳолатни бошдан кечираётган кишилар учун бундай имконият ҳали оммавий тарзда яратилганича йўқ. Бундай шарт-шароитга эришишнинг илк қадамлари ташланмоқда. Демак, келажакдан умид қилсак бўлади.

Хулқар КУЗМЕТОВА  
«Mahalla»





## ДУНЁДА ҳали яхши одамлар кўп

Элмурод бобонинг ёлғиз ўғли хорижга ишлаш учун кетган эди. Бир ҳафта аввал келини беш яшар ўғли билан ота уйи — қўшни вилоятга кетиши билан қаттиқ режимли карантин бошланди. Келин бирон йўлини қилиб уйига келмоқчи эди, Элмурод бобо рози бўлмади: «Сиз билан биз-ку майли, болани эҳтиёт қилинг, қизим», — деди мўйсафид телефондаги суҳбат чоғида.

Келин ноилож ота уйида қолиб кетди. Мана, энди келинини йўлдан қайтариб тўғри иш қилганига бот-бот ишончи комил бўлса-да, ёлғизликнинг юки мўйсафидни дилтанг қилиб қўйди. Ўтган куни кампири иситма қилганини билган Элмурод бобо «тез ёрдам»ни чақирди. Кийган оппоқ либосидан фақат кўзларигина хира-шира кўриниб турган врач келиб момонинг аҳволини кўргач, олиб кетди. Улар Элмурод бобони карантин зонасига юбормоқчи эди, рози бўлмади:

— Уйда мол-қўйимиз бор, қаровсиз қолмасин, — деди мўйсафид. — Дўктор болам, бу вирус дегани одамдан ҳайвонга ўтмай-дими?

Мўйсафид бу саволни шундай оҳангда бердики, врач Элмурод бобонинг илтижоли боқиб турган

кўзига қараб йиғлаб юборай деди. Бир сония ўзини йўқотиб қўйди ва ўзи ҳам ишонмайдиган хастахол оҳангда жавоб берди:

— Йўқ, молларга юкмайди. Ҳозирча бундай ҳолат кузатилмади... Барибир эҳтиёт чорасини кўрган маъкул.

Элмурод бобо кўча томон юрар экан, дарвозанинг қия очиқ турганини кўриши ҳамон хаёлидан: «Уйга ўғри тушмадимикан», деган ўй ўтди. Қия очиқ эшикдан кўчага қаради, ҳеч ким йўқ. Кўча эгасиз уй каби ҳувиллаб ётарди. Мўйсафид дарвозани ёпар экан, икки қадам наридаги сўрида қатор турган елим халталарга кўзи тушди. Кимдир бир ҳафтага етадиган озиқ-овқат ташлаб кетган эди. Мўйсафид кеча маҳалла раиси келиб, дарвоза ортида туриб ҳолаҳвол сўраганини, кучли овқатлардан еса дардга йўликмаслигини уқтириб кетганди. Билдики, маҳалла раиси бозорлик қилиб ташлаб кетган. Элмурод бобо шу ҳақида ўйларкан, уйга ўғри тушмадимикан, деб гумон қилганидан уялиб, бўғзига нимадир тикилгандай нафаси қайтди.

Элмурод бобо одати бўйича молларга қараб, ховлидаги гулларни сўғораётган вақтда дарвоза очилиб, кимдир салом берди.



Мўйсафид қаршисида қўшни қиз турганини кўриб, қўлини кўтарди: «Менга яқин келма, қизим! Шу ерда тур. Нима гапинг бор?»

Бобонинг бу ишдан қиз қиқирлаб кулиб юборди ва:

— Кўрманг, ёмонга бало ҳам урмайди, — деди. — Сизга овқат қилиб бермасам, момом даволаниб келгач, бобонг чарчаб қолибди, қарашмабсизлар, деб мени уришади.

Шу тариқа Зебо Элмурод бобонинг тутинган қизи бўлиб қолди. У икки ҳафта бобонинг уйидан чиқмай яшади. Шу кунлар давомида бобонинг иссиғини ўлчар, уй юмушларини бажарар, ошхонада куймаланиб емак тайёрларди. Элмурод бобо ҳали йигирманчи баҳорини қарши олмаган қизга қараб ўйларди: «Бутун келажаги олдинда турган шу қизга мункиллаб қолган чолга қарашиш зарил

эканми? Бошқа пайт бўлганда майли эди, лекин дард орттириб олиб, оқибати ўлим билан тугаши мумкин эканини билиб, жонини хатарга қўйишга нима мажбур қилди? Доим одамларда оқибат, меҳр камайиб боряпти, шу боис дунёдан барака кўтарилиб, турли касалликлар, офатлар кўпаймоқда, деб ўйлардим. Зебо қизим бу ўйларимни парчалаб юборди. Йўқ, дунёда ҳали яхши одамлар кўп. Айтишларича, дунёда битта бўлса ҳам яхши одам бор бўлса, охир замон келмас эмиш. Яхшилик қилишга қодир одамлар бор экан, инсоният хор бўлмайди!»

Элмурод бобо шулар ҳақида ўлар экан, қўлини кўтариб, Зебо ва у каби инсонлар ҳақида дуо ўқий бошлади...

Равшан АБДУЛХОЛИҚ

## Савол

Шифохонага ўғлини кўриш учун борган ота ховлида тиниқ осмонга ва олисда кўриниб турган тоғларга қараб жим ўтирарди. Махсус шифахонада ёлғиз ўзи ётган олти яшар болакай отасининг тиззасига бошини қўйиб, ниманидир узоқ ўйларди. Ахири ота тилга кириб:

— Йиғламаяпсанми? — деб сўради. Бола «йўқ» дегандай бош қимирлатди. Лекин бирдан авзойи ўзгарди. Ҳикмат ва маъсум нигоҳини отасидан олиб қочди. Кейин:

— Бекор касал бўлганман, — деди. — Кетаман бу ердан, олиб кетинг!

Ота нима дейишини билмасди. Унинг кўкси ачишиб, томоғига нимадир тикилгандай бўлди. Кўзёшини кўрсатмаслик учун ўғлини бағрига қаттиқ босди ва:

— Ундай дема. Ахир, сен ақлли боласан-ку! Тўғрими? — деди. Бола индамади. Ота ўзи тенги одамга насиҳат қилаётгандай гапда давом этди:

— Худойим яхши кўрган бан-

дасини касал қилиб, синаб кўрар экан, қани, ростдан ҳам яхшимикан ёки йўқ, деб. Сен ҳам яхши бўл. Хўпми?

Ота ўғлига айтган гапининг маъзини тушунтириб, узоқ насиҳат қилди. Болакай отасининг сўзини жон қулоғи билан тинглади. Кейин ўйчан нигоҳини отасининг кўзига қадаб, савол берди:

— Ота, сиз нима учун ҳеч ҳам касал бўлмагансиз?!

Ота ҳомуза тортиб, ерга қаради. Бола эса отасига виждон аталмиш кўзгу тутганидан беҳабар ҳолда, ҳамон саволига жавоб кутар эди.

БОБОРАВШАН.

## ЖАЗО

— Яна ичиб келдимми?! — деди Толиб кўз ёши қилиб ўтирган опасини кўриб. — Бир кун эрингизни уриб ўлдираман, опа!

— Шаштингдан қайт, болам, — деди Толибга онаси Зухра опа зорланиб. — У бечорани Худо уриб қўйган, бўлмаса, шундай қилиб ўзини-ўзи хор қилиб юрмасди.

— Сиз шундай десангиз, қизингиз ичмайдиган одам борми, деб чидаб юрса, бир куни уриб ўлдириб қўяди, — деди Толиб. — Қўни-қўшнилари олдида уялиб ўлдим, ойи! Кўрган одам маҳалла посбони ўз опасининг муаммосини ҳал қилолмайди, демайдими? Бўлди, буни шундай ташлаб қўя олмайман.

— Милисага берасанми? — хавотир билан сўради Зухра опа.

— Йўқ, ўтган сафар 15 сутка ўтириб чиққани ҳам фойда бермади, энди ўзим шуғулланаман.

Толиб шу шахд билан уйдан чиқиб, мастликдан тошдай қотиб ётган поччасини уйдан судраб чиқди. Опасининг дод-войига парво қилмай, поччасининг қўл-оёғини арқон билан боғлаб, машина юкхонасига солди. Кейин шу яқин атрофда оқиб ўтадиган катта анҳор ёнида тўхтади. Поччасини машинадан тушириб, уни анҳорга ташлаб юбормоқчи бўлгандай сувга яқин олиб борди. Бу пайтда ортидан югуриб келган опаси Толибнинг қўлига ёпишди.

— Йўқол, эркакларнинг ишига аралашма! — деб опасини нарига итариб юборди. Аёлининг кўз ёшини кўрган эркакнинг кайфи учди. Толибнинг нияти жиддий эканини кўриб, зор қақшаб ялина бошлади. Унинг дод-фиғонига чидолмаган Толиб поччасининг юзига тарсаки тортиб юборди ва: «Яна бир марта ичсанг, аниқ мана шу анҳорда чўкиб ўласан, опам учун ҳар балога тайёрман!» — деди.

Сўнгра уйига қайтар экан, ўйлаган ҳийласи иш берганидан қувониб: «Оиламнинг муаммосини ҳал қила олмасам, нега маҳаллага посбон бўлиб юрибман», деди ғурур билан...

Усмон НУРИДДИН ўғли.

Динимизда тарғиб қилинган амаллардан бири, бу — қабристонларни зиёрат қилишдир. Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: «Сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим. Батаҳқиқ, Мухаммадга онасини зиёрат қилишга изн бўлди. Бас, у(қабр)ларни зиёрат қилинг. Албатта, улар охиратни эслатади», деганлар (Имом Термизий ривояти).



# ҚАБРИСТОННИНГ ҚАНДАЙ ЖОЙ ЭКАНИНИ унутганлар кўпайдими?



Нуриддин домла  
ХОЛИҚНАЗАРОВ,  
Тошкент шаҳар бош  
имом-хатиби.

## Одобини жойига қўйинг!

Наҳотки, қалбимиз шунчалар қорайиб кетди? Азизлар, қабристон бу оддий жой эмас. Бу пушаймонлар, умидворлар, азоб ёки роҳат эгалари ётадиган жой. Унинг одобини жойига қўйинг.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ бир қабр рўпарасида овқат еяётган кишини кўрдилар ва: «Аллоҳга қасамки, бу киши мунофиқ», дедилар. Шунда ёнларидаги кишилар сўрашди: «Эй имом, нима сабабдан бир кишини қасам билан мунофиқлигига гувоҳлик берярсиз? Сабаби нима?» У киши жавоб бердилар: «Кўз олдида жаннат ёки дўзах, азоб ёки роҳат турганини билиб, кўриб туриб томоғидан овқат ўтаётган киши мунофиқ бўлмасдан ким ҳам бўлиши мумкин?»

Шундай экан, мўминлар ётган жойни, яхши амаллари учун ҳам, ёмон амаллари учун ҳам ҳисобкитоб кутиб ётган кишилар маконини беҳурмат қилманг. Аллоҳ насиб қилса, бир кун шу манзилда ётиш барчамизнинг бошимизда бор. Бас, шундай экан, ётар жойингизни бугун «обод» қилиб қўйинг. Мармарлар, дабдабалар билан эмас, солиҳ амаллар, яхшиликлар ва ибодатлар билан обод қилинг!



беназир ҳисса кўшган аждодларимизнинг мангу кўним топган масканлари қатори деярли барча қабристонлар обод қилинди. Бундан кўзланган мақсад — зиёратчилар учун қулайликлар яратиш, Қуръон тиловати сабабли ўтганларимиз руҳларини шод этиш, холос.

Шу билан бирга, дунё ташвишларидан чарчаган, ҳаёт жозибдорлигига берилиб, охиратни унутган кишиларни тафаккурга ундаш, ҳар бир жон бир кун шу манзилда ётиши муқаррар эканлигини эслатишдир.

## Мармарлар, дабдабалар билан эмас, солиҳ амаллар ва ибодатлар билан обод қилинг!

Бироқ сўнгги пайтларда одамлар орасида қабристоннинг қандай жой эканини унутганлар

кўпайди. Унинг ҳайбатини ҳис қилмасдан, қабрлардан ибрат олмайдиган кишилар учраб турибди. Ҳатто жанозага бориб, қайсидир яқинини лаҳадга қўйиб ҳам ибрат олмайдиганлар бор. Қабристонда ҳам дунёвий гаплар, ғийбат, мишмишлар урчиди. Таъзияларда, қабристонларда тамаки тутатиб, нос чекувчиларни кўриб, дилимиз хуфтон бўляпти.

Наҳотки, улар қабристон бу дунё манзили эмаслигини англамайдилар? Уларнинг кўз олдида турган бу қабрлар остида ё жаннат ёки дўзахдан бир туйнук очилганини ҳис қилмайдилар. Лоақал, ўн беш дақиқа ўлимни эслаб, қилган гуноҳ ва камчиликларини кўз олдида келтириб, Аллоҳга истиғфор айтмайдилар. Қанчадан-қанча дуо ва истиғфорга муҳтож марҳумлар учун лоақал икки оят Қуръон ўқиб, дуо қилмайдилар?

Ислом дини келган дастлабки йилларда Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг тиллари ила қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эди. Бу қайтариқ умумий бўлгани сабабли Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳам оналарининг қабрини зиёрат қила олмаган эдилар. Сабаби, одамлар орасида ислом ақидаси ва бошқа илмлар тўлиқ шаклланмаган, инсоният ширкдан буткул халос бўлмаган эди.

Кўп амаллар қатори қабрларни зиёрат қилишда ҳам жоҳилият амаллари аралашиб қолишининг хавфи бор эди. Кейинчалик Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам кишилар қалбини исломий таълим билан суғориб, одамларнинг диний савияси ошгач, марҳумларнинг қабрларини зиёрат қилишга рухсат берилди. Шунда Расули акрам алайҳиссалом мазкур ҳадисни айтдилар ва кишиларга қабристон зиёратидан кўзланган асл мақсадни ҳам эслатиб, таъкидлаб қўйдилар. Мақсад — охиратни эшлаш.

## Охиратни унутган кишиларни тафаккурга ундаш

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жуда кўп жойлар, хусусан, масжидлар, мадрасалар ва қадамжолар обод этилди. Динимиз ва илм-фан ривожига

## БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

# Зиёрат одобини биласизми?

Аввало, ниятни тўғри қилиб, ихлос билан, холис Аллоҳ учун зиёрат қилиш керак. Бунинг учун таҳоратли бўлиб, дунё машғулоти тарк этиб, охиратни ўйлаш лозим.

Зиёратгоҳда виқор билан сокин юриб, қабр аҳлига: «Ассалому алайкум, эй қабр аҳли! Аллоҳ бизни ва сизларни мағфират этсин. Сизлар биздан олдин келгансиз, биз ҳам сизнинг ортингиздан келамиз», деб салом бериш керак.

Қабрни сийпаш, ўпиш ва айланиб тавоф қилишдан узоқ бўлиш жоиз. Қабр бошида «Ёсин» сурасини ўқиш керак.

Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ розиял-

лоху анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким ота-онаси ёки улардан бирининг қабрини ҳар жума куни зиёрат қилиб, «Ёсин» сурасини тиловат қилиб, унинг савобини уларга бағишласа, сурадаги ҳар бир сўз ва ҳарф ададича Аллоҳ таоло уларнинг гуноҳларини мағфират қилади», дедилар (Имом Дайлабий ривояти).

Маъқал ибн Ясор розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда эса Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ўликларингизга «Ёсин» сурасини тиловат қилинг», деганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

«Ихлос» сурасини ўқиш ҳам за-

рур. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким қабристонга кириб, «Қул ҳуваллоху аҳад»ни ўн бир марта ўқиб, савобини ўликларга бағишласа, унга ўликлар ададича савоб берилади», деганлар (Имом Доракутний ривояти).

Зиёратда марҳумнинг яхши сифатларини кўпроқ эшлаш керак. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Дунёдан ўтганларнинг яхши сифатларини эсланглар, уларнинг ёмон сифатларини айтишдан сақланинглар», деганлар (Имом Термизий ривояти).

Қабрни босмаслик лозим. Қабр усти майитнинг ҳаққидир. Қабр

устидан ёки қабристон ичидан ўтишга зарурат туғилса, тасбеҳ, таҳлил, такбир, дуо ва истиғфор айтиб ўтиш керак.

Зиёратдан ваъз-насихат олган ҳолда қайтиш керак. Имрон ибн Ҳусайн розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам жанозада ҳозир бўлганларида қайғуларни ортар, ниҳоятда кам гапирар, фикр-мулоҳазага ғарқ бўлар эдилар» (Имом Ҳоким ривояти).

Даврон НУРМУҲАММАД,  
Ўзбекистон мусулмонлари  
идораси ходими.



Фуқаролар томонидан банкларда сотиб олинган валюта ҳажми қарийб 3 баробар ошди.

# САВДОГАРЛАР

Динимиз инсонлар ўртасидаги муносабатларда ҳамиша адолат, инсоф, ҳалоллик бўлишни талаб этади ва мусулмонларни шунга чақиради. Бу муносабатлар орасида савдосотиқ ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилган: «Аллоҳ савдони ҳалол, рибони ҳаром қилди» («Бақара» сураси, 275-оят).

Динимиз ростгўй ва ҳалол савдогарларга юксак мартабаларни ваъда қилган. Савдо-сотиқда ростгўй бўлмаган ва тақво қилмаган кимсалар Қиёмат кунинда гуноҳкор ҳолатда тириладилар. Бу ҳақда Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар: «Эй, савдогарлар жамоаси!». *Ҳамма қаради, шунда У Зот: «Албатта, савдогарлар қиёмат кунинда гуноҳкор ҳолатда тириладилар, фақат ким (савдода) Аллоҳдан қўрқса, солиҳ амалларни қилса ва рост сўзласа, бундан мустасно»*, дедилар (Имом Термизий ривоятлари).

Бу ҳадиси шарифдан тижорат шарафли касб бўлиши билан бирга, ростгўй ва тақводор бўлишни талаб қиладиган ўта масъулиятли касб эканлиги маълум бўлмоқда. Савдонинг ҳам турлари кўп. Қуйида улардан баъзиларини баён қиламиз.

## «Тақсит» савдоси моҳиятида нима ётади?

«Тақсит» сўзи луғатда «бўлиб-бўлиб тўлаш» маъносида бўлиб, шаръий истилоҳда «савдо молини харидорга дарҳол топшириб, баҳосини насия қилиш»га айтилади. Масалан, бир киши 10 мингта машина сотиб олиб, устига 20 фоиз қўйиб, 12 мингта маълум бир муддатта насияга сотиши жоиз. Бу савдо «Тақсит» савдоси дейилади.

Бу савдо насия бўлгани учун, табиийки, нақд савдога қараганда баҳоси қимматроқ бўлади. Бу ҳақда замонамизнинг етук уламоларидан фазилатли Шайх Муҳаммад Тақий Усманий шундай дейдилар: «*Тўртала мазҳаб имомлари ва фуқаро муҳаддислар жумҳури насияни нақднинг баҳосидан қимматроқ сотиш савдосига ижозат берганлар. Лекин олувчи ва сотувчи муайян муддатта ва келишув вақтидаги муайян нархга узил-кесил келишиб олишлари шарт*» («Бухусун фи қозоя фикҳийя муъасиро» китоби).

Бу савдода агар икки томон «Нақдга олсанг — фалонча, насияга олсанг — фалонча» деб иккисидан бирига узил-кесил келишиб олинмаса, савдо фосид бўлади, яъни бузилади. Демак, «Тақсит» савдосида

## қиёматда гуноҳкор бўлиб тириладими?



ҳам насия савдодаги бир нечта шартларга риоя қилиш керак бўлади. Улар насия савдонинг муддати аниқ бўлиши, насияга сотилган маҳсулотнинг нархи аниқ бўлиши, харидор қарзини келишилган вақтда уза олмаса, яна қўшимча нарх (баъзилар бунини жарима дейди) қўшилмаслиги керак. Насия савдо билан сотиб олинган нарса ҳам тўлиқ харидорнинг мулки ва тасарруфига ўтади.

Насияга маҳсулот сотиб олган мусулмон киши доим қарзини тўлаш ва вақтида адо қилиш пайида бўлиши керак. Мана шунда Аллоҳ таоло унга ёрдамчи бўлиб, тез кунда қарзидан қутулади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз (с.а.в.) бундай деганлар: «*Ким одамларнинг молини қайтариб бериши мақсадида олса, Аллоҳ таоло унга ёрдамчи бўлади. Ким одамларнинг молига талафот етказиш (чув тушириш) учун олса, Аллоҳ таоло унинг ўзиги талафот етказди*» (Имом Бухорий ривоятлари).

Имкони бўла туриб қарзни чўзишни Пайғамбаримиз (с.а.в.) «зулм» деб атаганлар: «*Бойнинг (қарзни бермасдан) чўзиб юриши зулмдир*» (Имом Бухорий ривоятлари). Демак, қарзни узишга имкон бўлиши билан уни узишга шошилиш лозим бўлади. Қарзи бор киши шуни яхши билиши керакки, одамлардан қарз олиб, уни тўламасдан (ёки тўлайдиган мол қолдирмасдан) дунёдан ўтиб кетадиган бўлса, Қиёматда бу қарзни савоблари билан тўлаб беради. Чунки у ерда тўлайдиган пул йўқ, савоб эса ҳаммага керак бўлиб турган бўлади.

## Молиявий пирамида ман қилинган

Ҳозирги кунда оммалашган иқтисодий фаолиятлардан яна бири молиявий пирамидадир. Бу фаолият турининг кўриниши шундайки, киши маълум миқдорда пул тикиб, мазкур тизимга киради. Кейин у

ушбу тизимга бошқаларни ҳам жалб қилади. Жалб қилинган янги аъзолар ҳам белгиланган миқдордаги пулни тикиб, тармоққа қўшиладилар. Кейин улар ҳам янги аъзоларни даъват қила бошлайдилар. Ҳар бир янги кирган аъзонинг эвазига унинг аъзо бўлишига сабабчи бўлган киши ширкат тарафидан маълум миқдорда маблағ олиб туради.

Кўриниб турибдики, бу тизим қуйидаги шахсларнинг ютқизиши эвазига юқорисидати кишиларнинг ютиши, кўпчиликнинг қуйиши натижасида озчиликнинг гуркирашига хизмат қилади. Бу каби тизимларга аъзо бўлиш шаръан ман қилинган. Чунки ушбу фаолиятнинг шариатимизга тўғри келмайдиган жиҳатлари кўп. Мазкур йўналишдаги ширкатларда даромад олиш тизими бошқа иштирокчиларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлади. Бу эса қимордир. Қимор эса ҳаромдир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилган: «*Эй, ймон келтирганлар! Албатта, хамр, қимор, бутлар ва (фол очадиган) чўплар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир. Бас, ундан четда бўлинг. Шоядки, нажот топсангиз*» («Моида» сураси, 90-оят).

## Сайт орқали пул топиш жоизми?

Сайтда реклама эълон қилиб, уни орқасидан пул топиш ҳам бугун оммалашди. Агар сайтда фаҳш суратлар, видеолар, Аллоҳ ҳаром қилган маҳсулотларни ва инсон ҳаётига хавф соладиган нарсалар реклама қилинмаса, сайт орқали реклама бериб, пул топиш жоиз. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган: «*Эзгулик ва тақво(йўли)да ҳамкорлик қилинглр, гуноҳ ва адоват(йўли)да ҳамкорлик қилманглр! Аллоҳдан кўрқинглр! Албатта, Аллоҳ азоби қаттиқ зотдир*» («Моида» сураси, 2-оят).



Раҳматуллоҳ САЙФУТДИНОВ,  
Юнусобод тумани бош имом-хатиби.

Шунингдек, уламолар инсон ва унинг аъзоларини, одамзотдан ажраб чиққан соч, тирноқ кабиларни сотиш мутлақ мумкин эмаслигини такидлайдилар. Чунки улар одамзотнинг бўлаги, жузи ҳисобланади.

Қолаверса, барча савдоларга тегишли умумий қоида бор: киши ўзида бўлмаган нарсени ёки сотиб олган нарсани ҳали қўли билан ушламасдан туриб бошқага сотишига шариатимиз руҳсат бермайди. Бу ҳақда фикҳий китобларимизда қуйидаги жумла келтирилган: «*Кўчадиган маҳсулотларни қўлга киритишдан аввал сотиш жоиз эмас. Кўчмас мулкларни (масалан, ерни) эса қўлга олмасдан ҳам сотиш жоиз*» («Мухтасарул виқоя» китоби). Демак, ердан бошқа барча маҳсулотларни сотишдан олдин сотувчи маҳсулотни қўлга киритган бўлиши лозим бўлади, акс ҳолда олди-сотди бузилади.

## Савдо одобидан хабардормисиз?

Ҳар бир нарсанинг одобни бўлганидек, савдода ҳам ўзига яраша қонун-қоида мавжуд. Сотувчи ёлгон гапирмаслиги, хиёнат қилмаслиги, тарози, литр, метр, ҳажм ва донасидан урмаслиги, харидорни ҳурмат қилиши лозим ҳамда харидор камбағалроқ бўлса, имкон қадар нархдан тушиб бериши мақтовга сазовор ишлардандир. Бу ҳақда Пайғамбаримиз (с.а.в.) савдода саҳий бўлиш ҳақида шундай деганлар: «*Албатта, Аллоҳ олди-сотдида қўли очик бўлганларни яхши кўради*» (Имом Термизий ривоятлари).

Афсуски, ҳозирги кунда баъзи жойларда нархни сунъий йўллар билан кўтариш ва одамлар норозилигига сабабчи бўлиш ҳолатлари учрамоқда. Бу иш оғир гуноҳ бўлиб, бунга сабабчи бўлганларнинг охирадаги аҳволи жуда ҳам аянчли бўлади. Бу ҳақда Расулulloҳ (с.а.в.) шундай деганлар: «*Ким мусулмонларга қимматроқ бўлсин деб, уларнинг нархларига дахлдор бўлса, Аллоҳ таборак ва таолога қиёмат кунини оловнинг улканига ўтқизиш вожиб бўлади*» (Имом Аҳмад ривоятлари).

Шундай экан, ҳозирги пандемия шароитида мўмин-мусулмонлар ўзаро елкадош бўлиб, нархнаво ва йўл ҳақини ҳам инсоф билан белгилаши, ўзини бошқаларнинг ўрнига қўйиб кўриши айна муддаодир.

Бугун ҳаётимизни рекламасиз тасаввур эта олмаймиз. Ҳар қадамда, ҳар жойда унга дуч келамиз. Рекламанинг асосий вазифаси — ахборот бериш орқали одамларни маълум бир ҳаракатга чорлаш ҳисобланади. Масалан, савдо рекламасидан мақсад, маҳсулотни сотиш бўлса, маиший хизмат рекламаси аҳолига хизмат кўрсатишни тарғиб этади. Бугун ҳатто биз нафас олаётган ҳавонинг ҳар зарраси реклама билан тўйингандек гўё.


Хўш, реклама юртимизга қандай кириб келган? Унинг ривожланиш тарихи қандай?

### Реклама қандай кириб келган?

Реклама тарихий манба сифатида ўзига хос хусусиятларга эгадир. XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистонда реклама турли шаклларда вужудга келган. Жумладан, 1899 йилда «Туркистон вилоятининг газети» Тошкентта америкача реклама қилиш усули кириб келаётгани тўғрисида хабар беради. Таъкидланишича, шаҳар кўчаларида бошдан-оёқ ўзига папирос илиб олган сотувчиларни кўриш мумкин эди.

Шунингдек, XX аср бошларида Туркистон шаҳарларида доска ва призмалар ўрнатилиб, уларга тадбиркорлар ўз эълонларини осиб қўйган. Яъни Тошкент шаҳар бошқармаси хусусий тадбиркорлар-

# ТУРКИСТОНДА рекламанинг илк кўринишлари қандай бўлган?



га эълонлар тахтасини ижарага берган. Бу призмалар шаҳар боғи ва сайлгоҳида ўрнатиш эди.

Шаҳар бошқармаси тўғри келган жойларда, деворлар ва дарахтлардан реклама ва эълонлар учун фойдаланишни тақиқлаган эди. Талабнинг ошириб кетиши ва махсус жойлар етарли бўлмагани боис доимий равишда болалар гимназиялари деворларига турли ранглардаги бўёқларда реклама ёзиб кетиларди.

### Рекламаларни безашга катта аҳамият берилган

Бу даврда матбуотда эълон қилинаётган ва кўчадаги рекламалардан ташқари, турли хил маълумотномалар китоб шаклида

ҳам чиқарилган. Телефон китоблари, ҳар хил календарларда ҳам тадбиркорлар ўз эълонларини бериб борган. 1870 йиллар ўрталаридан бошлаб, босма нашрларда эълонлар алоҳида бетда чоп этила бошланган. Уларнинг ҳажми ва ҳарфлари катталашган.

1890 йиллардан газеталарда дастлабки реклама иллюстрацияларини учратиш мумкин эди. Масалан, «Туркестанские ведомости» газетасида Ж.Блок савдо уйи велосипедларнинг иллюстрацияли рекламасини берган эди, унда дунёнинг бир қанча давлатларида мазкур велосипедлар харидорлиги ҳамда уларнинг омборхоналарда мавжудлиги ҳақида ёзилиб, велосипед миниб кетаётган киши тасвири ва шаҳарлар номи берилган.

Рекламаларни безашга катта аҳамият берилган, асосий матн ва унинг номи ёзилган шрифтлар бир-бирдан ажралиб турган. Уларнинг баъзилари ҳарфларининг ўлчови ёки ҳажми билан, бошқалари эса матнга нисбатан жойлашган жойи билан ўқувчиларни ўзига жалб қилишга ҳаракат қилган. Эълонларнинг аксарияти рамкаларга олинган, улар ҳам, ўз навбатида, турли шакллар ва безаклар билан безатилган.

Бундан ташқари, эътиборни жалб этиш учун матнлар газета варағида диагональ ва кўндаланг ҳолатда, ҳаттоки чаппасига ҳам жойлаштирилган. Шунингдек, кичик эълон катта жойда берилиб, унинг ёнларида бўш жойлар қолдирилган ҳамда қора фонда оқ ҳарфлар билан ёзилиб, эътиборни жалб қилишга ҳаракат қилинган.

### Замон ва анъаналар уйғунлиги

Туркистон ички бозорига дунёга ўз маҳсулотлари билан танилган компаниялар кириб

кела бошлаганини ҳам газетадаги рекламалардан кўриш мумкин. Уларда маҳсулотнинг ёки хизматнинг номи, унинг қисқача тавсифи, нархи, битимнинг қулайлиги кўрсатиб берилган. XX асрнинг бошидан эса газета саҳифаларида турли техника воситалари, машиналар, ускуналар рекламаси берила бошлади. Бу рекламаларнинг кўпчилиги расмлар ва тавсифлар илова қилинган.

Масалан, тикув машиналари билан дунё бозорига машҳур бўлган «Зингер» компанияси ўз рекламаларида маҳсулотларни фақат компаниянинг хусусий дўконларидан харид қилиш мумкинлиги таъкидланган. Бу машинанинг нархи 25 рубль бўлиб, уни харид қилишни осонлаштириш мақсадида пулини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳам мумкин бўлган.

Умуман олганда, Туркистон газеталари рекламасининг ўзига хос хусусияти — унда ўша давр учун замонавий бўлган услублар билан бир қаторда, шарқона услубларнинг ҳам қўлланиши эди. Бундан мақсад — бир томондан, эълонларга оригиналлик бериш бўлса, иккинчи томондан эса, туркистонлик харидорлар ишончини уйғотиш эди.

Рекламанинг газетада жойлашган ўрни орқали уни берувчи тўғрисида қўшимча маълумотлар ҳам олиш мумкин. Масалан, газетанинг биринчи бетиде узок вақт мобайнида катта эълонлар йирик сармоядорлар томонидан берилган. Рекламанинг катта-кичиклигига қараб, тадбиркорнинг салоҳияти, харидорларнинг ижтимоий аҳволи ва маҳсулотнинг харидорлиги маълум бўлган.

### Хулоса ўрнида

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда газета рекламасининг пайдо бўлиши янги бир ҳодиса эди. Бугун биз рекламани тижорий восита сифатидагина биламиз. Аммо вақт ўтгани сари у тарихий ҳужжатга айланади. Хусусан, яқин тарихимиз — Туркистон ўлкасининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришларни ўрганишда ўша даврдаги рекламаларнинг ҳам аҳамияти катта. Эълон ва рекламаларнинг илмий аҳамияти шундаки, ундаги ахборотлар очиқ бўлиб, йўқолиб кетган ҳужжатларни тўлдирishга ёрдам беради. Бошқа томондан эса, у ёки бу маълумотни архив ҳужжатларидан излашга тўртки бўлади.

Санобар ШОДМОНОВА,  
тарих фанлари доктори,  
профессор.

## «RETRO-SAHIFA»

### «Чорсу» бозори



«Чорсу» бозори қадимдан Тошкент ҳудудидаги энг йирик савдо маркази бўлиб келган. Ёзма манбалардан мазкур бозорнинг номи турли даврларда турлича — «Чорсу», «Жўба», «Регистон», «Эски Жува» «Большой базар» (катта бозор) бўлгани маълум.

«Чорсу» қадимий сўз бўлиб, дастлаб зардуштийларнинг китоби «Авесто»да «човурчуқ» («тўрт томонлама») шаклида учрайди ва «бозор» маъносини англатади. Кейинчалик бу сўз «чаҳорсу» ва ниҳоят «чорсу» шаклини олган. «Чорсу» деганда, «гумбазли бозор» тушунилган. Баъзи тадқиқотларда «чорсу» фақат тўрт йўл эмас, балки беш, олти, ундан ҳам кўпроқ йўллар кесишган жой экани таъкидланган. Дарҳақиқат, бозор ҳудудида шаҳарнинг барча дарвозаларидан келган йўллар туташган.



Ғузурда фойдаланишдан чиққан  
ерларда соя етиштирилади.

# ЭФИОПИЯГА

Дунёда манфаат бор экан, нотинчлик давом этаверади. Сиёсат ҳам шунга яраша ўзгариб тураверади. Жангу жадаллар туфайли денгиздаги қайиқ каби тебранаётган сайёрамизда яна бир можаро ўчоғи пайдо бўлди.

## НОТИНЧЛИК ҚАЙТДИ

яратиш учун гуманитар коридор ташкил этиш ҳақида Эфиопия ҳукумати билан мулоқот қиляпти.

### Тўқнашувлар деб очаси нимада?

Шимолий вилоятдаги «Тиграй миллий озодлик fronti» сиёсий партияси Эфиопиянинг 44 ёшли бош вазири Абий Аҳмад Алини партияни коалицион ҳукуматдан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилаётганликда, бош вазир эса минтақавий ҳукуматни коррупцияда ва ислохотларни издан чиқариш ҳаракатида айблашга ўтдики, бу ҳозирги тўқнашувларнинг деб очасига айланди.

Ўзининг мафқураси бўйича социалистик марксистик-ленинча ташкилот – «Тиграй миллий озодлик fronti» кейинчалик сиёсий партияга айланиб, узок вақт ҳукмрон коалиция таркибига кирган ва умуммиллий миқёсда таъсир доирасига эга бўлган. Аммо Абий Аҳмад даврида у ва марказий ҳокимият ўртасидаги муносабатлар ёмонлашди. Тиграй раҳбарлари Бош вазирни ноҳолис муносабатда ва уларни ҳокимиятдан сиқиб чиқаришда, ҳукумат раҳбари эса уларни коррупция ва ислохотларни саботаж қилишда айблади. Аҳмаднинг сўзларига кўра, минтақа одил суддан қочганларнинг бошпанасига айланган. Боз устига, 9 сентябрь куни Тиграй расмийлари марказий ҳукуматга очиқчасига бўйсунмай, минтақавий парламентга сайловлар ўтказишди. Ваҳоланки, марказий ҳукумат коронавирус пандемияси сабабли сайловларни бекор қилган эди.

3 ноябрь куни Абий Аҳмад маҳаллий айирмачилар минтақада жойлаштирилган ҳарбийларга қарши ҳужум бошлаганини маълум қилди. Ўша куннинг ўзид



Абдували САЙБНАЗАРОВ, сиёсий шарҳловчи.

Эфиопия парламенти «Тиграй миллий озодлик fronti»ни террорчи ташкилот деб эълон қилди, прокуратура эса фронт етакчиси Дебрецион Геберемайкл бошчилигидаги 64 нафар асосий шахсни қамоққа олишга ордер берди. 4 ноябрдан бошлаб эса ҳарбий ҳаракатлар бошланди, ҳукумат кўшинлари авиация ёрдамида бошлаган ҳужумини муваффақиятли деб ҳисоблайди.

### Халқаро ҳамжамият нима демоқда?

Кўшни давлатлар ҳамда БМТ томонларни можарони тинч йўл билан ҳал қилишга, жабрдийдаларга ёрдам бериш учун гуманитар хизматчиларга минтақага киришга имкон беришга чақирмоқда. Расмий Аддис-Абеба билан уруш ҳолатида бўлган «Тиграй миллий озодлик fronti» Эритрея пойтахти Асмара аэропортига ҳам ракета зарбалари берди. 2018 йилдан бери Эфиопия билан дўстона муносабатлар ўрнатган Эритрея исёнчи минтақа билан чегара жанглирида иштирок этапти, гарчи бу ҳақда баёнот бермаган бўлса ҳам.

Албатта, Асмаранинг зиддиятдаги иштироки шундоқ ҳам кам сонли бўлган тиграй кучларини тезда ҳолдан тойдиради. Тиграйликлар ҳеч қаердан ёрдам ололмайдилар, ўн минглаб қочқинлар Суданга жўнаб кетмоқда. Тиграй исёнчилари шунга қарамай, курашни охиригача давом эттирмоқчи. Чунки улар қўлида эфиоп-эритрея уруши давридан қолган йирик оғир қуроллар заҳиралари бор. Исёнчилар лидери ўз ихтиёридаги ракеталар билан Аддис-Абебага ҳам зарба бериш билан пўписа қиляпти.

### Уруш анча чўзиладиганга ўхшайди, агар...

Афтидан, Эфиопия сиёсий элитасининг бир қисми бўлган тиграйларни Абий Аҳмад ортга қайтармас экан, уруш анча чўзиладиган кўринади. Акс ҳолда қашшоқлик кескин тус олади. Гарчи янги ҳукумат Ғарб сармояларини жалб этишга уринган бўлса-да, Абий тарафдорлари аҳолини қашшоқлик исканжасидан олиб чиқа олгани йўқ. Қизиғи шундаки, Эфиопиянинг ўз минтақалари қолиб, кўшни Эритрея ва Судан билан

уйғун муносабатлари қарор топди.

БМТ маълумотларига кўра, жанговор ҳаракатлар ёки туманлар ҳудудидан 27 мингдан зиёд киши қочиб улгурган. Улардан айримларнинг иддаосига кўра, тинч қочоқларга эритреялик ҳарбийлар ҳужум қилган. Аммо «Амнести Интернашнэл» маълумотида кўра, Тиграйнинг Май-Кадр шаҳрида амхар қабиласига мансуб тинч фуқаролар «Тиграй миллий озодлик fronti» қисмлари томонидан оммавий равишда қатл қилинган. Камида 500 киши жиноят қурбонига айланган.

Мавжуд маълумотларга кўра, қирғин 9 ноябрь куни кечкурун бўлиб ўтган. Бундан бир кун олдин ҳукумат ҳарбийлари Лугди номли ҳудудда айирмачиларни қақшатқич мағлубиятга учратганди. «Тиграй миллий озодлик fronti» бу ваҳшийликка алоқадорлигини рад этмоқда. Аммо Amnesty International ташкилоти гувоҳларга асосланган ҳолда, оммавий қирғин айирмачи кучлар томонидан амалга оширилганини маълум қилмоқда.

Жасадалар шаҳар марказидаги Эфиопия тижорат банки биноси яқинида ва кўшни Хумера шаҳри йўллари четидан топилган. Уларнинг бир қисми автоматдан ўқ узиш орқали ўлдирилган, яна бир қисми тигли қуроллар билан чопиб ташланган. Қатл олдидан уларнинг қўл ва оёқлари боғлаб ташланган. Мавжуд маълумотларга кўра, қурбонлар орасида Эфиопия армиясининг асир олинган ҳарбийлари ҳам, Тиграйдаги қашшоқ хўжалиги далаларида ишлаш учун Эфиопиянинг бошқа қисмларидан келган тинч аҳоли вакиллари ҳам бор.

Эфиопия бош вазири Тиграйдаги айирмачилар бир неча кун ичида тор-мор этилишини маълум қилганди, аммо у рақибнинг кучларига тўғри баҳо бера олмаган бўлиши мумкин. Тиграйдаги ҳарбий кучлар ҳам ҳарбий ҳаракатлар олиб боришда тажрибага эга ва улар маҳаллий тоғли ҳудудни аъло даражада яхши билишади. Шу билан биргаликда, кенг кўламли минтақавий низо Эфиопиянинг тинч аҳолиси ва бутун Африка шохи минтақаси учун оғир оқибатларга эга бўлиши эҳтимоли юқори.



Ўзбекистонда ишсизлик даражаси  
13,2 фоиздан 11,1 фоизга тушди.

Дзюдо Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган спорт тури сифатида дунёда анча оммалашган. Юртимиз спортчилари ҳам бу йўналишда ўз ўрнига эга экани айтиш ҳақиқат. Хусусан, полвонларимиз доимий равишда жаҳон ва Осиё биринчиликларида совриндорлар сафидан жой олиб келади. Хўш, дзюдочиларимизнинг Токио Олимпиадасига тайёргарлик жараёни қандай кечмоқда? Турнирда уларнинг имкониятлари қандай баҳоланмоқда? Кимларда йўлланма олиш имконияти бор?

Шу ва бошқа саволларга жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон дзюдо федерацияси раиси ўринбосари Шоадҳам Исроиловга мурожаат қилдик.

— Дзюдо юртимизда анча оммалашган спорт тури саналади, — дейди Ш.Исроилов. — У билан шуғулланишни истовчилар йилдан-йилга ошиб бормоқда. Федерациямизнинг янги раҳбарияти ўз фаолиятини бошлаганига эндигина икки йил тўлди. Шундай бўлса-да, бу спорт тури янада оммалаштириш, спортчиларимизнинг халқаро турнирлардаги иштирокини кенгайтириш бўйича иш-режаси тузиб олинган. Хусусан, асосий таркибни Олимпия ўйинларига тайёрлаш, рейтинг балларини жамғариш ва шу орқали каттароқ таркиб билан Токиога бориш кўзда тутилган. Шу боис жаҳон чемпионатлари ва «Гран-При», «Мастерс» туркумига кирувчи турнирларда муваффақиятли қатнашишимиз лозим эди. Бу борада Шарофиддин Лутфуллаев ўтган йили дзюдо ватани Японияда бўлиб ўтган дунё биринчилигида 2-ўринни эгаллади. Бу натижа анчадан бери юртимиз спортида кузатилмаётган ҳолат эди. Германияда ўтказилган Гран-прида эса Давлат Бобонов ва Муҳаммадкарим Хуррамов олтин медалларни қўлга киритди. Пандемияга қарамай, терма жамоа машғулоти тўлақонли давом эттириляпти.

### Хорижлик мураббий ўзгаришлар қила олдимиз?

Маълумки, спортда чет эллардан тажрибали мураббийларни жалб қилиш анъанаси мавжуд. Бу услуб қайсидир давлатда самара берган бўлса, бошқасида натижаларга таъсир кўрсата олмаган. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам ҳали бирорта чет эллик мутахассис юқори натижаларни олиб келганига гувоҳ бўлганимиз йўқ. Масалан, футбол бўйича мил-

# ДЗЮДО УСТАЛАРИ Олимпиадага тайёрми?



лий терма жамоамизга, клубларимизга бир неча марта миллион-миллион доллар маблағлар эвазига хорижий мураббийлар жалб қилинган. Аммо мана, салкам 30 йилдирки, терма жамоамиз ҳали жаҳон чемпионатида чиқа олгани йўқ. Клубларимизда ҳам худди шундай манзара. Хўш, бошқа спорт турларида, хусусан, дзюдода бу анъана ўзини оқлайдими?

Зеро, дзюдо терма жамоасида хорижлик мураббий фаолият юритаётганига 11 ой бўлди. Хўш, ўтган муддат ичида терма жамоа бош мураббийи, Олимпия ўйинлари ғолиби, грециялик афсонавий чемпион Илиас Илиадис бирор ўзгариш қилдимиз? Раис ўринбосарининг таъкидлашича, Илиас спортчиликнинг барча босқичларидан муваффақиятли ўтган полвон. Йиллар давомида тўтланган ана шу тажрибани у бугун спортчиларимизга ўргатмоқда. Зиммасига катта масъулиятни олган, аниқ мақсад-вазифалари бор, унга эришаман, деб ваъда берган. Ҳозирда шу йўналишда иш олиб бораётипти.

Айтиш керакки, шу кунларда, юртимизда бешта давлат терма жамоалари иштирокида халқаро ўқув-машғулоти йиғини бўлиб ўтмоқда. Бундай йирик ҳажмдаги машғулоти мақсад-моҳиятидан кўзланган натижа ҳам катта. Грузия, Миср, Қирғизистон терма жамоалари асосий таркибининг етакчи спортчилари Илиас Илиадис бошчилигидаги полвонларимиз билан юқори кайфиятда машғулоти ўтказишяпти. Бу халқаро йиғин Ўзбекистон ва Қирғизистон терма жамоаларига Мўғулистонда ўтказилиши режалаштирилаётган Осиё чемпионатида тайёргарлик

вазифасини ўтаса, грузиялик дзюдочилар Чехия мезбонлик қилаётган Европа чемпионатида, Миср эса Мадагаскарда ўтаётган Африка чемпионатида тараддуд кўряпти.

### Аёл дзюдочилар қандай тайёргарлик кўришмоқда?

Айтиш керакки, мазкур спорт тури билан аёллар ҳам эркаклар билан тенгма-тенг шуғулланишади. Юртимизда ҳам дзюдочилар кизларимиз талайгина. Айни пайтда аёллар терма жамоамиз Хоразм вилоятида ўқув-машғулоти йиғинларини ўтказяпти. Одатда улар эркаклар жамоаси билан мусобақаларга тайёргарлик кўришарди. Бу галги тайёргарликнинг ўзига хослигининг сабаблари бор, албатта.

— Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти қизлар жамоасига асосий спортчиларни етказиб берадиган худудларимиздан, — дейди Шоадҳам Исроилов. — У ерда республикамизнинг энг иқтидорли қизлари жам бўлишган. Бу борада хавотирга ўрин йўқ. Аёллар ўртасида рейтинг масаласига келсак, асосий таркибда 52 кг. вазн тоифасида Диёра Келдиёрова рейтинг зонасида турибди, 70 кг.да Гулноза Матниёзова ҳам шу босқич учун ҳаракат қиляпти. Улар ҳозир ўз натижасини яхшилашга эътибор қаратишган. Агар Гулноза рейтинг зонасини кесиб ўтса, 78 кг. вазнда ҳам лицензия олиш учун квота пайдо бўлади. Шунда Нодира Йўлдошеванинг ҳам йўлланма учун курашишига шароит яратилади. Умуман олганда, Токио Олимпиадасида биринчи марта жамоавий баҳсларда ҳам қатнашиш учун руҳат беришди. Вакилларимиз ҳам



бундай баҳсларда керакли натижа учун курашади.

### Янгиланган рейтингдан нима кутса бўлади?

Шу ўринда «Катта Дубулға» туркумидаги Будапешт турниридан сўнг Халқаро дзюдо федерацияси спортчиларнинг янгиланган Олимпияда рейтингини эълон қилганини эслаб ўтиш керак. «Токио — 2020» Олимпиадаси учун бу жуда муҳим. Мусобақада камида чорак финалгача етиб борган вакилларимиз рейтингда ўз поғоналарини анча яхшилаб олганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Жумладан, 60 кг. вазнда Шарофиддин Лутфуллаев бир поғона юқорилаб, учинчи ўринга кўтарилган бўлса, Сардор Нуриллаев ўз ўрнини беш поғонага яхшилади. Шарофиддиннинг рейтинг очколари жуда яхши. Аммо 66 кг. вазнда муаммолар бор.

— Ҳақиқатан ҳам, Сардорнинг натижаси биз кутгандек бўлмаяпти, — дейди Шоадҳам Исроилов. — Венгрияда унда катта имконият бор эди. Қанчалик ҳаракат қилмайлик, 3-ўрин учун курашда мағлубиятга учраб, 5-ўринни эгаллади. Шундай бўлса-да, 360 очкони қўлга киритди. 73 кг.да Ҳикматулла Тўраевда яхши имконият бор. Ёш, потенциали бор йигит, «Париж — 2024»да ҳам қатнашиши мумкин бўлган полвон. 81 кг. вазн тоифасида иккита спортчимиз даъвогарлик қила олади. Шарофиддин Болтабоев ва Камолиддин Расуловдан қайси бирининг натижаси юқори бўлса, ўзаро келишиб, Олимпиадада олиб борамиз. 90 кг.да Давлат Бобонов ва 100 кг.да Муҳаммадкарим Хуррамовнинг ҳам рейтинг зонаси ёмон эмас. 100 кг.дан ортиқ вазн тоифасида Бекмурод Олтибоевда ҳам шундай ҳолат. Мана шу спортчилар билан медаллар жамғаришни кўзда тутганмиз.

Улуғбек ИБОДИНОВ  
тайёрлади.



Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасига  
янги вице-президент сайланди.

6 Гарчи пандемия туфайли инсоният анча хушёр тортиб, одам ва олам муносабатлари ўзаги янгиланган бўлса-да, ҳаёт давом этапти. Тождор вирус хужуми одамларнинг дунёқарашини, тушунчасини тубдан ўзгартирди. Тўғрироғи, бу синов бизга шу пайтгача қадрига етмаганимиз — соғлиқ чиндан ҳам, энг катта бойлик эканини, дунёнинг ҳеч бир неъматини тан-сиҳатлик ва хотиржамликка тенг келмаслигини англади.

# ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА

## футбол майдони борми?

Шу боис саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида танини чиниқтиришни хоҳловчилар кўпайди. Ҳозир барча маҳаллаларда нафақат ёшлар, балки катталарнинг ҳам спорт билан шуғулланишга интилаётганини кўриш мумкин. Бу борада турли спорт акциялари, марафонлар ташкил этилаётгани ҳам бор гап. Ҳўш, Навоий вилоятида аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун шароитлар етарлими? Маҳаллаларда айна масалада қандай камчиликлар бор?

### Нега дастур ижроси тўлиқ бажарилмади?

— Болалигимдан спортнинг гимнастика тури билан шуғулланишни истагандим, — дейди Навбахор туманидаги «Чорвоқгузар» маҳалласидан Нозима Қаршиева. — Аммо бунга имконият йўқ эди. Чунки қишлоқда яшаймиз, маҳалламизда бадий гимнастика тугул, бошқа спорт турлари билан шуғулланиш учун ҳам шароит яратилмаган. Ўтган йили ҳудудимиздаги 19-умумтаълим мактабининг янги биноси қурилди. Аммо янги мактабда спорт зали йўқ. Қизиқ, буни қандай тушуниш мумкин?

— Дарҳақиқат, маҳалламизда спорт майдончалари йўқ, — дейди йиғин раиси Норали Темиров. — Болалар ва ўсмирлар ҳудудимиздаги 2005 йилда қурилган ўйингоҳда футбол ўйнашади, лекин бошқа спорт турлари билан шуғулланишга имконият йўқ. Айна масалада тегишли ташкилотларга мурожаат қилганмиз, бироқ ҳозирча натижа бўлмапти. Ҳеч бўлмаса, 19-умумтаълим мактаби учун спорт зали қурилиши 2021 йил дастурига киритилса, маҳалла аҳли учун катта имконият бўларди.

Туманининг «Қоражон» маҳалласида ҳам спорт майдончалари йўқ. 2019 йилда маҳалла «Обод қишлоқ» дастурига тушгач, аҳоли қувонганди. Аммо ҳудудда дастур ижроси тўлиқ бажарилмади. Жумладан, лойиҳадаги футбол майдончаси қурилиши ҳам орзулигича қолиб кетди.

— Маҳаллада сунъий қопламали

спорт майдончаси қуриш лойиҳада бўлса-да, бунинг учун бюджетдан маблағ ажратилмаган, — дейди Навбахор тумани ҳокимлиги қурилиш бўлими бош мутахассиси Азиз Хўжаев. — Ҳомийлик маблағлари эвазига қуриш учун ҳаракат қиляпмиз, бу борада тендер ҳам эълон қилинган. Маблағ масаласи ечилгач, албатта, маҳаллада спорт майдончаси барпо этилади.

### Ваъдалар қачон бажарилади?

Жорий йил баҳорида Навбахор туманининг «Оқолтин» маҳалласи фуқаролари таҳририятимизга мурожаат қилиб, ўзлари яшаётган ҳудуд «Обод қишлоқ» дастурига тушгани, бироқ дастур тўлиқ бажарилмагани ҳақида мурожаат қилишган ва биз вазиятни ўрганган эдик. Ўшанда маҳалла раиси Неъмат Бўронов: «Ёзда маҳалламизда сунъий қопламали спорт майдончаси қурилади, бунинг учун жой танланган, тендерда пудратчи ташкилот ҳам аниқ бўлди», деганини эсга олиб, бу борадаги вазиятни билишга қизиқдик.

— Афсуски, ҳали спорт майдончаси қурилмади, ўшанда ҳокимликдагилар пудратчи аниқланганини айтишганди, аммо тендер ҳали давом этаётган эмиш, — дейди саволимизга жавобан Н.Бўронов. — Балки пандемия халақит бераётгандир. Бироқ нима бўлса-да, ҳали болаларимиз учун шароит яратилмади.

Вазият билан танишиб, бу борадаги ишларда оқсоқликлар кўплигига амин бўлдик. Қизиғи, юртимиз ёшлари янги ва замонавий футбол майдончаларида тўп тепаётган бир пайтда оқолтинликлар учун ҳали-ҳануз қийшайган «труба», синган ғишт бўлаклари «дарвоза», нотекис, чанги осмонга кўтариладиган кўчалар «футбол майдони» вазифасини ўтамоқда.

### Катта спортга йўл кичик майдончадан бошланади

Спорт соҳасида муайян ютуқ-

қа эришиш учун шунчаки қизиқиш камлик қилади. Бунинг учун, албатта, иқтидор, интилиш ва шароит зарур. Таъкидлаш лозимки, жаҳон ареналарида ғолиб бўлиб, шухрат қозонган машҳур спортчилар ҳам илк қадамни кичик майдонларда ташлашган. Демак, маҳалладаги спорт майдончалари бўлғуси чемпионлар учун келажак пойдевори ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 августдаги тегишли қарори билан «Ҳар бир маҳаллада футбол майдони» дастури ишлаб чиқилишидан кўзланган мақсад ҳам соғлом ва баркамол ёшларни тарбиялашдан иборатдир. Бунда барча маҳаллаларда футбол майдонлари қуриш, шу жумладан, уларни давлат-хусусий шериклик шартларида бунёд этиш назарда тутилган. Айна жараёнда тадбиркорлар учун қатор имтиёзлар ҳам белгиланган. Афсуски, пандемия бу борадаги ишларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Шу боис бугун аксарият қишлоқ маҳаллаларида улғаяётган ўсмирлар ўз ҳудудида футбол ўйнаш учун етарли шароитга эга эмас.

— Барча йиғинларимиз спорт майдончаларига эга бўлмаса-да, маҳаллаларда спортни ривожлантиришга ҳаракат қиляпмиз, — дейди вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бош мутахассиси Фахриддин Болтаев. — Жумладан, пандемия қоидаларига амал қилган ҳолда 9-12 ёшли ўсмирлар ўртасида «Футболимиз келажиги», 13-14 ёшлилар учун «Маҳаллада футбол», 15-16 ёшлилар тоифасида «Чарм тўп» спорт мусобақаларини ўтказдик. Турнирларнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларига 500 нафардан зиёд ўсмир қамраб олинди. Фаол иштирокчилар ва ғолибларни рағбатлантирдик.

Сухбатдошимизнинг айтишича, ҳар бир маҳаллада спорт май-



### МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Президентимизнинг «Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида юртимиздаги 9146 та маҳаллада 18292 та жисмоний тарбия соғломлаштириш ва спорт майдончалари, 2021-2022 йилларда 204 та туман (шаҳар)да жами 831 километр пиёдалар ва велосипед йўлаклари барпо этилади.

дончаси бўлмаса-да, ёшларнинг жисмоний чиниқиши учун ҳеч йўқса ҳудуддаги таълим муассасаларида муайян шароит бор. Аммо чўл шароитида улғаяётган болалар кенгликларда югуришдан бошқа имкониятга эга эмас. Демак, юртимизда спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантириш борасида ҳали муаммолар етарлича.

...Ўзим ишга қатнайдиغان йўл бўйида министадионлар кўп. Ушбу майдонлар ҳар доим гавжум. Бундай кичик стадионларнинг катта фойдаси ҳақида ўйлайман. Бу ерда тўп сураётган болалар келажакда машҳур футболчи бўлишмас, лекин соғлом ўсишлари шубҳасиз. Ўйлаймизки, «Ҳар бир маҳаллада футбол майдони» дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши чекка ҳудудлардаги ёшларнинг азалий орзуларини рўёбга чиқариб, уларнинг спорт билан шуғулланишига муносиб шарт-шароит яратади.

Холбиби САҒАРОВА  
«Mahalla»

**СОЛИҚ**

**Ногиронлиги бўлган шахсларга қандай имтиёз бор?**



– Отам I гуруҳ ногирони, уй-жой ҳам отамнинг номида. Мол-мулк ва ер солиқларидан қандай имтиёз бор?

**Бекжон МАШАРИПОВ.**  
Хоразм вилояти.



**Дилдора ҲОШИМОВА,**  
Давлат солиқ кўмитаси давлат солиқ катта инспектори:

– I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган жисмоний шахслар мол-мулкдан 60 квадрат метр доирасида, ер солиғидан эса бутунлай озод этилган. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади.

**ТАЪЛИМ**

**Янги Миллий дастурнинг қандай афзаллиги бор?**

– Эшитишимча, умумтаълим мактабларида янги Миллий ўқув дастури ишлаб чиқилар экан. Айтинг-чи, ушбу ўқув дастури аввалгиларидан нимаси билан фарқ қилади?

**Азиза ҚОСИМОВА.**  
Тошкент шаҳри.



**Шухрат САТТОРОВ,**  
Республика таълим маркази директори:

– Аввалги ўқув дастурлари мазмуни 90 фоиз назариядан иборат бўлиб, ўқитиш методикаси ёдлатишга йўналтирилган.

Янги Миллий ўқув дастури мазмуни 50 фоиз назария, 50 фоиз амалиётдан иборат бўлади ва ўқувчининг мустақил фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилади.

Ўқув дастурларида баҳолаш эса фақат эслаб қолган билимлар ҳажмини аниқлаган. Янги дастур асосида ўқувчиларда шакланган кўникмалар баҳоланади. Фанлар сони ва ўқув юктамалари оптимallasштирилиб, ўқувчилар қизиқишига кўра фанларни танлаб ўқиш имконини берувчи вариатив ўқув дастурлар асосида ҳаётга ва касбий фаолиятга тайёрлаш имкони яратилади.

Миллий ўқув дастури асосида фанлар чизикли тартибда эмас, спиралсимон тарзда ўқитилади. Яъни мавзулар такрорий эмас, бир-бирини мантиқан давом эттирувчи ҳамда соддадан мураккабга томон йўналтирилган тарзда киритилади.

**ПЕНСИЯ**

**Пенсия жамғармасига электрон шаклда мурожаат қилиш мумкинми?**

– Пандемия сабаб кўплаб соҳалар электронлаштирилмоқда. Бу аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Бу борада пенсия жамғармасига ҳам электрон шаклда мурожаат қилиш мумкинми?

**Марат ПРИМОВ.**  
Кўнғирот тумани.

**Юсуфхон АБДУЛФАИЗОВ,**  
Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бош мутахассиси:

– Албатта, Пенсия жамғармаси тизимида ҳам фуқароларимизнинг саломатлиги инobatта олиниб, электрон шаклда мурожаат қилиш тизими йўлга қўйилган. Сиз Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармалари, туман ва шаҳар бўлимларига бормасдан телефон орқали ёки электрон шаклда мурожаат қилишингиз мумкин.

Шу кунга қадар фуқаролардан электрон мурожаатлар жамғарманинг электрон почтаси – [pension\\_uz@pfca.mf.uz](mailto:pension_uz@pfca.mf.uz) орқали қабул қилиниб келинаётган бўлса, эндиликда мурожаат қилишнинг янада қулай имкони яратилди. Яъни Жамғарманинг телеграм канали – [t.me/PensionFundRUz](https://t.me/PensionFundRUz)га аъзо бўлиб, каналнинг муҳокама (Обсудить ёки Discuss) қисмига ўтилиб, гуруҳ орқали саволларини йўллашлари мумкин. Ҳар бир саволга мутахассислар томонидан ўз вақтида, иш кунлари давомида жавоблар берилиши Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати томонидан назорат қилиб борилади.

Фуқаролар эса саволларни йўллашда Ф.И.О., доимий яшаш манзили, алоқа учун телефон рақами, мурожаатнинг қисқача мазмунини ёзишлари лозим.

Шунингдек, фуқароларнинг яшаш манзиллари бўйича ҳам ҳудудий каналлар жорий қилинган бўлиб, уларга келиб тушаётган саволларга ҳам мутахассислар томонидан жавоблар берилмоқда.

**ПАНДЕМИЯ**

**Биз коронавирусни енгдикми ёки даволаш усулини топдикми?**

– Бутун дунёда коронавирус бўйича вазият мураккаблашиб борапти, бизда эса кунлик статистика 200 тага ҳам бормаяпти. Биз коронавирусни енгдикми ёки бошқалар билмаган даволаш-профилактика усулларини топдикми?

**Ботир ЙЎЛДОШЕВ.**  
Тошкент вилояти.



**Нурмат ОТАБЕКОВ,**  
Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси:

– Ҳақиқатан ҳам, дунё бўйича вазият мураккаблигича сақланиб турибди. Биз эса хали коронавирусни енгганимиз ва янгича усулларни ҳам ўйлаб топганимиз йўқ. Назаримизда, республикада олиб борилаётган профилактик тадбирлар, беморларни эрта аниқлаш, алоҳидалаш, саралаш пунктларига юбориш билан боғлиқ ишларимиз самарасини берапти.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ**

**Талабаларнинг тураржой муаммоси қандай ҳал этилади?**



– 16 ноябрдан барча олий таълим муассасаларида анъанавий ўқиш бошлангач, бир қатор муаммолар ҳам юзага келмоқда. Улардан бири талабаларни тураржой билан таъминлаш масаласидир. Айтинг-чи, талабаларнинг тураржой муаммоси қандай ҳал этилади?

**Тошпўлат ТЕМИРОВ.**  
Сурхондарё вилояти.



**Абдували ХОЛИҚОВ,**  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи:

– Барча талабаларни талабалар тураржойлари билан таъминлаш имкони йўқ. Олий таълим муассасаси ҳеч бир талабани тураржой билан таъминлашга қарор бермайди. Тураржой билан боғлиқ масалани ҳал қила олган талабалар анъанавий таълимга қайтади.

Ҳозирда маълум бир талабалар тураржойларида таъмирлаш ишлари ҳам олиб бориляпти. Шу боис ётоқхона билан биринчи навбатда кам таъминланган, меҳрибонлик уйи битирувчилари таъминланади.

Талабаларни баҳолашда мезонлар бир хил, аммо вақти бир хил бўлишга мажбур эмас. Масофадан ўқиётган талаба вазифани кечроқ тайёрлаб берса, ўқитувчи уни кечроқ ҳам баҳолаши мумкин.